

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**43-сон**  
**(1219)**  
**2025 йил**  
**октябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

645. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига низоларни муқобил ҳал этишда медиация институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 20 октябрдаги ЎРҚ–1089-сон Қонуни
646. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 23 октябрдаги ЎРҚ–1090-сон Қонуни
647. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига таълим хизматларини кўрсатиш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 23 октябрдаги ЎРҚ–1091-сон Қонуни
648. «Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик янада либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят

кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 23 октябрдаги ЎРҚ–1092-сон Қонуни

### *Иккинчи бўлим*

649. «Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ишончли муҳофаза қилиш соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 20 октябрдаги ПФ–185-сон Фармони
650. «Худудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун туман (шаҳар) ҳокимликлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 октябрдаги ПФ–186-сон Фармони
651. «Сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 22 октябрдаги ПФ–189-сон Фармони
652. «Давлат тилини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 20 октябрдаги ПҚ–308-сон қарори
653. «Республиканинг олис ҳудудларида алоқа камровини оширишда йўлдош алоқа технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 октябрдаги ПҚ–313-сон қарори
654. «Касбий таълим тизимида ислохотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 23 октябрдаги ПҚ–316-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

655. «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 20 октябрдаги 659-сон қарори
656. «Рақобатни таъминлашга кўмаклашиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 октябрдаги 667-сон қарори
657. «Транспорт воситаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 25 октябрдаги 676-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

658. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 8-sentabrdagi 285-son “O‘zbekiston Respublikasi byudjet tizimi byudjetlarining g‘azna ijrosi qoidalariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 22-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2850-3*)
659. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 19-sentabrdagi 287-son, Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2025-yil 8-sentabrdagi 08/427-son, Soliq qo‘mitasining 2025-yil 4-sentabrdagi 2025-12-son, Markaziy bank boshqaruvining 2025-yil 12-sentabrdagi 287-V-2-son “Kasaba uyushmalari organlarining xodimlar va ularning oila a‘zolarini sog‘lomlashtirish uchun yo‘naltirilgan mablag‘larni sarflash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1690-2*)
660. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 6-oktabrdagi 295-son “O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining axborot tizimida shaxsiy g‘azna hisobvaraqlarini yuritish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2772-3*)
661. O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta‘limi vazirligining 2025-yil 3-oktabrdagi 10-mh-son hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 22-oktabrdagi 293-son “Kambag‘al oilalar reyestri”ga kiritilgan oilalarning farzandlarini qabul qilgan oilaviy nodavlat maktabgacha ta‘lim tashkilotlariga ushbu bolalar ta‘minoti uchun ota-onalar to‘lovining bir qismini Davlat byudjetidan qoplab berish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3693*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ҚОНУНИ****645 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-  
га низоларни муқобил ҳал этишда медиация институтини  
такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар кири-  
тиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил  
10 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 1 августда  
маъқулланган

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида низоларни судгача ҳал қилишнинг юқори самарали, муқобил замонавий йўналишларини кенг жорий этишга эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодиётга хорижий инвесторларни жалб этишда юзага келадиган низоларни судгача ҳал қилишни ёки суд муҳокамасининг ҳар қандай босқичида низолашаётган тарафлар учун ўзаро келишувга ва мақбул ечимни топишга эришишни таъминловчи механизмларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур Қонунда медиация тартиб-таомилларини қўллаш учун рағбатлантирувчи нормалар, медиаторларга оид талабларни ва медиатив келишувларни бажариш қоидалари низоларни муқобил ҳал этиш механизмларидан бири сифатида белгиланмоқда.

Ушбу Қонун фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги низоларни самарали ва тезкор равишда ҳал этишга, медиация тартиб-таомилларининг ҳамма жойда қўлланилишини рағбатлантириш орқали судлардаги юкломани мақбуллаштиришга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда;

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 20 октябрда эълон қилинган.

2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда; 2024 йил, № 10, 1076-модда, № 12, 1286-модда) **61<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Нотариус «Медиация тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда медиатор вазифасини бажаришга ҳақли».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 8, 469-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 199-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 970-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда, № 5, 316-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда; 2025 йил, № 4, 515-модда) **76-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**учинчи қисм** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ота-она боладан алоҳида яшайдиган отанинг (онанинг) ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишув тузишга ҳақлидир. Бу борадаги низо ота-онанинг (ёки улардан бирининг) талабига биноан судга мурожаат қилингунига қадар медиация тартиб-таомилини амалга ошириш орқали ҳал қилиниши мумкин.

Агар ота-она келиша олмаса, низо ота-онанинг (ёки улардан бирининг) талабига биноан суд томонидан васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида ҳал қилинади. Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаган тақдирда айбдор ота-онага нисбатан қонунчиликда назарда тутилган чоралар қўлланилади. Суднинг ҳал қилув қарори қасддан бажарилмаган тақдирда суд боладан алоҳида яшаётган отанинг (онанинг) талабига биноан боланинг манфаатларини ва фикрини ҳисобга олган ҳолда болани унга бериш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин»;

**тўртинчи қисм бешинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**»ги 258–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекис-

тон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 7, 389-модда, № 8, 469-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар; 2022 йил, № 4, 337-модда, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 8, 827-модда, № 10, 1073-модда; 2025 йил, № 4, 522-модда) қўйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модданинг биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **2<sup>1</sup>-банд** билан тўлдирилсин:

«2<sup>1</sup>) медиатив келишувни мажбурий ижро этиш юзасидан судлар берадиган ижро варақалари»;

2) **27-модда биринчи қисмининг 2-банди** «ҳакамлик судининг қарорларини» деган сўзлардан кейин «ёки медиатив келишувни» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791, 792-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар, № 3, 198, 199-моддалар; 2021 йил, № 1, 8-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда, № 12, 1007-модда; 2024 йил, № 2, 115-модда, № 8, 827-модда, № 9, 964, 969-моддалар, № 11, 1191-модда, № 12, 1280, 1286-моддалар; 2025 йил, № 1, 8-модда, № 3, 373-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **1-модданинг иккинчи қисми** «ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни» деган сўзлардан кейин «медиатив келишувни ижрога қаратиш билан боғлиқ ишларни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **26-модданинг биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **4<sup>1</sup>-банд** билан тўлдирилсин:

«4<sup>1</sup>) медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишлар»;

3) **124-модда** қўйидаги мазмундаги **5<sup>1</sup>-банд** билан тўлдирилсин:

«5<sup>1</sup>) суднинг айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан тузилган медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ажрим мавжуд бўлса»;

4) **194-модданинг биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **5<sup>1</sup>-банд** билан тўлдирилсин:

«5<sup>1</sup>) суднинг айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғриси-

даги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан тузилган медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ажрим мавжуд бўлса»;

5) **II бўлим 4-кичик бўлимининг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«4-кичик бўлим. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ бўлган ишларни, шунингдек медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш»;**

6) **38-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«38-боб. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ бўлган ишларни юритишнинг умумий қоидалари»;**

7) **II бўлимнинг 4-кичик бўлими** қуйидаги мазмундаги **40<sup>1</sup>-боб** билан тўлдирилсин:

**«40<sup>1</sup>-боб. Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш**

**358<sup>1</sup>-модда. Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришнинг умумий қоидалари**

Медиатив келишув тарафлар томонидан ихтиёрий равишда бажарилмаган тақдирда, уни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги иш медиатив келишув тузган тарафнинг аризасига биноан кўриб чиқилади.

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза медиатив келишувни ихтиёрий равишда бажармаган тараф яшайдиган жойдаги ёки турган жойдаги ёхуд, агар медиатив келишувни ихтиёрий равишда бажармаган тараф яшайдиган жой ёки турган жой номаълум бўлса, унинг мол-мулки турган жойдаги судга берилади.

**358<sup>2</sup>-модда. Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни**

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда ёки электрон ҳужжат тарзида берилади ва аризачи ёки унинг вакили томонидан имзоланиши керак.

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) ариза берилаётган суднинг номи;

2) медиатив келишув тузган тарафларнинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), яшаш жойи ёки турган жойи (почта манзили), шунингдек, агар ариза вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;

3) медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги талаб.

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризада телефонлар, факслар рақамлари, электрон почта манзиллари ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

1) медиатив келишувнинг асли ёки тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхаси;

2) белгиланган тартибда ҳамда миқдорда давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза медиатив келишувни ихтиёрий равишда бажармаган тарафларнинг сонига қараб кўчирма нусхалари билан бирга судга берилади, бундан электрон ҳужжат тарзида юбориладиган ариза мустасно.

Агар медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза медиатив келишув тузган тарафнинг вакили томонидан берилган бўлса, унга ишончнома ёки вакилнинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши керак.

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза медиатив келишувни ихтиёрий ижро этиш муддати тугаган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай берилиши мумкин. Мазкур муддат суд томонидан узрли деб топилган сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

Агар медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг 358<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган талаблар, шунингдек ушбу модданинг биринчи, иккинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари қоидалари бузилган ҳолда берилган бўлса, судья бундай аризани ушбу Кодекснинг 195-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича қайтаради.

**358<sup>3</sup>-модда. Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби**

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судья томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Суд медиатив келишув тузган тарафларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Суд ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш учун ушбу Кодекснинг 358<sup>4</sup>-моддасида назарда тутилган асослар мавжудлигини ёки мавжуд

эмаслигини билдирилган талаблар ва медиатив келишувда белгиланган мажбуриятлар тўлиқ бажарилганлигини ёхуд бажарилмаганлигини аниқлайди.

Суд аризани суд мажлисида кўриб чиқаётганда медиатив келишувни тузишга сабаб бўлган низони мазмунан кўриб чиқишга ҳақли эмас.

**358<sup>4</sup>-модда. Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш асослари**

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш қўйидаги ҳолларда рад этилади, агар:

медиатив келишув қонунчиликка зид бўлса;

медиатив келишувнинг ижро этилиши талаб қилинаётган шартлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган бўлса;

медиатив келишувда белгиланган мажбуриятлар тўлиқ бажарилган бўлса;

медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза медиатив келишувни ихтиёрий ижро этиш муддати тузган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилган бўлса, бундан ўтказиб юборилган муддат суд томонидан узрли деб топилган ва тикланган ҳоллар мустасно.

Агар медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш рад этилган бўлса, медиатив келишувни тузган тарафлар бундай низони ҳал қилиш учун ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судга муружаат этиши мумкин.

**358<sup>5</sup>-модда. Суднинг медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза бўйича ажрими**

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича суд ушбу Кодексда ҳал қилув қарорини қабул қилиш учун назарда тутилган қоидаларга кўра ажрим чиқаради.

Суднинг медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ёки медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш тўғрисидаги ажримда қўйидагилар ҳам кўрсатилиши керак:

1) медиатив келишув тузган тарафларнинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи);

2) медиатив келишув тўғрисидаги маълумотлар;

3) медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш ёки ижро варақаси беришни рад этиш учун кўрсатма.

Суднинг медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ажрими дарҳол ижро этилиши лозим.

Суднинг ажрими устидан хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қи-

линган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 10-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 463-модда, № 6, 577-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда, № 12, 1008-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 9, 964, 969-моддалар, № 12, 1280, 1286-моддалар; 2025 йил, № 3, 373-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **25-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **4<sup>2</sup>-банд** билан тўлдирилсин:

«4<sup>2</sup>) медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишлар»;

2) **37-модда:**

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин;

«Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза медиатив келишувни ихтиёрий равишда бажармаган тараф давлат рўйхатидан ўтган жойдаги ёки, агар у давлат рўйхатидан ўтган жой номаълум бўлса, унинг мол-мулки турган жойдаги иқтисодий судга берилади»;

**олтинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмлари** тегишинча **еттинчи, саккизинчи** ва **тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **110-модда** қуйидаги мазмундаги **3<sup>2</sup>-банд** билан тўлдирилсин:

«3<sup>2</sup>) суднинг айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан тузилган медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса»;

4) **154-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **5<sup>2</sup>-банд** билан тўлдирилсин:

«5<sup>2</sup>) суднинг айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан тузилган медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса»;

5) қуйидаги мазмундаги **29<sup>2</sup>-боб** билан тўлдирилсин:

**«29<sup>2</sup>-боб. Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш**

**232<sup>10</sup>-модда. Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришнинг умумий қоидалари**

Ушбу бобда белгиланган қоидалар медиатив келишув тузган тарафларнинг медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалари иқтисодий суд томонидан кўриб чиқиладиганда қўлланилади.

Медиатив келишув тарафлар томонидан ихтиёрий равишда бажарилмаган тақдирда медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги иш медиатив келишув тузган манфаатдор тарафнинг аризасига биноан иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

**232<sup>11</sup>-модда. Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни**

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда ёки электрон ҳужжат тарзида берилди ва аризачи ёки унинг вакили томонидан имзоланиши керак.

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) ариза берилаётган иқтисодий суднинг номи;

2) медиатив келишув тузган тарафларнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;

3) медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги талаб.

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризада телефонлар, факслар рақамлари, электрон почта манзиллари ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

1) медиатив келишувнинг асли ёки тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхаси;

2) белгиланган тартибда ҳамда миқдорда давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

3) медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризанинг кўчирма нусхаси медиатив келишувнинг бошқа тарафига топширилганлиги ҳақидаги хабарнома ёки унинг юборилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат.

Агар медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза медиатив келишув тузган манфаатдор тарафнинг вакили томонидан берилган бўлса, унга ишончнома ёки вакилнинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши керак.

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза медиатив келишувни ихтиёрий ижро этиш муддати тугаган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай берилиши мумкин. Мазкур муддат иқтисодий суд томонидан узрли деб топилган сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

Ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ўтказиб юборилган муддатни тиклаш рад этилган тақдирда, медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ушбу Кодекснинг 154-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича рад этилади.

Ушбу Кодекс 37-моддасининг олтинчи қисмида, ушбу модданинг бирин-

чи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган талабларга риоя этилмаган, шунингдек ариза олти ойлик муддат тугагач берилган ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома мавжуд бўлмаган тақдирда, медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг 155-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича аризачига қайтарилади.

**232<sup>12</sup>-модда. Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби**

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судья томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Иқтисодий суд медиатив келишув тузган тарафларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Иқтисодий суд ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш учун ушбу Кодекснинг 232<sup>13</sup>-моддасида назарда тутилган асослар мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини билдирилган талаблар ва медиатив келишувда белгиланган мажбуриятлар тўлиқ бажарилганлигини ёхуд бажарилмаганлигини аниқлайди.

Иқтисодий суд аризани суд мажлисида кўриб чиқаётганда медиатив келишувни тузишга сабаб бўлган низони мазмунан кўриб чиқишга ҳақли эмас.

**232<sup>13</sup>-модда. Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш асослари**

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш қуйидаги ҳолларда рад этилади, агар:

медиатив келишув қонунчиликка зид бўлса;

медиатив келишувнинг ижроси талаб этилаётган шартлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган бўлса;

медиатив келишувда белгиланган мажбуриятлар тўлиқ бажарилган бўлса;

медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза медиатив келишувни ихтиёрий ижро этиш муддати тугаган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилган бўлса, бундан ўтказиб юборилган муддат суд томонидан узрли деб топилган ва тикланган ҳоллар мустасно.

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш рад этилган бўлса, медиатив келишувни тузган тарафлар бундай низони ҳал қилиш учун ушбу Кодексда назарда тутилган қоидалар бўйича иқтисодий судга мурожаат этиши мумкин.

**232<sup>14</sup>-модда. Суднинг медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги иш бўйича ажрими**

Иқтисодий суд медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ушбу Кодексда ҳал қилув қарори қабул қилиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан ажрим чиқаради.

Иқтисодий суднинг медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ёки медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш тўғрисидаги ажримда қуйидагилар ҳам кўрсатилиши керак:

1) медиатив келишувни тузган тарафларнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

2) медиатив келишув тўғрисидаги маълумотлар;

3) медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш ёки ижро варақаси беришни рад этиш учун кўрсатма.

Иқтисодий суднинг медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ажрими дарҳол ижро этилиши лозим.

Иқтисодий суднинг ажрими устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин»;

6) **334-модданинг иккинчи қисми** «ижро варақасини бериш» деган сўзлардан кейин «медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлда қабул қилинган «**Медиация тўғрисида**»ги ЎРҚ–482-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 427-модда; 2019 йил № 7, 389-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонуннинг амал қилиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан, мижоз ва банк (кредит ташкилотлари) ўртасидаги муносабатлардан, суғурта шартномасидан юзага келадиган муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга, меҳнат ва оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилади»;

2) қуйидаги мазмундаги **1<sup>1</sup>-боб** билан тўлдирилсин:

**«1<sup>1</sup>-боб. Медиация соҳасини тартибга солиш**

**9<sup>1</sup>-модда. Медиация соҳасидаги ваколатли давлат органи**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги медиация соҳасидаги ваколатли давлат органидир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

ўз ваколатлари доирасида медиацияга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади;

Медиаторларнинг касб этикаси қоидаларини тасдиқлайди;

Медиаторнинг касбий малакасини ошириш тартибини ҳамда медиаторларни тайёрлаш дастурларини тасдиқлайди;

медиаторлар томонидан статистика маълумотларини тақдим этиш тартибини белгилайди ва статистика маълумотларини таҳлил қилади;

Медиаторлар реестрига киритиш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартибини тасдиқлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги медиаторлар малака комиссиялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Медиаторлар олий малака комиссияси тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди.

Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **9<sup>2</sup>-модда. Медиаторлар малака комиссиялари**

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги медиаторлар малака комиссиялари (бундан буён матнда малака комиссиялари деб юритилади) Медиаторлар реестрига киритиш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш ва медиаторларнинг интизомий жавобгарлиги билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш мақсадида тузилади.

Малака комиссиялари Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқларининг буйруқлари билан етти нафар аъзодан иборат бўлган таркибда тузилади.

Малака комиссияларининг қарорлари устидан берилган апелляция шикоятларини кўриб чиқиш, шунингдек малака комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Медиаторлар олий малака комиссияси (бундан буён матнда Олий малака комиссияси деб юритилади) тузилади.

Олий малака комиссияси адлия вазирининг буйруғи билан тўққиз нафар аъзодан иборат бўлган таркибда тузилади.

Малака комиссиялари ва Олий малака комиссияси таркибига келишувга кўра медиаторлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, адлия органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг ҳуқуқ соҳасида тажрибага эга бўлган ходимлари жалб этилади.

### **9<sup>3</sup>-модда. Медиаторлар реестрини юритиш**

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Медиаторлар реестри юритилади, мазкур реестр уларнинг расмий веб-сайтларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Шахснинг малака имтиҳонидан муваффақиятли ўтиши (бундан нотари-

услар ва адвокатлар мустасно) уни Медиаторлар реестрига киритиш учун асос бўлади.

Медиаторлар реестрида қуйидагилар бўлиши керак:

медиаторнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

медиатор билан алоқа боғлаш учун унинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа маълумотлар;

медиаторнинг маълумоти (мутахассислиги);

медиатор ихтисослашган медиация соҳаси;

медиатор медиация тартиб-таомилини амалга оширишга қодир бўлган тил;

медиаторнинг фаолияти тўхтатиб турилганлиги, тикланганлиги ёки медиатор реестрдан чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар»;

3) **12-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олий маълумотга эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтган, малака имтиҳонини топширган ва Медиаторлар реестрига киритилган жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасида медиаторлик фаолиятини амалга ошириши мумкин. Ўзбекистон Республикасида адвокат ёки нотариус мақомига эга бўлган шахсларнинг малака имтиҳонини топшириши талаб этилмайди.

Қуйидагилар медиатор бўлиши мумкин эмас:

давлат хизматида турган шахс, бундан педагогик, илмий, ижодий, нотариал фаолият билан шуғулланувчи шахс мустасно;

муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган хал қилув қарори мавжуд бўлган шахс;

судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс.

Медиаторнинг фаолияти тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди»;

4) қуйидаги мазмундаги **12<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«12<sup>1</sup>-модда. Медиаторлар реестрига киритиш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш**

Олий маълумотга эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтган, Медиаторлар реестрига кириш истагини билдирган шахс малака комиссияларида малака имтиҳонини топшириши шарт. Малака имтиҳони саволлари медиаторларни тайёрлаш дастури асосида ўқитилган мавзулар доирасида бўлади.

Малака имтиҳонини топшира олмаган талабгор уни такроран топширишга камида уч ой ўтгач қўйилади»;

5) **13-модданинг:**

**номидаги «ва жавобгарлиги»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«қонунчилик ҳужжатлари талабларига ва Медиаторнинг касб этикаси қоидаларига риоя этиши;

ўз билимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда уч йилда камида бир марта касбий малакасини ошириши, бундан нотариус ва адвокат мақомига эга бўлган медиаторлар мустасно»;

**иккинчи — бешинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи — еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда ва намунада статистик маълумотларни тақдим этиб бориши»;

**еттинчи хатбошиси саккизинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

б) қуйидаги мазмундаги **13<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

#### **«13<sup>1</sup>-модда. Медиаторнинг жавобгарлиги**

Медиатор томонидан медиация тўғрисидаги қонунчилик талаблари, Медиаторнинг касб этикаси қоидалари бузилганлиги унга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилишига сабаб бўлади.

Интизомий иш юритиш малака комиссияларининг қарори билан қўзғатилади.

Интизомий иш юритишни қўзғатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

медиатор томонидан медиация тўғрисидаги қонунчилик талабларининг, Медиаторнинг касб этикаси қоидаларининг бузилиши ҳоллари;

суднинг медиаторга нисбатан чиқарган хусусий ажрими.

Интизомий иш юритишни кўриб чиқиш натижаларига кўра медиаторга нисбатан малака комиссиялари томонидан қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

огоҳлантириш;

медиатор фаолиятини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш;

медиаторни Медиаторлар реестридан чиқариш.

Медиаторга нисбатан интизомий жазо чораси ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан эътиборан, давом этаётган хатти-ҳаракатларда эса улар аниқланган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Агар нотариус ёки адвокат мақомига эга бўлган медиатор айти бир ножўя хатти-ҳаракат учун нотариат ёки адвокатура тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилган бўлса, медиаторга нисбатан интизомий жавобгарлик масаласи кўриб чиқилмайди.

Медиатор медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижасида етказилган зарар учун қонунчиликда белгиланган тартибда тарафлар олдида жавобгар бўлади»;

7) **14-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«14-модда. Медиаторнинг фаолиятини тўхтатиб туриш ёки тиклаш**

Медиаторнинг фаолиятини тўхтатиб туриш медиатор жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда у айбланувчи тариқасида жалб этилган пайтдан эътиборан ва суд ҳукми қонуний кучга киргунига қадар ёхуд уни реабилитация қилувчи асосларга биноан жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар, медиаторни реестрга киритган адлия органининг қарори билан амалга оширилади.

Медиаторнинг фаолияти медиаторни реестрга киритган адлия органи томонидан медиаторнинг ўз аризасига кўра олти ойгача муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Медиация тўғрисидаги қонунчилик талаблари ёки Медиаторнинг касб этикаси қоидалари бузилганлиги аниқланганда медиаторнинг фаолияти малака комиссияларининг ёки Олий малака комиссиясининг қарори билан олти ойгача муддатга тўхтатиб турилади.

Медиаторнинг фаолиятини тўхтатиб туриш муддати тугагач ёки ушбу модданинг биринчи қисмига асосан медиаторнинг фаолиятини тўхтатиб туриш асослари бартараф этилганидан кейин медиаторнинг фаолияти медиаторни реестрга киритган адлия органининг қарори билан тикланади»;

8) **2-боб** қуйидаги мазмундаги **14<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«14<sup>1</sup>-модда. Медиаторлар реестридан чиқариш**

Медиатор Медиаторлар реестридан уни реестрга киритган адлия органи томонидан қуйидаги ҳолларда чиқарилади:

ўз аризасига кўра;

вафот этганда ёки суднинг уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирганда;

муомала лаёқати чекланганда ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

суднинг шахсни бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирганда;

суднинг медиаторни жиноят содир этишда айбдор деб топиш ҳақидаги айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

давлат хизматига кирганда, бундан педагогик, илмий, ижодий ва нотариал фаолият мустасно;

медиатор томонидан медиация тўғрисидаги қонунчилик талаблари, Медиаторнинг касб этикаси қоидалари бузилганлиги туфайли малака комиссияларининг ёки Олий малака комиссиясининг қарорига асосан»;

9) **15-модданинг:**

**учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Медиация низони кўриб чиқишга ваколатли органда, ҳакамлик судида ва арбитражда низони кўриш жараёнида ҳам уларнинг қарорлари қабул қилингунига қадар қўлланилиши мумкин»;

**бешинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

10) **17-модда:**

**биринчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунда назарда тутилган ҳолларда, тарафлар томонидан медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув низони кўриб чиқишга ваколатли органга тақдим этилганда мазкур орган ишнинг муҳокамасини қолдириб, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш учун муддат тайинлайди»;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд муҳокамаси жараёнида, низони ваколатли органда кўриш жараёнида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида тарафлар томонидан эришилган медиатив келишув тегишли иш қайси суд ёки ваколатли органнинг иш юритиш турида турган бўлса, дарҳол ўша судга ёки ваколатли органга юборилади»;

11) **28-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «Профессионал асосдаги медиаторнинг» деган сўзлар «Медиаторнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи** ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

12) **29-модда:**

**учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **учинчи, тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Медиатив келишувда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

медиатив келишув тарафларининг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), яшаш жойи ёки турган жойи (почта манзили), шунингдек, агар медиатив келишув вакил томонидан тузилаётган бўлса, вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;

медиатив келишув тарафларининг келишувни бажариш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

медиатив келишув тарафлари томонидан келишилган мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари.

Медиатив келишув келишувнинг тарафлари томонидан имзоланган ва медиатор томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

Қуйидагиларни назарда тутувчи медиатив келишувни тузишга йўл қўйилмайди:

1) агар унинг шартлари қонунчиликка зид бўлса;

2) агар унинг шартлари медиацияда иштирок этмаётган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат манфаатларига дахл қилса ёки дахл қилиши мумкин бўлса»;

**бешинчи қисми олтинчи қисм** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида ижро этиладиган медиатив келишувлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлиши керак»;

13) **3-боб** қуйидаги мазмундаги **29<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«29<sup>1</sup>-модда. Медиатив келишувни ижро этиш**

Медиатив келишув уни тузган тарафлар учун мажбурий кучга эга бўлиб, ушбу келишув унда назарда тутилган тартибда ва муддатларда тарафлар томонидан ихтиёрий равишда ижро этилади.

Медиатив келишув ихтиёрий равишда бажарилмаган тақдирда, тарафлар медиатив келишувни мажбурий ижрога қаратишни сўраб судга мурожаат этишга ҳақли».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги тахрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар, № 4, 346-модда, № 5, 458, 459-моддалар, № 8, 822, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076-модда, № 11, 1190-модда, № 12, 1283, 1284, 1296, 1297-моддалар; 2025 йил, № 2, 188, 194-моддалар, № 4, 519, 520, 521, 522-моддалар, № 5, 644, 645-моддалар) **149-моддаси учинчи қисмининг учинчи хатбошиси** «солиқ маслаҳатчиси» деган сўзлардан кейин «ва медиатор» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда, № 9, 710-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819, 823, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076, 1079-моддалар, № 11, 1191-модда, № 12, 1279, 1280, 1285-моддалар; 2025 йил, № 1, 4, 6-моддалар, № 2, 188, 189, 195, 197-моддалар, № 4, 519-модда, № 5, 648-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

**1) 5-модданинг:**

**1-банди** «ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишлар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация ва

тафтиш шикоятларидан» деган сўзлардан кейин «медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан, медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишлар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация ва тафтиш шикоятларидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**2-банди** «ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги ишлар бўйича иқтисодий суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация ва тафтиш шикоятларидан» деган сўзлардан кейин «медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан, медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги ишлар бўйича иқтисодий суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация ва тафтиш шикоятларидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**2) илованинг:**

**1-банди** қуйидаги мазмундаги «к<sup>1</sup>» **кичик банд** билан тўлдирилсин:

«

|   |                      |
|---|----------------------|
| к <sup>1</sup> ) медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан | — БХМнинг 2 баравари |
|---|----------------------|

»;

**2-банди** қуйидаги мазмундаги «ж<sup>1</sup>» **кичик банд** билан тўлдирилсин:

«

|   |                      |
|---|----------------------|
| ж <sup>1</sup> ) медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан | — БХМнинг 2 баравари |
|---|----------------------|

».

**9-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Олий суди ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**11-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 20 октябрь,  
ЎРҚ–1089-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ҚОНУНИ**646** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил  
6 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 1 августда  
маъқулланган

Кейинги йилларда давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлашга, сифати ва самарадорлигини оширишга, шунингдек республикада аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга мамлакатимизда махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити билан боғлиқ рухсатномаларни бериш тартибини соддалаштириш, шунингдек иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий офатлар хавфини камайтириш ҳамда фавқулодда вазиятлар натижасида етказилган зарарни баҳолаш механизмларини аниқ белгилаш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан «Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзит рухсатномасига тааллуқли қарорни қабул қилиш муддати ариза олинган кундан эътиборан ўттиз кундан йигирма кунгача қисқартирилишини, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда мазкур муддатни ўн кунгача узайтириш мумкинлигини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда. Транзит рухсатномасининг амал қилиш муддати эса ўттиз кун ўрнига тўқсон кунгача узайтирилмоқда.

Шунингдек ушбу Қонун билан «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга ва уларни бартараф этишга ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий офатлардан муҳофаза қилиш бўйича вазифаларини, шунингдек фавқулодда вазиятлар натижасида етказилган зарарнинг баҳоланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур Қонун махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити ҳажмини оширишга, аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 23 октябрда эълон қилинган.

қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майда қабул қилинган «**Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида**»ги 213–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 82-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 1, 2-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **8-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Транзит рухсатномасини бериш тўғрисидаги ёки уни беришни рад этиш ҳақидаги қарор ариза олинган кундан эътиборан йигирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади. Қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда мазкур муддат ўн кунгача узайтирилиши мумкин»;

2) **11-модданинг биринчи қисмидаги** «ўттиз» деган сўз «тўқсон» деган сўз билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 августда қабул қилинган «**Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–790-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 8, 791-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 1, 7-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **3-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**табиий офатлар** — иқлим ўзгариши билан боғлиқ, шунингдек геологик (зилзила, ер ва тош кўчкилари, ўпирилишлар), метеорологик (кучли шамол, кучли жала, дўл, қор кўчкиси, қурғоқчилик) ва гидрологик (сел, сув тошқинлари) офатлар, табиий ёнғинлар (дашт ва ўрмон ёнғинлари)»;

**иккинчи — олтинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи — еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **5-модданинг иккинчи қисмидаги** «(зилзилалар, сел, кўчкилар, сув тошиши ва бошқа хавfli табиий ҳодисалар), табиий ёнғинлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **8-модда биринчи қисмининг:**

**учинчи хатбошисидаги** «давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ва ташкилотларнинг» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ва бошқа ташкилотларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи хатбошисидаги** «давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ва ташкилотларнинг» деган сўзлар

«республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ва бошқа ташкилотларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4) 9-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «давлат бошқаруви» деган сўзлар «давлат» деган сўз билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми:**

**олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги мақсадли дастурларнинг ишлаб чиқирилишини ва илмий тадқиқотларнинг амалга оширилишини ташкил этади, шунингдек ушбу соҳага оид илм-фаннинг ривожланишини, замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион технологиялар жорий этилишини таъминлайди»;

**тўққизинчи хатбошисидаги** «давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ва ташкилотларнинг» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ва бошқа ташкилотларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи** ва **ўн учинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«ёниш ва портлаш хавфи юқори бўлган кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни йўқ қилиш чоғида рўй берадиган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, шунингдек уларнинг оқибатларини бартараф этиш тадбирларини қонунчиликка мувофиқ амалга оширади;

табiiй офатлар хавфини камайтириш бўйича республика даражасида, ҳудудий ва маҳаллий даражада тадбирларни белгилайди ҳамда амалга оширади»;

**ўн иккинчи** ва **ўн учинчи хатбошилари** тегишинча **ўн тўртинчи** ва **ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**5) 10-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **еттинчи, саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишга кўмаклашади;

табiiй офатлар рўй берганда кечиктириб бўлмайдиган ҳимоя тадбирлари ва авария-тиклаш ишлари олиб борилишини таъминлайди;

фавқулодда вазиятлар хавфи мавжуд ҳудудларда жойлашган, эвакуация қилиниши лозим бўлган аҳолини хавфсиз жойларга вақтинча эвакуация қилиш ҳамда, заруратга кўра, босқичма-босқич доимий эвакуация қилиш бўйича комплекс чораларни ишлаб чиқади ва амалга оширади, шунингдек хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинган аҳоли учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди»;

**еттинчи** — **ўн иккинчи хатбошилари** тегишинча **ўнинчи** — **ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**6) 11-модда:**

**номидаги «Давлат бошқаруви органларининг»** деган сўзлар «**Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмининг:**

**биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Республика ижро этувчи ҳокимият органлари»;

**ўн еттинчи хатбошисидаги** «давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «Давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**7) 12-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «давлат бошқаруви органларига» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**8) 14-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, шунингдек ташкилотлардан» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан, шунингдек бошқа ташкилотлардан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**9) 16-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларнинг» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ва бошқа ташкилотларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**10) 23-модданинг:**

**иккинчи хатбошисидаги** «давлат бошқаруви органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ва ташкилотларга» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ва бошқа ташкилотларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи хатбошисидаги** «давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**саккизинчи хатбошисидаги** «давлат бошқаруви органларининг» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**11) 24-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «давлат бошқаруви органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ва ташкилотларга» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ва бошқа ташкилотларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **27-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **29-модданинг биринчи қисмидаги** «Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ташкилотлар» деган сўзлар «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **31-модданинг иккинчи қисмидаги** «давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ташкилотлар» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **34-модданинг еттинчи қисмидаги** «давлат бошқаруви органларини, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ва ташкилотларни» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларини, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ва бошқа ташкилотларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **36-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун кучлар махсус ваколатли давлат органининг ҳарбий, ихтисослаштирилган ёнгин-қутқарув бўлинмаларидан, Фавқулодда вазиятлар давлат тизими таркибига кирувчи республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ва бошқа ташкилотларнинг тегишли тузилмалари ҳамда бўлинмаларидан иборатдир»;

17) **38-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«махсус ваколатли давлат органи учун зарур бўлган ҳолларда фавқулодда вазиятларни ҳамкорликда бартараф этиш учун юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини ҳамда бошқа воситаларни ушбу шахсларнинг розилиги билан жалб этишга кўмаклашиш;

ёниш ва портлаш хавфи юқори бўлган кимёвий моддалар (махсулотлар) тегишли манзилга хавфсиз етказилиши (ташилиши) учун кузатиб боришни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш»;

18) **40-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«трансчегаравий фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи бўлганда ёки фавқулодда вазиятлар рўй берганда тегишинча уларнинг олдини олиш ёки уларни бартараф этиш масалаларини ҳал этиш бўйича сиёсий-дипломатик чоралар кўриш»;

19) **43-модда:**

**номидаги «Қурилиш вазирлигининг»** деган сўзлар **«Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи хатбошидаги** «Қурилиш вазирлигининг» деган сўзлар «Қу-

рилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«фавқулодда вазиятлар оқибатида шикастланган уй-жой коммунал хўжалиги объектларини, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларини тиклаш ҳамда уларнинг барқарор фаолият олиб боришини таъминлаш»;

20) **44-модда** чиқариб ташлансин;

21) **45-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«45-модда. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишда иштирок этиши**

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси:

аҳолини фавқулодда вазият зонасидан хавфсиз жойларга эвакуация қилишни ташкил этишда иштирок этади;

эвакуация қилинган аҳолини ҳисобга олишда ва вақтинчалик жойлаштиришда иштирок этади;

фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган аҳолининг моддий, уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади»;

22) **46-модданинг:**

**номидаги «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг»** деган сўзлар **«Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи хатбошисидаги** «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар **«Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) **49-модданинг:**

**номидаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг»** деган сўзлар **«Рақамли технологиялар вазирлигининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи хатбошисидаги** «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» деган сўзлар **«Рақамли технологиялар вазирлигининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) **50-модданинг:**

**номидаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг»** деган сўзлар **«Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**матнидаги** «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) қуйидаги мазмундаги **50<sup>1</sup>** ва **50<sup>2</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«50<sup>1</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари**

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

хавфли геологик жараёнлар прогнозини тайёрлаш;

фавқулодда вазиятни бартараф этишга раҳбарлик қилувчи шахсни фавқулодда вазият рўй берган жойдаги хавфли геологик жараёнлар тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш.

**50<sup>2</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир асосий вазифалари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

фавқулодда вазият зонасида ва яқин ҳудуддаги хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат, радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш бўйича назорат ўрнатиш;

хавфли ишлаб чиқариш объектларида ёниш ва портлаш хавфи юқори бўлган кимёвий моддалар (маҳсулотлар) билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни бартараф этишда саноат хавфсизлигига риоя қилинишини таъминлаш»;

**26) 52-модданинг:**

**номидаги «Давлат солиқ қўмитаси»** деган сўзлар **«Иқтисодиёт ва молия вазирлиги»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи хатбошисидаги «Давлат солиқ қўмитаси»** деган сўзлар **«Иқтисодиёт ва молия вазирлиги»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**27) 53-модданинг:**

**номидаги «Гидрометеорология хизмати марказининг»** деган сўзлар **«Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи хатбошисидаги «Гидрометеорология хизмати марказининг»** деган сўзлар **«Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**28) 54-модданинг матнидаги «зарар миқдорини аниқлаш ҳамда баҳолаш ишларини ташкил этади»** деган сўзлар **«зарар миқдорини баҳолашга кўмаклашади»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**29) куйидаги мазмундаги 56<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«56<sup>1</sup>-модда. Фавқулодда вазият натижасида етказилган зарарни баҳолаш**

Фавқулодда вазият натижасида етказилган зарарни баҳолаш Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссияси ва худудий комиссиялар томонидан ташкил этилади.

Фавқулодда вазият натижасида етказилган зарарни баҳолашга доир ишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади»;

30) **57-модданинг иккинчи қисмидаги** «давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ташкилотлар» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

31) **61-модданинг учинчи хатбошисидаги** «давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонун 2-моддаси 29-бандининг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган фавқулодда вазият натижасида етказилган зарарни баҳолаш тартибини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 23 октябрь,  
ЎРҚ–1090-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ҚОНУНИ**647** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига таълим хизматларини кўрсатиш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил  
29 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 4 сентябрда  
маъқулланган

Мамлакатимизда мактабдан ташқари таълим тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш, ёшларнинг таълим-тарбияси учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга болалар билан тенг равишда катта ёшдагиларнинг ҳам билим олишга бўлган қизиқиши ортиб бораётганлигини инобатга олиб, уларга ҳам ўқув марказлари, ахборот-кутубхона ва соғломлаштириш таълим ташкилотлари томонидан таълим хизматлари кўрсатилмоқда. Бу эса катта ёшдагиларнинг қўшимча таълим олиши учун аниқ ҳуқуқий асослар яратилишини ҳамда қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилишини талаб этмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига мактабдан ташқари таълим тури қўшимча таълим турига алмаштирилишини ҳамда ушбу соҳадаги хабардор қилиш тартибини, ваколатли органларнинг аниқлаштирилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Мазкур Қонун нафақат болаларнинг, балки барча ёшдаги фуқароларнинг қўшимча таълим олишга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш, уларнинг қўшимча касбий билим ва кўникмаларни эгаллаши учун асос бўлиб хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида»ги **226–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари тўғрисидаги Низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 64-модда; 1997 йил, № 2, 64-модда; 1998 йил, № 5-6, 114-модда, № 9, 164-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 12, 688-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда; 2024 йил, № 8, 832-модда; 2025 йил, № 3, 374-модда) **ўттиз учинчи хатбошисидаги** «мактабдан ташқари муассасаларнинг» деган сўзлар «қўшимча таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 24 октябрда эълон қилинган.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 803, 804-моддалар, № 10, 973-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 6, 577-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 9, 958-модда, № 10, 1080-модда, № 12, 1285, 1297-моддалар; 2025 йил, № 2, 201-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **63-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «мактабдан ташқари давлат таълим» деган сўзлар «давлат қўшимча таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **70-модда биринчи қисми 1-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «мактабдан ташқари» деган сўзлар «қўшимча» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **71-модда биринчи қисми 1-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «мактабдан ташқари» деган сўзлар «қўшимча» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **72-модда 1-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «мактабдан ташқари» деган сўзлар «қўшимча» деган сўз билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Таълим тўғрисида»**ги ЎРҚ–637-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 9, 538-модда; 2021 йил, 4 сонга илова, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 101-модда, № 9, 958, 964-моддалар, № 11, 1188-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда) қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **7-модданинг саккизинчи хатбошисидаги** «мактабдан ташқари» деган сўзлар «қўшимча» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **14-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«14-модда. Қўшимча таълим**

Қўшимча таълим болалар ва катта ёшдагиларнинг ижодий қобилиятини шакллантиришга ҳамда касбий кўникмаларини ривожлантиришга, интеллектуал ва жисмоний такомиллашувга бўлган индивидуал эҳтиёжларини қаноатлантиришга, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, соғлигини мустаҳкамлашга ва бўш вақтларини самарали ташкил этишга қаратилган бўлиб, у қуйидаги турларни ўз ичига олади:

болалар учун қўшимча таълимни;

катта ёшдагилар учун қўшимча таълимни.

Болалар учун қўшимча таълим узлуксиз таълим беришнинг таркибий қисми сифатида уларнинг истеъдоди ва қобилиятини ривожлантириш, маънавий эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида амалга оширилади.

Бунда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек тижорат ташкилотлари маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда болалар учун қўшимча таълим ташкилотларини ташкил этиши мумкин.

Болалар учун қўшимча таълим ташкилотлари жумласига болалар ва ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, «Баркамол авлод» болалар мактаблари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, студиялар, ахборот-кутубхона ҳамда соғломлаштириш муассасалари киради.

Катта ёшдагилар учун қўшимча таълим уларнинг таълимга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш, қўшимча билим ва кўникмаларни эгаллашига кўмаклашиш учун ташкил этилади.

Қўшимча таълим бериш тартиби таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан белгиланади»;

**3) 26-модда иккинчи қисмининг:**

**ўн иккинчи хатбошисидаги** «мактабдан ташқари» деган сўзлар «қўшимча» деган сўз билан алмаштирилсин;

**ўн тўртинчи хатбошисидаги** «мактабдан ташқари» деган сўзлар «қўшимча» деган сўз билан алмаштирилсин;

**4) 30-модда олтинчи қисмининг:**

**биринчи хатбошисидаги** «мактабдан ташқари» деган сўзлар «қўшимча» деган сўз билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар «таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар «таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**5) 31-модданинг биринчи қисмидаги** «мактабдан ташқари» деган сўзлар «қўшимча» деган сўз билан алмаштирилсин;

**6) 32-модда учинчи қисмининг:**

**иккинчи хатбошисидаги** «мактабдан ташқари» деган сўзлар «болалар учун қўшимча» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошиси** «ва олий таълим ташкилотлари» деган сўзлардан кейин «шунингдек катта ёшдагилар учун қўшимча таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**7) 34-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «мактабдан ташқари» деган сўзлар «қўшимча» деган сўз билан алмаштирилсин;

8) **38-модданинг иккинчи қисмидаги** «мактабдан ташқари» деган сўзлар «қўшимча» деган сўз билан алмаштирилсин;

9) **49-модданинг иккинчи қисмидаги** «Мактабдан ташқари» деган сўзлар «Қўшимча» деган сўз билан алмаштирилсин;

10) **55-модданинг биринчи қисмидаги** «мактабдан ташқари» деган сўзлар «қўшимча» деган сўз билан алмаштирилсин;

11) **57<sup>1</sup>-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Болалар учун қўшимча таълим, оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти шаклида таълим хизматларини кўрсатишга доир фаолият Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигини, катта ёшдагилар учун қўшимча таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш шаклидаги фаолият эса Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигини белгиланган тартибда хабардор қилиш орқали амалга оширилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрда қабул қилинган **«Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–641-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 594-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда; 2024 йил, № 9, 956, 958-моддалар, № 10, 1079-модда; 2025 йил, № 1, 7-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **11-модданинг тўққизинчи хатбошисидagi** «мактабдан ташқари» деган сўзлар «қўшимча» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **38-модданинг:**

**учинчи қисмидаги** «мактабдан ташқари» деган сўзлар «қўшимча» деган сўз билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисмидаги** «мактабдан ташқари» деган сўзлар «қўшимча» деган сўз билан алмаштирилсин;

**ўнинчи қисмидаги** «мактабдан ташқари» деган сўзлар «қўшимча» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **40-модданинг:**

**номидаги «мактабдан ташқари»** деган сўзлар **«қўшимча»** деган сўз билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «мактабдан ташқари» деган сўзлар «қўшимча» деган сўз билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган **«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»**ги ЎРҚ–701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 185-модда, № 7, 533-модда, № 9, 710-модда, № 11, 921, 923-моддалар; 2024 йил, № 1, 5, 7-моддалар, № 2, 105, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819-модда, № 9, 957, 958-моддалар; 2025 йил, № 1, 3, 6-мод-

далар, № 2, 189, 197-моддалар, № 3, 376-модда, № 4, 519, 520, 521-моддалар, № 5, 644, 645-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **3-илованинг 11-позицияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«

|     |   |   |  |
|-----|---|---|--|
| 11. | Қўшимча таълим фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома | Нодавлат қўшимча таълим (болалар учун), шу жумладан чет тилларини ўргатиш фаолияти.         | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги     |
|     |   | Нодавлат қўшимча таълим (катта ёшдагилар учун), шу жумладан чет тилларини ўргатиш фаолияти. | Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |

»;

2) **4-илова III бўлими 5-позициясининг** «Хабарноманинг номи» деган устунидаги «Мактабдан ташқари» деган сўзлар «Қўшимча» деган сўз билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 1 февралда қабул қилинган «**Педагогнинг мақоми тўғрисида**»ги ЎРҚ–901-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2024 йил, № 2, 101-модда) **11-моддасининг биринчи қисмидаги** «мактабдан ташқари» деган сўзлар «қўшимча» деган сўз билан алмаштирилсин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**9-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 23 октябрь,  
ЎРҚ–1091-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ҚОНУНИ**648** Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик янада либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг **Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
4 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 1 августда  
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини давлат томонидан кафолатлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарликни янада либераллаштириш, ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар содир этган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахсни судланмаган деб ҳисоблашнинг алоҳида тартибини белгилаш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар содир этган ўта оғир бўлмаган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахс судланмаган деб ҳисобланишини, вояга етмаганларга нисбатан озодликни чеклашнинг ҳамда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кам муддати олти ойдан бир ойгача қисқартирилишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлигини янада либераллаштиришга хизмат қилади ва ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар содир этган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахсга ҳаётини судланганлик тамғасидан ҳоли тарзда давом эттириши учун шароит яратади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4,

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 24 октябрда эълон қилинган.

158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **77-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар содир этган жинояти учун тайинланган жазони ўтаб бўлган шахс судланмаган ҳисобланади, бундан ўта оғир жиноятлар ёки содир этган жинояти учун тайинланган жазони ўтаб бўлганидан кейин ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар қасддан янги жиноят содир этиш ҳоллари мустасно»;

2) **84<sup>1</sup>-модданинг матнидаги** «олти ойдан» деган сўзлар «бир ойдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **85-модданинг биринчи қисмидаги** «олти ойдан» деган сўзлар «бир ойдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 23 октябрь,  
ЎРҚ–1092-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **649** Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ишончли муҳофаза қилиш соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш тўғрисида\*

Республикамиз аҳолиси ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан ишончли муҳофаза қилишда илғор хорижий тажрибаларни инobatга олган ҳолда илмий-техник ёндашувлар асосида самарали профилактика ва давлат назоратининг янги механизмларини йўлга қўйиш ҳамда соҳага замонавий рақамли ечимларни жорий этиш бўйича миллий тажрибани яратиш мақсадида **қарор қиламан:**

#### **I. Устувор йўналишлар**

1. Қуйидагилар аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ишончли муҳофаза қилиш соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш борасидаги ислохотларнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

(а) ҳудудларда фавқулодда вазиятларнинг барвақт олдини олиш ва оқибатларини камайтириш фаолиятини устувор вазифа сифатида қабул қилиш орқали маҳаллалар даражасида кенг қамровли профилактика механизмларини яратиш ва самарали татбиқ қилиш;

(б) энергетика, йирик ишлаб чиқариш, қурилиш ва хизмат кўрсатиш объектларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, хавфни бошқариш, техноген аварияларни ўз вақтида бартараф этишнинг янги стандарт ҳамда методикаларини ишлаб чиқиш ва фавқулодда вазиятлар шароитларида ҳаракатланиш амалиётида йўлга қўйиш;

(в) фавқулодда вазиятлар йўналишида давлат назорати шакллариининг талаблари ҳамда меъёрларини замон талабларига мос равишда қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини трансформация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини белгилаш;

(г) фавқулодда вазиятлар хавфини бартараф этиш соҳасига сунъий интеллект, робототехника ва замонавий рақамли технологияларни кенг жорий этиш, мазкур ҳолатларнинг олдини олишга масъул идора ва ташкилотларнинг ахборот тизимларини ягона технологик платформага бирлаштириш;

(д) барча бўғиндаги фавқулодда вазиятлар органлари учун кадрлар ва раҳбарларни мақсадли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича дуал таълимга асосланган яхлит, узлуксиз ўқув тизимини

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 октябрда эълон қилинган.

йўлга қўйиш, мазкур жараёнга ўқитишнинг илғор педагогик усулларини татибиқ этиш;

(ж) фавқулодда вазиятларнинг мониторинги ва уларни прогнозлаш, шунингдек, аҳоли ва ҳудудларни табиий офатлар, техноген авариялар ва ёнғинлар хавфидан муҳофаза қилиш соҳасида манзилли илмий-инновацион ва синов-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш.

## II. Соҳани ислоҳ қилишнинг ташкилий асослари

2. Қўйидагилар:

(а) Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

(б) 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Комплекс дастур) 2-иловага\* мувофиқ;

(в) 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича ишчи комиссия таркиби (кейинги ўринларда — Ишчи комиссия) 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ишчи комиссиянинг фаолиятини ташкил этиш ва қарорлари ижросини назорат қилиш бўйича ишчи органи этиб белгилансин.

Ишчи комиссия (А.Ж. Раматов):

(а) Комплекс дастурда назарда тутилган чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилишини доимий назорат қилсин ҳамда натижаларни ҳар чоракда танқидий муҳокама қилиб борсин;

(б) аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш жараёнида ташкилий чораларни кўришда малакали хорижий экспертлар белгиланган тартибда жалб этилишини таъминласин.

4. 2026 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳри ва вилоятлар кенгашлари томонидан йилига икки мартаба тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўз ҳудудларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш ҳолати ҳақидаги ҳисоботлари эшитилади;

(б) халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари томонидан ҳар чоракда туман (шаҳар) ҳокимларининг ўз ҳудудларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш борасида амалга оширган ишлар ҳақидаги ҳисоботлари эшитилади;

\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(в) ҳисоботлар жараёнида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳудудий комиссиялар юкланган вазифалар ижросини танқидий муҳокама қилади ҳамда масъулиятсизлик билан ёндашаётган раҳбарларга нисбатан тегишли чораларни кўриш ҳақида таклифлар киритади.

### **III. Соҳа бошқарувида такрорланувчи функцияларни мақбуллаштириш**

5. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимидаги Гидрометеорологик жараёнларга таъсир кўрсатишни бошқариш хизмати Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигига барча штат бирликлари, молиявий ва моддий-техник базаси, ҳудудлардаги бино ва иншоотлари билан бирга амалдаги молиялаштириш манбалари ва тартиблари сақланган ҳолда ўтказилсин.

6. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг кичик ҳажмли кемаларни рўйхатга олиш (рўйхатдан чиқариш), қайта рўйхатдан ўтказиш, кема билети, борт рақами, кема ҳайдовчиси гувоҳномасини (дубликатини) бериш, дастлабки ва йиллик (қайта) техник кўрикдан ўтказиш ваколатлари (6 та хизматчи штат бирликлари билан) Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекциясига ўтказилсин.

### **IV. Кадрларни ижтимоий ҳимоя қилиш**

7. 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида меҳнат шартномаси асосида хизмат қилаётган шахсий таркибга имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлашда:

(а) 2014 — 2024 йиллар давомида Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қутқарув бўлинмаларида, шунингдек, Ички ишлар вазирлиги тизимида бўлган профессионал ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларида хизматчиларнинг қутқарув ишлари ҳамда ёнғинларни ўчириш билан боғлиқ фаолияти меҳнат шароитлари юзасидан аттестациядан ўтказилган деб ҳисоблансин;

(б) 2020 йил 1 январга қадар Ички ишлар вазирлиги тизимидаги профессионал ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларида меҳнат фаолияти қутқарув ишлари ва ёнғинларни ўчириш билан боғлиқ бўлган ишларни амалга оширган хизматчиларнинг иш стажи қутқарувчи мақомидаги иш стажига тенглаштирилсин.

### **V. Молиявий ресурслар**

8. Белгилаб қўйилсинки, 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг харажатларини молиялаштириш ва бюджетдан ташқари жамғармасини шакллантиришда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузганлик учун қўлланадиган жарималар суммасининг 100 фоизи Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади.

**VI. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва  
назорат қилиш**

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб фавқулодда вазиятлар вазири Б.Б. Кудратходжаев белгилансин.

12. Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департамент бошлиғи Д.Б. Кадиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 20 октябрь,  
ПФ–185-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 20 октябрдаги  
ПФ–185-сон Фармониغا  
1-ИЛОВА

**Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш  
КОНЦЕПЦИЯСИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришдаги давлат сиёсатининг асосий вазифалари, устувор йўналишлари, шунингдек, амалга ошириш механизмларини белгиловчи муҳим ҳужжат ҳисобланади.

2. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизими қуйидаги асосий тамойилларга таянган ҳолда ривожлантирилади:

инсон кадрини таъминлаш (инсон ҳаёти ва соғлигининг устуворлиги);

профилактик тадбирларнинг устуворлиги;

ошкоралик ва шаффофлик;

ҳамжиҳатликда самарали ҳаракатланиш;

сансалорлик ва зиддиятларга йўл қўймаслик.

3. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги манфаатлар:

фавқулодда вазиятлардан аҳоли ҳаёти, соғлиғи ва моддий бойликларининг ишончли муҳофаза қилиниши, фавқулодда вазиятлар юзага келганда зарарни қоплаш тартиби мавжудлиги;

фавқулодда вазиятлар хавфи юзага келганлиги ёки рўй берганлиги ҳақида аҳолининг хабардор бўлиши, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиш имкониятларининг мавжудлиги;

фавқулодда вазиятлар хавфи мониторинги ва прогнозлаш тизимида замонавий технологиялар имкониятидан ва илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва бу борада халқаро ҳамкорликни кучайтириш;

соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ва стандартлар бузилишининг олдини олиш, хавф-хатарларни илмий-амалий ёндашувлар асосида таҳлил қилиш, таъсирчан давлат назоратини ўрнатиш;

«олтин дақиқалар»да қутқарув ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар тезкорлигини ошириш орқали қутқарув тузилмаларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда давлат ва жамият ўртасида узвий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар

ҳамда кўнгиллиларнинг иштирокини кучайтириш, оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш.

4. Қўйидагилар фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланганликни таъминловчи асосий омиллар ҳисобланади:

фавқулодда вазиятларга олиб келиши мумкин бўлган хавф манбаларининг реал ҳолатидан келиб чиқиб, зарур чора-тадбирлар белгилангани;

фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлари асосида хавф таҳлилига кўра объектлар ва ҳудудлар тоифасининг таснифлангани;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда манзилли профилактика тадбирларининг ташкил этилгани ва уларнинг натижадорлиги;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида вазифага эга бўлган органларнинг ўз мажбуриятларини бажариши ҳолати;

фавқулодда вазиятлар хавфи юзага келганда ёки рўй берганда аҳолини ва қутқарув тузилмаларини хабардор қилиш тизимининг ташкил этилгани;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасида аҳолини ҳамда фавқулодда вазиятлар давлат тизими субъектлари масъул раҳбар ходимларининг билим ва кўникмалари даражаси;

фавқулодда вазиятларда корхона ва ташкилотларнинг барқарор фаолият кўрсатиши учун тегишли чоралар кўрилгани;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасининг илмий-техник ва инновацион таъминлангани ҳамда рақамлаштириш даражаси;

фавқулодда вазиятлар давлат тизими субъектларининг малакали мутахассислар билан жамлангани;

замонавий махсус техника ва асбоб-анжомлар билан жиҳозлангани, шунингдек, моддий-техник таъминоти ва моддий ресурслар захираси шакллантирилгани.

## **2-боб. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий мақсад ва вазифалари**

5. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсади фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш субъектлари томонидан шахс, жамият ва давлатнинг фавқулодда вазиятлардан зарур даражада ишончли муҳофаза қилинишини таъминлашдан иборат.

6. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда профилактик тадбирларини «маҳаллабай» ва «хонадонбай» амалга ошириш;

аҳоли, кўнгилли қутқарувчилар ва волонтерларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ишларига кенг жалб этиш;

соҳага замонавий ахборот технологиялари, инновацион ечимлар, шу жумладан, робототехника, авиация, учувчисиз учиш аппаратлари, рақамлаштириш ва сунъий интеллект имкониятларини татбиқ этиш;

соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш меъёрлари ва қоидаларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;

профилактика тадбирлари устуворлиги ҳамда хавф индикаторлари асосида хавфга йўналтирилган ёндашув билан давлат назоратини ҳамда бу соҳада таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлаш;

трансчегаравий фавқулодда вазиятлар хавф манбаларини барвақт аниқлаш, хавф даражаси ва эҳтимолий оқибатларини баҳолаш орқали комплекс чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

мониторинг ва прогноз кўрсаткичларини баҳолаш ҳамда юзага келган фавқулодда вазиятлар оқибатлари, талафоти ва кўламини аниқлаш методикаси ва методологиясини замон талабларига мувофиқлаштириш;

энергетика, радиациявий, кимёвий, ёниш-портлаш ва бошқа хавф манбаи юқори иқтисодий объектларнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш;

аҳолини, мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилотлар раҳбарлари таркибини, ходимларини ва қутқарув хизматлари (тузилмалари)ни фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳаракат қилишга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириб бориш тизимини такомиллаштириш;

барча даражадаги бошқарув органлари ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш учун мўлжалланган куч ва воситаларнинг етарли даражада эканлиги ҳамда доимий шайлигини таъминлаш;

мақсадли ва илмий-техник дастурларни (тадбирларни) режалаштириш, амалга ошириш ҳамда соҳада илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.

### **3-боб. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва амалга ошириш механизмлари**

7. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

«Фавқулодда вазиятдан муҳофазаланган маҳалла» тамойили асосида фавқулодда вазиятларнинг барвақт олдини олиш, уларни бартараф этиш ва оқибатларини камайтириш чора-тадбирлари натижадорлигини ошириш бўйича «маҳаллабай» комплекс профилактика тадбирларини амалга ошириш;

кун сайин ривожланаётган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш индустриясини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича янгича ёндашувларнинг, шунингдек, уларда рўй бериши мумкин бўлган хавфларни бартараф этишнинг замонавий техника ва технологияларини жорий этиш;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида дуал таълимга асосланган ўрта бўғин ва юқори малакали профессионал кадрларни узлуксиз тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ҳамда таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш бўйича яхлит тизимни йўлга қўйиш;

аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш самарадорлигини ошириш;

фавқулодда вазиятлар таҳдидининг олдини олиш, бартараф этиш, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида илм-фан,

илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторликка асосланган инновацион ишлаб чиқариш занжирини йўлга қўйиш;

фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнози, шунингдек, фавқулодда вазиятлар хавфини бартараф этишда куч ва воситаларни бошқариш, мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг фаолиятини рақамлаштириш соҳасига сунъий интеллект, робототехника ва замонавий технологияларни кенг жорий этиш;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш;

энергетика, транспорт, ҳаёт маромини таъминловчи ва бошқа муҳим иқтисодий объектларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, хавфни бошқариш ҳамда техноген аварияларни бартараф этиш;

фавқулодда вазиятлар бўлинмаларининг такрорланувчи функцияларини мақбуллаштириш, куч ва воситалар бошқарувини мувофиқлаштириш.

8. «Фавқулодда вазиятдан муҳофазаланган маҳалла» тамойили асосида фавқулодда вазиятларнинг барвақт олдини олиш, уларни бартараф этиш ва оқибатларини камайтириш чора-тадбирлари натижадорлигини ошириш бўйича «маҳаллабай» комплекс профилактика тадбирларини амалга ошириш қўйидаги механизмларни кўзда тутати:

ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, фавқулодда вазиятлар хавф манбалари, уларнинг мониторинги ва прогнозлари асосида жойларда юзага келиши мумкин бўлган реал таҳдидларни аниқлаш;

фавқулодда вазиятлар хавф манбаларининг прогнозлари асосида ҳудудлар ва объектларни таснифлаб, белгиланган мезонларга мувофиқ маҳаллаларни «қизил», «сарик», «яшил» тоифаларга ажратиш ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олишнинг техник-профилактик ҳамда бошқа чора-тадбирларини уларнинг таснифига кўра белгилаш;

«маҳалла етилиги», маҳалла фаоллари, кўчабоши, уйбошилар билан биргаликда аҳолини кенг жалб қилган ҳолда фавқулодда вазиятларнинг техник-профилактик тадбирларини хавф манбаи юқори бўлган хонадонларда ташкил этиб, бажарилган ишлар натижадорлигини танқидий таҳлил қилиб бориш;

техник-профилактик тадбирларни ўтказишда, биринчи навбатда, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига (кам таъминланган ва кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар) асосий эътиборни қаратиб, масъул хизматларни жалб қилиш орқали мавжуд камчиликларни бартараф этиш;

иш режаларига кўра, маҳаллалардаги назорат объектларида (потенциал хавфли, ижтимоий соҳа ва аҳоли кўп тўпланадиган масканлар) профилактика кўрик ва текширувларини тизимли равишда ўтказиб бориш;

маҳаллаларда соҳавий ташкилотлар билан биргаликда идоравий ҳужжат ишлаб чиққан ҳолда аҳоли тураржойлари ҳамда газ, электр, ичимлик суви, иссиқлик таъминоти жиҳозларини кўриқдан ўтказиш, носозликларни аниқлаш, бартараф этиш ва муддатли техник хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш;

аҳолининг уй-жой фондидан хавфсиз фойдаланишини ҳамда коммунал хизматлар, фуқаролар йиғини ва бошқарув сервис компаниялари, навбат-

чи-диспетчерлик хизматлари фаолиятини (хусусан, куз-қиш мавсумида) мувофиқлаштириб бориш;

фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи ёки фавқулодда вазиятлар юзага келгани ҳақида ходимларга ўз вақтида хабар бериш, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, моддий ва маданий бойликларни асрашга қаратилган тадбирларни белгилаш ҳамда ижроси назоратини юритиб бориш;

ижтимоий соҳа объектлари ходимлари билан маҳаллаларда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича тизимли равишда ўқув-амалий машқларни ўтказиб бориш;

аҳолини фавқулодда вазиятларда муҳофазаланиш усуллари ва ҳаракатларига ўргатиш бўйича «маҳалла еттилиги» ва маҳалла фаоллари билан биргаликда маҳаллаларда ўтказиладиган машғулотлар, йўриқномалар, амалий машқлар ҳамда бошқа тарғибот тадбирлари жадаллиги ва сифатини кучайтириш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга оид қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш;

амалга оширилаётган ишларнинг таҳлиллари асосида ташкилотларда фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирлари самарадорлигини ошириш юзасидан жамоаларда танқидий муҳокамалар ўтказиб бориш.

9. Кун сайин ривожланаётган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш индустриясини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича янгича ёндашувларни, шунингдек, уларда рўй бериши мумкин бўлган хавфларни бартараф этишнинг замонавий техника ва технологияларини жорий этишда қуйидаги механизмлар кўзда тутилади:

фавқулодда вазиятлар таҳлилидан келиб чиқиб, инновацион ёндашув асосида манзилли профилактика, хавф оқибатлари ва зарарини камайтириш усулларини қўллаш;

ҳар бир муқобил усулнинг миқдор ва сифат таҳлили (шу жумладан, фойда ва харажатлар таҳлили), тегишли соҳаларга (иқтисодий, ижтимоий ва атроф-муҳит) таъсирлари ва уларни қўллашда юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлар хавфи ҳамда қиёсий таҳлили асосида танланган мақбул усулларни жорий этиш;

илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида аҳоли кўп тўпланадиган ва ёнғин-портлаш хавфи юқори объектлар, кўп қаватли биноларда фавқулодда вазиятлар таҳдиди ва хавфини камайтириш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш;

кимёвий моддалар (махсулотлар) тегишли манзилга хавфсиз етказилиши (ташилиши), сақланиши ва улардан фойдаланилиши учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кузатувни амалга ошириш;

замонавий асбоб-анжомлар, махсус техника ва технологияларни қўллаш, шунингдек, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш куч ва воситаларни самарали жойлаштириш (куч ва воситалар мутаносиблиги) орқали аҳоли ҳаётини сақлаш ва мол-мулкни асраш чораларини кўриш.

10. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида дуал таълимга асосланган ўрта бўғин ва юқори малакали профессионал кадрларни узлуксиз

тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ҳамда таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш бўйича яхлит тизимни йўлга қўйишда қўйидаги механизмлар кўзда тутилади:

соҳада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг яхлит тизимини йўлга қўйиш мақсадида соҳавий ўқув муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш;

ўқув жараёнини дуал таълим тизимида ташкил этиш, симуляция, имитация ва виртуал лабораториялар (полигон)ни ташкил этиш орқали назария ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш;

таълим жараёнига замонавий педагогик ва инновацион ўқитиш технологияларини кенг татбиқ этиш, шу жумладан, масофавий ўқитиш платформасини жорий этиш;

таълим муассасаларига юқори малакали профессор-ўқитувчилар, шунингдек, таълим жараёнига хорижий таълим, илмий-амалий ва илмий-тадқиқот муассасалари мутахассислари ва экспертларини жалб қилиш;

илғор хорижий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, кўргазмалар ва интерфаол ўқув-услубий базани шакллантириш;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш;

таълим муассасалари ва етакчи хорижий турдош илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, курсант ва тингловчиларни ўқишга ҳамда профессор-ўқитувчиларни тажриба алмашиш ва малака ошириш курсларига юбориш;

истеъдодли, юқори кўрсаткичларга эришган, ўқув дастурларини аъло баҳоларга ўзлаштираётган курсантлар учун стипендиялар таъсис этиш, профессор-ўқитувчиларга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ устамалар белгилаш;

фавқулодда вазиятлар идораларида узлуксиз ўқув-карьера ҳамда устоз-шогирд аъналарига кўра мураббий-куратор тизимларини жорий этиш.

11. Аҳолини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш самарадорлигини оширишда қўйидаги механизмлар кўзда тутилади:

фуқаролар йиғини раислари, «маҳалла еттилиги», маҳалла фаоллари, кўчабошилар ва уйбошиларни (кўп қаватли уйларда) фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш усулларига ўргатиб, уларнинг соҳага оид билим ва кўникмаларини ошириб бориш;

маҳаллаларда фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш учун энг зарур бўладиган моддий-техник ресурслар захираларини яратиш бўйича аниқ тартибни белгилаш;

маҳаллаларда аҳоли таркибидан кўнгиллилар ва волонтерлар жамоасини шакллантириб, уларни қутқарув ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни амалга оширишга тайёрлаш, зарур анжомлар билан таъминлаш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб этиш чораларини кўриш;

ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлмаган аҳоли,

шу жумладан, инклюзив тамойил асосида жисмоний имконияти чекланган ҳамда эшитиш ва кўришида нуқсони бўлган шахслар билан фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга оид масофавий ўқув курслари, давра сухбатлари, тренинг ва машғулотларни ўтказиш;

ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли билан ўқув-амалий тадбирларни (ўқув курслари, машқлар, йиғинлар ва семинар-тренинг) ўтказиш;

таълим жараёни дастурларига тегишли соатларни киритган ҳолда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус (касбий) таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда олий таълим ташкилотлари талабаларини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш ва хавфсизлик қоидаларига ўргатиш, махсус дастурлар асосида ўқув машқлари, спорт ўйинлари ва мусобақалар ўтказиш;

фавқулодда вазиятлар шароитида ҳамда уларни бартараф этиш ишларини ўтказишда раҳбарлар таркиби, мансабдор шахслар ва қутқарув тузилмалари таркибининг профессионал тайёргарлик даражасини ошириш;

фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими хизматлари бошқарув органлари, қутқарув хизматлари (тузилмалари) шахсий таркибининг билим ва кўникмалари, уларнинг замонавий техника ва асбоб-анжомлар билан жиҳозлангани ҳамда қутқарув ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни бажаришга тайёрлигини реал хавф манбаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бориш;

аҳолига фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш бўйича қўлланмалар ва эслатмалар тайёрлаш, уларнинг эътиборига етказиш, тарқатиш, шу мазмундаги маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва интернет ижтимоий тармоқлар орқали жамоатчиликка етказиш;

аҳолини кенг жалб қилган ҳолда фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, кундалик турмушда хавфсизлик қоидаларига ўргатиш бўйича амалий тадбирларни ҳамда фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга ўргатувчи контентлар, онлайн таълим платформасини ташкил этиш ва кенг қўламли тарғибот-тушунтириш ишларини амалга ошириш.

12. Фавқулодда вазиятлар таҳдидининг олдини олиш, уларни бартараф этиш, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида илм-фан, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторликка асосланган инновацион ишлаб чиқариш занжирини йўлга қўйишда қуйидаги механизмлар кўзда тутилади:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида илм-фан, илмий-тадқиқот ва инновацион ишлаб чиқаришни 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

табиий ва техноген хавфлар бўйича мониторинг, прогноз ва уларнинг таъсирини камайтиришга қаратилган тадқиқотлар олиб боровчи республика илмий-тадқиқот ташкилотлари билан алоқаларни янги босқичга кўтариш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда тизимдаги барча олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

соҳага оид давлат илмий-техник дастурларини шакллантириб бориш, уларнинг ижросини назорат қилиб бориш;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ривожлантириш натижасида мониторинг қурилмалари, қутқарув жиҳозларининг янги, импорт ўрнини босувчи намуналарини яратиш ҳамда тижоратлаштиришга қаратилган ишларни амалга ошириш;

қутқарув техникаси ва воситаларини маҳаллийлаштириш, соҳада импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар сонини ошириш ва бу борада илмий тадқиқотларни, тажриба-конструкторлик ишларини бажариш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича илмий-ишлаб чиқариш базасини яратиш;

илм-фанни қўллаб-қувватлаш, илмий ходимларни соҳадаги долзарб муаммоларни ҳал этиш жараёнига кенг жалб қилиш.

13. Фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнози, шунингдек, фавқулодда вазиятлар хавфини бартараф этишда куч ва воситаларни бошқариш, мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг фаолиятини рақамлаштириш соҳасига сунъий интеллект, робототехника ва замонавий технологияларни кенг жорий этишда қуйидаги механизмлар кўзда тутилади:

фавқулодда вазиятлар таҳдиди, жараёнлар ва ҳодисаларнинг прогнозини юритиш учун фавқулодда вазиятлар мониторинги, ахборот алмашинуви ва прогнозлаш ягона тизимига кирувчи давлат органлари ҳамда ташкилотлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш давлат тизими субъектларининг тарқоқ ҳолатдаги идоравий ахборот тизимларини ягона платформага тўлиқ интеграция қилиб, ҳимояланган ахборот алмашинувини ташкил этиш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилинаётган қутқарув тузилмалари тезкорлигини ошириш учун хавфли ҳудудлар, хавф манбалари, уларни бартараф этишга жалб қилинадиган куч ва воситалар, моддий-техник ресурслар тўғрисидаги маълумотлар банкни тўлдириб бориш ҳамда тезкор бошқарув жараёнини автоматлаштириш;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш давлат тизимига кирувчи вазирлик ва идораларнинг бошқарув органлари ҳамда куч ва воситаларининг ҳамжиҳатлигини таъминлашда ҳамкорликдаги ҳаракатлар режалари асосидаги ҳаракатларга устуворлик бериш;

табiiй ва техноген жараёнлар ҳамда ҳодисалар мониторинги ва прогнозини юритиш учун замонавий технологиялар, ахборот дастурлари ва сунъий интеллект ютуқларидан тўлиқ фойдаланиш;

соҳага оид стартап лойиҳаларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларни инкубация ва акселерация дастурларига жалб этиш;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш давлат тизими субъектлари ва бошқа ташкилотларни ихтисослашган, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик муассасалари ҳамда лаборатория назорати ва кузатуви тармоғидаги бўлинмаларда сейсмологик, геологик, гидрометеорологик хавфли ҳодисалар, қуруқлик (тупроқ, ерости) ва гидросфера ҳолатининг ўзгариши, атмосфера таркиби ва хоссалари, саноат ва транспортдаги авариялар, эпидемиялар,

эпизоотиялар, эпифитотиялар, радиоактив, кимёвий, биологик ва бошқа табиий-техноген хавф манбалари ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, сунъий интеллект ёрдамида қайта ишлаш ва мониторинг юритиш;

таҳлиллар асосида тайёрланган прогнозларга мувофиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва уларнинг оқибатларини камайтириш бўйича тизимли равишда тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда самарали профилактика тадбирларини ўтказиш учун масъул ташкилот ва идораларга асосланган таклифларни киритиб бориш;

табиий офатлар ва техноген ҳалокатлар рўй бериш хавфи юқори ҳудудларда ва бундай объектлар атрофида яшовчи фуқароларни, бинолар ва иншоотларни, қишлоқ хўжалиги майдонларини, шунингдек, бошқа мол-мулкни суғурталашни қўллаб-қувватлаш.

14. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган тезкор чора-тадбирларни амалга оширишда қўйидаги механизмлар кўзда тутилади:

фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими фаолияти доирасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қутқарув бўлинмаларининг йирик фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, шунингдек, авария-қутқарув ишларини амалга ошириш имкониятларини кучайтириш;

мобил, кўп тармоқли ва техник жиҳозланган қутқарув бўлинмаларини ташкил этиб, фавқулодда вазиятлар юзага келганда тезкор жавоб бериш бўйича уларнинг тайёргарлигини ошириш;

кўп қаватли бино ва иншоотлар, ўрмонлар ва олис ҳудудлардаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўлинмалари томонидан амалга оширилдиган қутқарув ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида мобил қутқарув воситалари, шу жумладан, авиация технологияларининг (хусусан, учувчисиз учиш аппаратлари) ютуқларидан кенг фойдаланиш;

ёнғин-қутқарув воситалари захираларини фавқулодда вазиятлар рўй берган ҳудудларга тезкор етказиб бериш учун шароитларни яратиш;

тезкор қарорлар қабул қилишни қўллаб-қувватлаш ва қутқарув бўлинмаларини самарали бошқариш бўйича автоматлаштирилган тизимларни жорий этиш.

15. Энергетика, транспорт, ҳаёт маромини таъминловчи ва бошқа муҳим иқтисодиёт объектларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, хавфни бошқариш ҳамда техноген аварияларни бартараф этиш тадбирларини амалга оширишда қўйидаги механизмлар кўзда тутилади:

ҳаёт маромини таъминловчи объектларда техноген аварияларнинг олдини олиш учун самарали хавфсизлик стандартларини, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва назоратини олиб боришнинг замонавий усулларини қўллаш;

энергетика, кимёвий, ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган муҳим иқтисодиёт объектларининг барқарор ишлашини таъминловчи Ҳукумат, ҳудудий ва объект комиссиялари фаолиятини ташкил этиш;

энергетика, кимёвий, ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган, шунингдек, гидротехника иншоотлари ҳамда ҳаётини муҳим иқтисодиёт объектла-

ри барқарор ишлашини таъминлаш ва назорат қилишга қаратилган даврий (йиллик, чораклик) тадбирлардан иборат дастур ва режаларни қабул қилиш;

энергетика, транспорт инфратузилмаси объектларининг барқарор фаолиятини таъминлаш бўйича давлат бошқаруви органлари ва хусусий сектор ўртасида ўзаро ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш;

объектларда авариялар ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, етказилиши мумкин бўлган зарар ва зиённи қисқартиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

йирик авариялар ва фавқулодда вазиятлар шароитида энергетика, транспорт ва бошқа ҳаёт маромини таъминловчи объектларнинг барқарор фаолият кўрсатишини илмий-техник ёндашув асосида таъминлаш;

энергетика, транспорт ҳамда иқтисодиётнинг муҳим ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги объектларда давлат назоратини юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар профилактикасига оид кучайтириш.

16. Фавқулодда вазиятлар бўлинмаларининг такрорланувчи функцияларини мақбуллаштириш, куч ва воситалар бошқарувини мувофиқлаштиришда қуйидаги механизмлар кўзда тутилади:

тизимда бошқарув, профилактика, давлат назорати, бартараф этиш, моддий-техник ва таъминотнинг бошқа йўналишларидаги бир-бирини такрорловчи ёки самарасиз функцияларни мақбуллаштириш;

таркибий бўлинмаларга юкланган вазифаларнинг хусусияти ва иш ҳажмидан келиб чиқиб, уларнинг мақоми, таркиби, мўлжалланиши ва функцияларини қайта кўриб чиқиш;

функцияларни рақамлаштириш орқали самарадорликни ошириш ҳамда соҳавий йўналишлардаги асосий фаолиятни маҳалла, туман, шаҳар, вилоят, республика миқёсидаги амалий натижадорликка қаратиш;

маъмурий-худудий бирликларни табиий ва техноген хавф манбалари, уларнинг кўлами, худудлардаги потенциал хавфли объектлар, аҳолига оид ва бошқа муҳим кўрсаткичлар (мезонлар) асосида таснифлаб, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш давлат тизимида кирувчи вазирлик ва идораларнинг бошқарув органлари ҳамда куч ва воситалар мутаносиблигини таъминлаш, самарали бошқарувни таъминловчи ташкилий тузилмани такомиллаштириб бориш.

#### **4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар**

17. Концепцияни амалга ошириш орқали қуйидагиларга эришилади:

2026 йил якунига қадар фавқулодда вазиятлар таҳдиди, хавф манбалари, индикаторлари, эҳтимолий кўлами ва оқибатларидан келиб чиқиб, маҳаллалар «қизил», «сарик», «яшил» тоифаларга ажратилади;

ҳар бир маҳаллада хавф индикаторлари асосида «маҳалла еттилиги» ҳамда соҳавий хизматларни жалб қилган ҳолда манзилли ва мавсумий профилактика тадбирлари амалга оширилиб, маҳалла фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланган худудга айлантирилади;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида янги стандарт, ко-

идалар ва илмий тадқиқотларни жорий этиш орқали фавқулодда вазиятлар таҳдиди ҳамда хавфни камайтиришга эришилади;

потенциал хавфли ва аҳоли кўп тўпланадиган объектларда фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик талабларига қатъий риоя қилиниши бўйича ваколатли органларнинг масъулияти ҳамда жавобгарлик даражаси оширилади;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича соҳавий таълим муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланади;

замонавий педагогик ва инновацион ўқитиш технологияларини амалиётга кенг татбиқ этиш ҳамда дуал ва масофавий таълимга устуворлик бериш орқали 2030 йилгача Фавқулодда вазиятлар вазирлигидаги шахсий таркибнинг профессионаллик даражаси 40 фоизга етказилади;

соҳага юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва экспертларни жалб этиш, фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар ўтказиш бўйича маҳаллий ва хорижий турдош илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни кучайтириш чоралари кўрилиб, 2029 йилгача илмий салоҳият кўрсаткичи 60 фоизга, 2030 йилгача илмий изланишлар натижаларини амалиётга татбиқ этиш даражаси 30 фоизга етказилади;

«маҳалла еттилиги», маҳалла фаоллари ва аҳолининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича соҳавий кўникмалари 2030 йилга қадар етарли даражада шакллантирилади;

хавф манбаи юқори ҳудудлардаги маҳаллаларда фавқулодда вазиятлар ҳолати учун керакли моддий-техник ресурслар захирасини яратиш, аҳоли таркибидан кўнгилчилар (волонтёр) гуруҳларини шакллантириш ҳамда зарур асбоб-анжомлар билан жиҳозлаб, қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларга жалб этиш чоралари кўрилади;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш давлат тизими хизматларининг раҳбарлар таркиби ва қутқарувчиларининг касбий маҳорати оширилади;

иш билан банд аҳолини (жумладан, инклюзив тамойил асосида жисмоний имконияти чекланган, эшитиш ва кўришида нуқсонли бўлган шахслар) ўқув-амалий машқларни ташкил этиш орқали мақсадли тайёрлашга эришилади;

барча таълим ташкилотларидаги ўқувчи-талабалар махсус ўқув дастурлари асосида фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ўргатилади;

соҳада илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ривожлантириш натижасида қутқарув техникаси ва воситаларини маҳаллийлаштириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар сонини оширишга эришилади;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш давлат тизимидаги идоравий ахборот тизимлари ягона платформага интеграция қилиниб, рақамлаштириш кўрсаткичини 2028 йил якунига қадар 80 фоизга етказиш ҳисобига фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш тадбирлари самарадорлиги оширилади;

2027 йил якунига қадар табиий ва техноген хавфли жараёнлар мониторингини юритишда, юзага келиши мумкин бўлган вазиятларни моделлашти-

ришда, самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда ва хавфни тезкор бартараф этишда сунъий интеллект технологияларини татбиқ этиш учун зарурий шарт-шароитлар яратилади;

ҳаёт маромини таъминловчи ва бошқа муҳим иқтисодиёт объектларининг барқарор фаолият кўрсатишини ошириш бўйича мавжуд услубиёт ва хавфсизлик стандартлари такомиллаштирилади;

барқарор фаолият кўрсатиши талаб этиладиган муҳим иқтисодиёт объектларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда Ҳукумат ва ҳудудий комиссиялар олдидаги ҳисобдорлик даражаси оширилади;

хавф манбаи юқори энергетика ва транспорт объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва зарарини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар илмий-техник ёндашувлар асосида белгиланади ҳамда уларнинг тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлаш мақсадида давлат назорати кучайтирилади;

2030 йилгача замонавий хавф манбалари ва уларнинг эҳтимолий қўламадан келиб чиқиб, барвақт профилактик тадбирларни амалга оширадиган, тезкор қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни бажариш қобилиятига эга бўлинмаларни ўз ичига олган ташкилий тузилма шакллантирилади.

### **5-боб. Яқунловчи қоида**

18. Давлат органларининг мансабдор шахслари ўз хизмат мажбуриятлари юзасидан фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида зарур чора-тадбирлар белгиланиши ҳамда уларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминламаганликлари учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 20 октябрдаги  
ПФ–185-сон Фармониغا  
4-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–1378-сон Фармонининг 5 ва 6-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бар-тараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ–5706-сон Фармонининг 6-банди иккинчи хатбошиси «эга бўладилар» сўзларидан кейин «ҳамда уларнинг иш стажи кутқарувчи мақомидаги иш стажига тенглаштирилади» сўзлари билан тўлдирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2915-сон қарорининг 6-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3286-сон қарорининг 1-бандида:

(а) иккинчи хатбошидаги «ихтисослаштирилган муҳандислик-техник отрядлари (кейинги ўринларда ФВВ ихтисослаштирилган отрядлари деб юритилади)» сўзлари «Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси (кейинги ўринларда ФВВ Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси деб юритилади)» сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) тўққизинчи хатбошидаги «ФВВ ихтисослаштирилган отрядлари» сўзлари «ФВВ Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 июлдаги «Ички бозорни қум-шағал материаллари билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3841-сон қарорида:

(а) муқаддиманинг тўртинчи хатбошисидаги «ихтисослаштирилган муҳандислик-техник отрядларига» сўзлари «Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ихтисослаштирилган муҳандислик-техник отрядлари» сўзлари «Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомил-

лаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4276-сон қарорида:

(а) 1-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишинча иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(б) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 ноябрдаги «Ёниш ва портлаш хавфи юқори бўлган кимёвий моддалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ПҚ–357-сон қарорида:

(а) 2-банддаги «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Радиацион, кимёвий ва тиббий-биологик муҳофаза бошқармаси» сўзлари «Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фавқулодда вазиятлар профилактикаси бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 7-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«2025 йил 1 ноябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари томонидан кимёвий моддаларни «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимига расмийлаштириш учун тақдим этилган божхона юк декларациясига кимёвий моддалар эркин муомалага чиқарилганидан сўнг етказиладиган манзил тўғрисидаги маълумотлар киритилади».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ–4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда:

(а) 118-банддаги «ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши» сўзлари «ёхуд тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 239-банднинг «г» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) «полковник» ҳарбий унвони — тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибияти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда вазирликлар раҳбарларининг буйруқлари билан берилади».

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 августдаги ПҚ–288-сон қарори билан тасдиқланган Ҳарбий хизматчилар, ходимлар, ишчи ва хизматчилар номзодини давлат мукофотлари билан тақдирлаш учун тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Жамоат хавфсизлиги ва қонун устуворлиги бўйича департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**650** Худудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун туман (шаҳар) ҳокимликлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

Жойларда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш суръатларини жадаллаштириш, бу борада маҳаллий бошқарувни «аҳоли ва тадбиркорлар манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида такомиллаштириш, туман (шаҳар) ҳокимликларининг долзарб муаммоларга тез ечим топиш борасидаги ваколатлари ва молиявий имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида кўзда тутилган устувор вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

**I. Мақсадлар**

1. Қуйидагилар туман (шаҳар) ҳокимликлари фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) «аҳоли ва тадбиркорлар манфаатларига хизмат қилиш» тамойилини ҳаётга тўлиқ жорий этиш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимликларини аҳоли ва тадбиркорларга комплекс хизмат кўрсатувчи замонавий тузилмага трансформация қилиш;

(б) маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этишда туман (шаҳар) ҳокимликларининг маъмурий ваколатларини янада кенгайтириш;

(в) туман (шаҳар) ҳокимларининг ҳудудий ривожланишга оид устувор вазифалари ва масъулият доирасини аниқ белгилаш;

(г) ҳудудлар ўртасида ҳамкорликни ташкил этиш ва ўзаро тажриба алмашишнинг самарали механизмларини жорий қилиш.

**II. Туман (шаҳар) ҳокимликларида бошқарувнинг ихчам ва натижадорликка йўналтирилган самарали тизимини йўлга қўйиш**

2. 2026 йил 1 январдан бошлаб тажриба-синов тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 октябрдаги ПҚ–298-сон қарорида белгиланган «Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман (шаҳар)» мақомидаги 33 та ҳамда Сурхондарё вилоятининг қолган барча туман (шаҳар)ларида 1-иловага мувофиқ республика ижро этувчи ҳокимият органларининг туман (шаҳар) бўлинмалари туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасига ўтказилсин.

3. Белгилансинки, тажриба-синов даврида:

(а) республика ижро этувчи ҳокимият органларининг туман (шаҳар) бўлинмалари уларнинг амалдаги мақоми, ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари сақланган ҳолда туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасига ўтқа-

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 октябрда эълон қилинган.

зилади, юридик шахс мақоми бўлмаган ташкилотлар харажатлари тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан амалга оширилади;

(б) туман (шаҳар) ҳокимлари республика ижро этувчи ҳокимият органларининг туман (шаҳар) бўлинмалари (кейинги ўринларда — бўлинмалар) фаолияти устидан бевосита раҳбарликни амалга оширади, уларга юклатилган вазифа ва функцияларнинг самарали бажарилишини ташкил этади;

(в) туман (шаҳар) ҳокимларига:

(i) ажратилган маблағлар ва ходимларнинг белгиланган чекланган сони доирасида бўлинмаларнинг штат бирликларини мустақил тасдиқлаш ва ўзгартириш киритиш;

(ii) бўлинмалар ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш, уларга нисбатан рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш ҳуқуқи берилади.

4. Тажриба-синов даврида бўлинмалар фаолиятини ташкил этишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

(а) республика ижро этувчи ҳокимият органлари:

(i) тегишли соҳаларда ягона давлат сиёсатини амалга оширади, соҳа фаолиятини мувофиқлаштиради ва тартибга солади, ҳуқуқни қўллаш функцияларини амалга оширади;

(ii) бўлинмалар фаолиятига услубий жиҳатдан кўмаклашади;

(iii) бўлинмалар ходимларининг малакасини ошириш бўйича чоралар кўради;

(iv) туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан қўйилган долзарб масалаларга тез ва аниқ ечим топиш бўйича ишларни амалга оширади;

(v) туман (шаҳар) ҳокимликларининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга кўмаклашади;

(б) республика ижро этувчи ҳокимият органларининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлинмалари:

(i) бўлинмалар фаолияти натижаларини таҳлил қилади ва умумлаштиради;

(ii) бўлинмалар фаолиятини самарали ташкил қилишга кўмаклашади.

5. Белгилансинки:

(а) тажриба-синов татбиқ этилаётган туман (шаҳар) ҳокимликлари бошқарув аппаратининг тузилмаси ва штатлари туман (шаҳар) ҳокимининг тақдимномасига биноан тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади;

(б) тажриба-синов татбиқ этилаётган туман (шаҳар) ҳокимликлари бошқарув аппарати тузилмасида:

(i) ташкилий-кадр, ахборот-таҳлил, ижро назорати, ахборот хизмати, энергия менежменти, рақамлаштириш офиси, юридик хизмат ва молия-иқтисод таркибий бўлинмалари (лавозимлари);

(ii) стратегик вазифаларни ҳал этадиган, ҳокимлик фаолиятини ташкилий-техник, ахборот-таҳлил, назорат ва протокол жиҳатдан таъминлайдиган, бошқарув аппарати бўлинмалари фаолиятини умумий мувофиқлаштирадиган Ижро аппарати раҳбари лавозими ташкил этилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Тажриба-синов даврида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) ҳоким ўринбосарларининг чекланган сони Сурхондарё вилояти ҳокимлигида 6 нафар, туман (шаҳар) ҳокимликларида 4 нафар этиб белгиланади;

(б) ҳокимларга ҳудудни ривожлантириш режалари, ҳудуд ихтисослашуви ва драйверларидан келиб чиқиб ҳоким ўринбосарлари масъул бўлган йўналишларни белгилаш ҳуқуқи берилади;

(в) туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган қарор туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади;

(г) ҳар бир ҳоким ўринбосари ўзи мувофиқлаштирадиган йўналиш бўйича лойиҳа гуруҳлари ташкил этилиши мумкин. Бунда лойиҳа гуруҳлари:

(i) тегишли соҳаларда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторингини юритиш билан шуғулланади;

(ii) лойиҳа йўналишидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) ташкилотлари ходимларини жалб қилиш орқали ташкил этилади;

(д) туман (шаҳар) ҳокимликлари штат бирликлари 1 та раҳбарга камида 3 та ходим нисбатида шакллантирилади.

### **III. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳудудий ривожланиш бўйича салоҳиятини кучайтириш**

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ тажриба-синов татбиқ этилаётган туман (шаҳар) ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари:

(а) самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичларига (КРІ) тўлиқ эришган тақдирда келгуси йил учун ҳудудга «драйвер» лойиҳалар инфратузилмасини яратиш учун ажратиладиган маблағлар миқдори 15 фоизга оширилади. Бунда қўшимча маблағлар «драйвер» лойиҳалар инфратузилмасини яратиш учун режалаштирилган жами маблағлар доирасида ажратилади;

(б) самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичларига (КРІ) эришмаган тақдирда келгуси йил учун тегишли ҳудудга «драйвер» лойиҳалар инфратузилмасини яратиш учун ажратиладиган маблағлар миқдори камайтиради ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимига лойиқлиги масаласи кўриб чиқилади.

8. Стратегик ислоҳотлар агентлиги бир ой муддатда:

(а) 2026 йилдан бошлаб ҳар йили ҳар бир ҳудудда навбатма-навбат тажриба алмашиш, ҳудуд тадбиркорларининг ўзаро мулоқоти ва ҳамкорлик муносабатлари шаклланишига шароит яратиш мақсадида Ҳудудлараро иқтисодий ҳамкорлик форумини ўтказишни назарда тутувчи тартибни тасдиқлаш;

(б) Адлия вазирлиги, Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти билан биргаликда ҳудудий ривожланиш бўйича ҳамкорликни кучайтириш, маҳаллий аҳамиятга эга муаммоли масалаларга ўзаро келишилган ечим топиш ҳамда ҳудудлараро тажриба алмашиш амалиётини йўлга қўйиш мақсадида Ҳудудий ҳамкорлик кенгаши фаолиятини йўлга қўйиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

#### IV. Ташкилий чора-тадбирлар

9. Қуйидагилар:

(а) Сурхондарё вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратининг тавсиявий тузилмаси 2-иловага\* мувофиқ;

(б) тузилмасига республика ижро этувчи ҳокимият органларининг туман (шаҳар) бўлинмалари ўтказилаётган туман (шаҳар) ҳокимликлари бошқарув аппаратининг тавсиявий тузилмаси 3.1-3.2-иловаларга\* мувофиқ;

(в) Тажриба-синов даврида туман (шаҳар) ҳокимликлари бошқарув аппарати тузилмасига ўтказилаётган республика ижро этувчи ҳокимият органлари туман (шаҳар) бўлинмаларининг штат бирликлари 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Адлия вазирлиги ва Бошқарув самарадорлиги агентлиги 2026 йил 1 июнга қадар:

(а) Стратегик ислохотлар агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти вакилларида иборат ишчи гуруҳ тузган ҳолда ва жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш натижалари асосида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини;

(б) маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари функцияларининг очик реестрини шакллантириш ва уни доимий юритиш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини;

(в) Стратегик ислохотлар агентлиги, Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти билан биргаликда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг малакали экспертларини ҳамда халқаро ташкилотларнинг молиявий-техник кўмагини жалб этган ҳолда 2030 йилга қадар давлат бошқарувини номарказлаштириш стратегиясини тасдиқлашни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

#### V. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

11. Бошқарув самарадорлиги агентлиги:

(а) доимий равишда тажриба-синов натижаларини ўрганиб борсин ҳамда унинг таҳлили, янги тизимни такомиллаштириш ва бошқа ҳудудларда жорий қилиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борсин;

(б) Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда туман (шаҳар) ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари раҳбарлигидаги комиссияларни хатловдан ўтказиб, самарасиз фаолият юритаётган комиссияларни тугатиш ёки бошқа давлат органларига ўтказиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

12. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда тажриба-синов ўтказилаётган туман (шаҳар)ларда ҳокимликлар иш фаолиятини ташкил этиш бўйича вақтинчалик тартибни тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги

\* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ–2691-сон қарорига 3-илованинг «Бошқарув ходимларининг чекланган сони» устунида:

(а) 2-позициядаги «66» рақами «71» рақами билан алмаштирилсин;

(б) «Жами» позициясидаги «868» рақами «873» рақами билан алмаштирилсин.

14. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 21 октябрь,  
ПФ–186-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 21 октябрдаги  
ПФ–186-сон Фармонига  
1-ИЛОВА

**Тажриба-синов тариқасида туман (шаҳар) бўлинмалари  
туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасига ўтказилаётган  
республика ижро этувчи ҳокимият органларининг  
РЎЙХАТИ**

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
2. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
3. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги
4. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
6. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
7. Маданият вазирлиги
8. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
9. Ёшлар ишлари агентлиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**651** Сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда замонавий технологияларнинг жадал ривожланишини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, сунъий интеллектни кенг жорий қилиш учун янада қулай шароитлар яратиш, ушбу йўналишга қўшимча инвестицияларни жалб қилиш ҳамда малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

**I. Мақсадлар**

1. Ушбу Фармоннинг асосий мақсадлари этиб қуйидагилар белгилансин:
- (а) 2026 йил якунига қадар давлат бошқаруви органлари, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологияларини кенг жорий қилиш бўйича камида 100 та лойиҳани амалга ошириш;
  - (б) 2030 йил якунига қадар замонавий сунъий интеллект инфратузилмасини ривожлантиришга 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ миқдорда хорижий инвестицияларни жалб қилиш;
  - (в) 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим ҳамда олий таълим тизимининг ўқув дастурлари ва дарсликларига сунъий интеллект технологияларини ўқитиш бўйича мавзуларни киритиш;
  - (г) 2026 йил якунига қадар мамлакатда фаолият юритаётган олий таълим ташкилотларида 15 та сунъий интеллект лабораторияларини ишга тушириш.

**II. Сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича  
институционал тадбирлар**

2. Белгилансинки:
- (а) сунъий интеллект технологияларини жорий қилишда институционал базани такомиллаштириш бўйича давлат органлари ходимлари, тадбиркорлик субъектлари, хориждаги ватандошлар ва чет эллик мутахассислардан иборат таркибда Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурида Маслаҳатлашув кенгаши ташкил қилинади;
  - (б) 2025 йил якунига қадар сунъий интеллект йўналишида амалга оширилаётган лойиҳалар, дастурлар, стартаплар ва бепул онлайн курслар ҳақидаги маълумотларни акс эттирувчи «ai.gov.uz» миллий портали ишга туширилади. Бунда портални яратиш, қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва унинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш марказига (кейинги ўринларда — Марказ) юкланади;
  - (в) олий таълим ва илмий ташкилотлар ҳамда стартапларга уларнинг

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 27 октябрда эълон қилинган.

ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари учун график ишлов бериш блоклари (GPU кластер) ва «катта маълумотлар» базаларидаги маълумотлардан Марказ томонидан белгиланадиган ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда бепул ёки имтиёзли равишда фойдаланиш йўлга қўйилади;

(г) Марказ мазкур Фармонга мувофиқ Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратилаётган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳаларнинг буюртмачиси ва уларнинг амалиётга жорий этилиши учун масъул орган ҳисобланади.

3. 2026 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

(а) сунъий интеллект технологияларини жорий этишни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва техник топшириқларнинг лойиҳалари Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги билан мажбурий тартибда келишилади;

(б) сунъий интеллект технологияларини криптоактивлар айланмаси, электрон тижорат, суғурта ва қимматли қоғозлар соҳаларида ҳамда блокчейн асосида фаолият юритадиган ахборот тизимларида жорий этиш тартиб-таомиллари Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан белгиланади.

4. Белгилансинки:

(а) 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(i) ёшларнинг сунъий интеллект технологияларига қизиқишини янада ошириш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун «Сунъий интеллект йўналишида энг яхши стартап» (President AI Award) танлови ўтказилади;

(ii) давлат органлари, устав фонди (устав капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари (кейинги ўринларда — давлат органлари ва хўжалик жамиятлари) ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг рақамли трансформация ҳолатини баҳолашда сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш кўрсаткичлари инobatга олинади;

(б) рейтинг натижасига асосан 2026 йил 1 мартдан бошлаб йилига икки маротаба энг яхши сунъий интеллект лойиҳаларини жорий этган вазирлик ва идоралар ўртасида «Сунъий интеллект бўйича энг яхши лойиҳа» танлови ўтказилади.

5. Рақамли технологиялар вазирлигининг сунъий интеллектни ривожлантириш соҳасида қўйидаги вазифаларни бажариш мақсадида «Сунъий интеллект альянси» нодавлат нотижорат ташкилоти (кейинги ўринларда — Альянс)ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

(а) давлат органлари, хусусий сектор ва илмий жамоатчиликнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш;

(б) вазирлик, идора ва ҳокимликлар, етакчи халқаро илмий-тадқиқот марказлари ва акселераторлар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

(в) махсус медиаконтент яратиш ва халқаро PR-кампаниялар ўтказиш, кенг қўламли тушунтириш ишларини олиб бориш;

(г) маҳаллий ташкилотлар ва мутахассисларнинг халқаро кўргазмалар, форумлар ва конференциялардаги иштирокига кўмаклашиш;

(д) халқаро экспертлар, инвесторлар ва тадбиркорларни жалб этган ҳолда маърузалар ва маҳорат дарслари ташкил этиш.

6. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 2026 йилдан бошлаб Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасига Рақамли технологиялар вазирлигининг сўровларига мувофиқ 100 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағларнинг қўйидаги тақсимот асосида ажратилишини таъминласин:

(а) 90 миллион АҚШ доллари 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга фоизсиз кредит сифатида қўйидаги мақсадларга ажратилади:

(i) сунъий интеллект инфратузилмасини ривожлантириш;

(ii) сунъий интеллект йўналишидаги лойиҳаларни амалга ошириш;

(б) 10 миллион АҚШ доллари бегараз асосда қўйидаги мақсадларга ажратилади:

(i) сунъий интеллект йўналишида малакали кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчи-педагогларнинг малакасини ошириш;

(ii) танловлар ва ҳакатонларни ўтказиш;

(iii) Альянс фаолиятини йўлга қўйиш ва қўллаб-қувватлаш.

7. Белгилансинки:

(а) Фармоннинг 6-бандида назарда тутилган маблағлар «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштириш комиссияси) томонидан тақсимланади;

(б) Фармоннинг 6-банди «а» кичик бандида назарда тутилган маблағлар:

(i) Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади;

(ii) Рақамли технологиялар вазирлиги тизимидаги ташкилотлар ва улар иштирокидаги корхоналар, шунингдек, республика олий таълим ташкилотлари ўртасида танлов ўтказиш орқали сунъий интеллект йўналишидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтирилади.

### **III. Сунъий интеллект лойиҳаларини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш**

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

(а) Қорақалпоғистон Республикасида қиймати 100 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган сунъий интеллект инфратузилмасини яратиш лойиҳалари бўйича инвесторларга 1-иловага\* мувофиқ имтиёз ва преференциялар махсус пакети тақдим этилади;

(б) 2026 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва хўжалик жамиятларига график процессорларни ишлаб чиқарувчи компанияларнинг расмий дистрибьюторлари орқали тўғридан-тўғри харид қилишга рухсат этилади;

(в) 2026 йил 1 июндан бошлаб сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар)ни жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича давлат харидларини:

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(i) Рақамли технологиялар вазирлиги, Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ юритилувчи реестрга киритилган тадбиркорлик субъектлари билан;

(ii) умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 2,5 минг баробаридан ошмаган шартномалар доирасида тўғридан-тўғри шартнома асосида амалга оширишга рухсат этилади.

9. Ёшларнинг сунъий интеллект технологияларига қизиқишини ошириш ва стартап экотизимини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида «Умуммиллий сунъий интеллект ҳакатони» (кейинги ўринларда — Ҳакатон)ни ўтказиш йўлга қўйилсин. Бунда:

(а) Ҳакатон соғлиқни сақлаш, таълим, суд тизими, сув хўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантириш йўналишларида Альянс томонидан ўтказилади;

(б) Ҳакатонни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан беғараз асосда Рақамли технологиялар вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан тенг улушларда жами 50 миллиард сўмгача миқдорда қопланади;

(в) Ҳакатонда ғолиб бўлган ёшларнинг истиқболли стартап лойиҳаларига Ёшлар ишлари агентлигининг «Yoshlar ventures» венчур жамғармаси ҳисобидан инвестиция маблағлари ажратилади;

(г) Ҳакатон иштирокчиларини рўйхатга олиш, жамоаларни шакллантириш ва уларнинг рейтингини юритиш ҳамда Ҳакатон йўналишлари ва босқичлари ҳақида маълумотларни эълон қилиш Рақамли технологиялар вазирлигининг Стартап лойиҳалар экотизими платформаси орқали амалга оширилади.

10. Рақамли технологиялар вазирлиги:

(а) 2026 йил 1 мартга қадар сунъий интеллектни қўллаган ҳолда об-ҳавони олдиндан прогноз қилиш тизимини жорий қилсин ҳамда ушбу тизимни фавқулодда вазиятлар, транспорт ва энергетика йўналишларида қўллаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

(б) 2026 йил якунига қадар камида 15 миллиард параметрни ўз ичига олган «Ўзбек тили корпуси» яратилишини ҳамда унинг камида 5 та очиқ катта тил моделларига жорий этилишини таъминласин.

11. Мувофиқлаштириш комиссияси бир ой муддатда соҳа ва тармоқларда сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш бўйича лойиҳалар рўйхатини тасдиқласин. Бунда:

(а) лойиҳалар «соҳа ва тармоқлар — таълим ва илм-фан» занжири асосида амалга оширилади;

(б) лойиҳалар рўйхати соҳалардаги хавф-хатарлар даражасидан келиб чиқиб, давлат органлари ва хўжалик жамиятлари фаолиятида мавжуд муаммоларни сунъий интеллектга асосланган ечимлар орқали ҳал этиш асосида шакллантирилади;

(в) лойиҳани амалга ошириш учун ажратилган маблағлар давлат органлари ва хўжалик жамиятлари томонидан лойиҳалар жорий этилгандан сўнг

беш йил давомида тўлиқ миқдорда Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасига қайтарилади;

(г) лойиҳаларнинг ўз муддатида ва сифатли жорий этилиши постмониторинги Марказ томонидан амалга оширилади;

(д) Мувофиқлаштириш комиссияси томонидан лойиҳаларнинг жорий ҳолати ва самарадорлик кўрсаткичларига эришилиши ҳар йили камида икки мартаба муҳокама қилиб борилади.

#### **IV. Малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш**

12. Қуйидагиларни назарда тутувчи сунъий интеллект технологиялари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ҳамда ёшларнинг ушбу йўналишга қизиқишини оширишга қаратилган чора-тадбирлар режаси 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин:

(а) умумий ўрта таълим ташкилотларининг ўқувчиларини сунъий интеллект бўйича ўқитиш, билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган «Сунъий интеллект куни» миллий дастурини жорий этиш ҳамда дастур доирасида ўқувчилар дарсликлари ва ўқитувчилар учун қўлланмалар ишлаб чиқиш;

(б) 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб «Информатика ва ахборот технологиялари» бўйича мактаб дастурларига сунъий интеллект асослари ва базавий кўникмаларини ўқитишга оид мавзуларни киритиш;

(в) «Бир миллион дастурчи» лойиҳасининг узвий давоми бўлган «Бир миллион сунъий интеллект етакчилари» лойиҳасини кенгайтириш ва йил якунлари бўйича энг юқори натижа кўрсатган ёшлар, ўқитувчилар ҳамда таълим ташкилотларини тақдирлаш бўйича миллий танлов ўтказиш;

(г) 2026 йил январь ойидан бошлаб «Янги Ўзбекистон» университетида сунъий интеллект бўйича тренер-ўқитувчиларни тайёрлаш ҳамда тренер-ўқитувчилар томонидан умумий ўрта таълим ва олий таълим ташкилотларининг педагогларини каскад усулида ўқитиш;

(д) 2026/2027 ўқув йилида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган ахборот технологиялари ва сунъий интеллект соҳалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун олий таълим ташкилотларига ажратилган давлат гранти квоталарини 35 фоизга ошириш;

(ж) давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг рақамлаштиришга масъул раҳбар ўринбосари ва ходимларининг сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш.

13. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги 2026 йил 1 мартга қадар «Янги Ўзбекистон» университети базасида ҳомийлик маблағлари ҳисобидан «Сунъий интеллект кластери»ни ташкил қилсин. Бунда:

(а) кластер фаолияти «Университет — саноат — халқаро ҳамкор» тамоёили асосида йўлга қўйилади;

(б) кластерда сунъий интеллект, катта маълумотлар ва ҳисоблаш тех-

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нологиялари йўналишларида инновациялар ва илмий тадқиқотлар орқали соҳадаги етук кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг ишланмаларини тижоратлаштириш йўлга қўйилади.

14. Қуйидагилар:

(а) «Ўзбек тили корпуси» лойиҳасини амалга ошириш учун Рақамли технологиялар вазирлигига ўзбек тилидаги материалларни тақдим этадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхати 3-иловага мувофиқ;

(б) Сунъий интеллект лабораториялари ташкил этиладиган олий таълим ташкилотлари рўйхати 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

15. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда:

(а) 2026 йил 1 майга қадар олий таълим ташкилотлари, шу жумладан, нуфузли хорижий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда сунъий интеллект бўйича таълим дастурларини такомиллаштирсин;

(б) 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб «Янги Ўзбекистон» университетида халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингида юқори 300 талик рўйхатга кирган хорижий таълим ташкилоти билан ҳамкорликда сунъий интеллект бўйича қўшма таълим дастурини йўлга қўйсин.

## **V. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларида рақамли технологиялар ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга масъул бўлган маслаҳатчи лавозими киритилсин. Бунда:

(а) маслаҳатчи лавозимига номзодлар Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан хорижий ва ватандош мутахассислар орасидан тавсия этилади;

(б) маслаҳатчининг иш ҳақини меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда белгилашга рухсат этилади;

(в) қўшимча штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 4 октябрдаги ПФ–178-сон Фармонига мувофиқ республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини рақамлаштириш ҳисобига мақбуллаштириладиган бошқарув штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади.

17. Рақамли технологиялар вазирлиги:

(а) Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Сунъий интеллект бўйича халқаро ҳамкорлик дастурига қўшилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

(б) «Эл-юрт умиди» жамғармаси билан ҳамкорликда икки ой муддатда Марказга камида 10 нафар хорижий олий таълим ташкилотларида сунъий интеллект йўналишида таҳсил олган юқори малакали мутахассисларни жалб қилсин;

(в) 2025 йил якунига қадар давлат органлари ва хўжалик жамиятлари

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фаолиятида сунъий интеллект технологияларидан самарали ҳамда хавфсиз фойдаланиш бўйича методик тавсияларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(г) уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасида сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва фойдаланиш бўйича тамойиллар ҳамда хавфсизлик ва этика меъёрларини тасдиқласин;

(д) Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратилаётган 100 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағлар Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасида алоҳида ҳисобрақам ташкил этган ҳолда юритилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов, мактабгача ва мактаб таълими вазири Э.Г. Каримова ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов белгилансин.

20. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 22 октябрь,  
ПФ–189-сон

---

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 22 октябрдаги  
ПФ–189-сон Фармонига  
3-ИЛОВА

**«Ўзбек тили корпуси» лойиҳасини амалга ошириш учун  
Рақамли технологиялар вазирлигига ўзбек тилидаги  
материалларни тақдим этадиган давлат  
органлари ва ташкилотлари  
РЎЙХАТИ**

1. Адлия вазирлиги
2. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
3. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
4. Фанлар академияси
5. Миллий статистика қўмитаси
6. «Ўзархив» агентлиги
7. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги
9. Ёшлар ишлари агентлиги
10. Олий аттестация комиссияси
11. Ўзбекистон миллий кутубхонаси
12. Давлат органлари тизимидаги газета ва журналлар таҳририяти

*Изоҳ:*

1) «Ўзбек тили корпуси» лойиҳаси доирасида материаллар давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Рақамли технологиялар вазирлигига электрон шаклда ёки ўз маълумотлар базаларига интеграция қилиш орқали бепул тақдим этилади;

2) ҳар бир ташкилот ўзбек тилидаги (кирилл, лотин ва аралаш ёзув) камида 5 миллиард сўзни ўз ичига олган матнли ҳужжатларни тақдим этиши лозим;

3) маълумотлар исталган матнли ҳужжатлар ва уларга илова қилинган метамаълумотларни иборат бўлиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**652** Давлат тилини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, таълим ташкилотларида ўзбек тилини ўқитиш тизимини такомиллаштириш, унинг софлигини сақлаш ва мунтазам бойитиб бориш, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш, халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини кенгайтириш мақсадида **қарор қиламан:**

**I. Асосий мақсадлар**

1. Қуйидагилар давлат тилини янада ривожлантиришнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишга эришиш;

(б) таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш;

(в) давлат тилининг софлигини сақлаш ва унинг луғат бойлигини мунтазам ошириб бориш;

(г) давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш, бу борада сунъий интеллект имкониятларидан унумли фойдаланиш;

(д) давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

(ж) мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар вакиллари ҳамда хориждаги ватандошларимизнинг давлат тилини ўрганиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

**II. Республикада давлат тили имкониятларидан самарали фойдаланишга эришиш**

2. 2020 — 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2025-2026 йилларда амалга ошириш дастури иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2026 йил 1 январдан бошлаб республика даражасидаги давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларининг марказий аппаратларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликларида бошқарув ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони доирасида раҳбарнинг маънавият ва давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилсин.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 октябрда эълон қилинган.

\*\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда 2026 йилдан бошлаб:

(а) таълим қардош тилларда олиб бориладиган умумий ўрта таълим ташкилотлари учун ўзбек тилини ўргатиш бўйича дарсликларнинг даврийлиги асосида янги авлодини яратсин;

(б) мактабгача таълим ташкилотларида ўзбек тилини ўргатиш бўйича педагоглар учун ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқсин;

(в) мактабгача таълим ёшидаги болалар учун «Менинг илк изоҳли луғатчам» расмли луғат китобини яратсин;

(г) болаларга ўзбек тилини ўргатиш бўйича замонавий анимацион видео ва аудио маҳсулотлар ишлаб чиқилишини ташкил этсин.

5. Фанлар академияси:

(а) 2026 йил 1 июнга қадар кўп жилдли «Ўзбекистон миллий қомуси»ни электрон шаклда тайёрлаш ва эълон қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(б) 2026 йил 1 декабрга қадар «Она тили. Қомус» китобининг нашрга тайёрланиши ва чоп этилишини таъминласин.

6. Давлат тилининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш борасида:

(а) Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Фанлар академияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2026 йил 1 майга қадар ўзбек тилини сунъий интеллект ёрдамида қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган платформа ишлаб чиқиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(б) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги 2025 йил 1 декабрга қадар:

(i) янги қабул қилинаётган атамалар бўйича жамоатчилик муҳокамасида билдирилган таклиф, фикр ва тавсияларни қайд этиб боровчи;

(ii) тасдиқланган янги сўз ва атамаларни ўзида акс эттирадиган электрон реестрни юритувчи;

(iii) ўзбек тилида чоп этилган соҳавий, изоҳли ва имло луғатларини ўзида жамлаш ва фойдаланиш учун мўлжалланган электрон платформани яратиш бўйича илмий лойиҳага танлов эълон қилсин.

### **III. Давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ҳамда илм-фан тили сифатида нуфузини ошириш**

7. Ҳар йили октябрь ойида:

(а) Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси ўзбек тилининг дунё тиллари ўртасида тутган ўрни ва халқаро нуфузини оширишга қаратилган халқаро илмий-амалий конференцияни;

(б) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган чет эллик талабалар ўртасида:

(i) ўзбек тили бўйича республика олимпиадасини;

(ii) «Ўзбек тили — қалбим таржимони» кўрик-танловини юқори савияда ташкил этсин;

(в) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзбек тилини ривожлантиришга қаратилган энг яхши илмий, ижодий, амалий ишларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Жонажон ўзбек тили» танловини;

(г) Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари вазирлик ва идоралар билан биргаликда умуммиллий диктант лойиҳасини;

(д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда вазирлик ва идоралар 21 октябрь Ўзбек тили байрами кунига бағишланган маданий-маърифий, адабий тадбирлар, янги китоблар тақдимотларини;

(ж) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги:

(i) умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўзбек тили мавзусида иншолар танловини;

(ii) ўзбек тили фани ўқитувчилари ўртасида «Йилнинг энг яхши ўзбек тили ўқитувчиси» республика танловини ўтказсин.

8. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, «Ватандошлар» жамоат фонди билан биргаликда ҳар йили Алишер Навоий номидаги халқаро ўзбек тили олимпиадасини ўтказиб борсин. Бунда олимпиада ғолибларини республика олий таълим муассасаларининг «филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили ва адабиёти» таълим йўналишига умумий қабул квотасидан ташқари давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш йўлга қўйилсин.

9. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда унинг ҳудудий бўлинмаларида мамлакатимиздаги олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эллик талабаларни улар ўқиётган олий таълим ташкилотлари маблағлари ҳисобидан ўзбек тилига бепул ўқитиш курсларини ташкил этсин.

10. Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича кўмита:

(а) 2026 йил давомида ўз маблағлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказлар вакиллари учун ўзбек тилига ўқитиш курсларини кенгайтириш;

(б) Ташқи ишлар вазирлиги, «Ватандошлар» жамоат фонди ва манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Ватандошлар» жамоат фонди маблағлари ҳисобидан хорижий давлатлардаги ўзбек диаспора ташкилотлари ҳузурида ватандошларнинг фарзандларига ўзбек тилини ўргатишга ихтисос-

лашган ўқув марказлари ташкил этишга кўмаклашиш, уларни зарур ўқув қўлланмалари, дарсликлар ва адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

11. Ёшлар ишлари агентлиги уч ой муддатда ўзбек тилини бошқа миллат ва элатлар вакиллари, хориждаги ватандошларнинг фарзандларини, ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқароларини ўқитиш мақсадида «Ибрат фарзандлари» лойиҳаси билан ҳамкорликда алоҳида сунъий интеллект ёрдамида ўзбек тилини ўргатиш модулини ишга туширсин. Бунда ўзбек модулини яратиш учун харажатлар Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан амалга оширилиши назарда тутилсин.

#### **IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

12. Адлия вазирлиги уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб вазирликлар ва идоралар раҳбарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 20 октябрь,  
ПҚ–308-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**653** Республиканинг олис ҳудудларида алоқа қамровини  
оширишда йўлдош алоқа технологияларини жорий этиш  
чора-тадбирлари тўғрисида\*

Республикада рақамли инфратузилмани жадал ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқ ҳудудлари ўртасидаги рақамли тафовутни қисқартириш, олис ҳудудларда алоқа хизматлари қамровини кенгайтириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белги-ланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

**I. Устувор йўналишлар**

1. Йўлдош алоқа технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) ўрта ва паст орбитали йўлдош алоқа тизимларини жорий этиш ва фойдаланишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини яратиш;

(б) олис ҳудудлар ва ер усти тармоқлари қамровидан ташқари ҳудудларда телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун қулай шароитлар яратиш;

(в) йўлдош алоқа орқали тармоқлар ишончилигини ва фавқулодда ҳолатларда захирали алоқани таъминлаш;

(г) йўлдош алоқа тизимларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий-техник асосларини белгилаш.

**II. Асосий талаблар**

2. Йўлдош алоқа тизимини жорий этиш ва йўлдош интернет хизматларини кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида телекоммуникациялар соҳасида лицензияланадиган фаолият турлари этиб белгилансин.

3. Йўлдош алоқа тизимини жорий этиш фаолиятининг асосий талаблари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) радиочастота ажратилиши ва радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш учун рухсатномаларни расмийлаштириш;

(б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ташкил этиш ёки маҳаллий телекоммуникация оператори билан ҳамкорлик қилиш;

(в) марказий ер станцияси (Gateway)ни мамлакат ҳудудида қуриш ва ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этиш;

(г) фойдаланувчи маълумотларини республика ҳудудида сақлаш.

**III. Ер участкалари ва инфратузилма**

4. Белгилансинки, йўлдош алоқа инфратузилмаси (марказий ер

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 23 октябрда эълон қилинган.

станциялари, терминаллар ва йўлдош алоқа инфратузилмасининг бошқа актив қурилмалари)ни жойлаштиришда телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун ижара шартномаларини расмийлаштириш тартиби татбиқ этилади.

#### IV. Имтиёзлар ва преференциялар

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2026 йил 1 январдан бошлаб 5 йил муддатга ўрта ва паст орбитали йўлдош алоқа тармоқларини Ўзбекистон худудида марказий ер станцияси орқали ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган лойиҳалар доирасида:

(а) телекоммуникация операторларининг йўлдош алоқа тармоқларига тегишли қурилмалар, дастурий маҳсулотлар, эҳтиёт ва бутловчи қисмларни сотиб олиш ва уларга хизматлар кўрсатиш йўлдош алоқа қурилмалари ишлаб чиқарувчилар ва (ёки) етказиб берувчилар билан тендер (танлов) савдоларини ўтказмасдан музокаралар асосида тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали амалга оширилади;

(б) импорт қилинадиган қурилмалар, дастурий маҳсулотлар, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан озод қилинади (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно);

(в) телекоммуникация операторлари ўрта ва паст орбитали йўлдош алоқа тармоқлари томонидан радиочастота спектридан фойдаланганлик учун тўловлардан озод қилинади (ҳаракатдаги йўлдош алоқа тармоғида йўлдошдан бевосита якуний фойдаланувчи қурилмасига (Direct-to-Device) ҳамда йўлдошдан бевосита мобил алоқа терминалига (Direct-to-Cellular) тўғридан-тўғри уланишларни, шунингдек, автомобиль ва поездларда ҳаракатдаги ер станцияси (ESIM) тизимларини ташкил қилиш билан боғлиқ тўловлар бундан мустасно);

(г) йўлдош алоқа тармоқлари операторлари томонидан йўлдош алоқа тизими орқали кўрсатилган хизматлар қўшилган қиймат солиғидан озод этилади;

(д) марказий ер станциялари, терминаллар ва йўлдош алоқа инфратузилмасининг бошқа актив қурилмалари жойлаштирилган телекоммуникация иншоотлари ва уларнинг ер майдонлари мол-мулк солиғи ва ер солиғидан озод этилади;

(ж) йўлдош алоқа тармоқлари операторлари яратилган йўлдош алоқа тизими орқали кўрсатган хизматлари учун фойда солиғидан озод қилинади.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси ва Рақамли технологиялар вазирлиги уч ой муддатда мазкур қарорнинг 5-бандидан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

#### V. Ташкилий тадбирлар

7. 2030 йил 31 декабрга қадар йўлдош алоқа тармоқларига эга телекоммуникация операторларига йўлдош алоқа хизматларини жорий этиш бўйича

телекоммуникациялар соҳасида лицензия олган санадан бошлаб 6 ой муддатга қуйидагиларга рухсат берилсин:

(а) марказий ер станциялари ва терминал майдонлари бўйича лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишларини «fast-track» усули билан амалга ошириш;

(б) мазкур қарорнинг 3-банди «б» — «г» кичик бандлари талабларини бажариш шarti билан радиоэлектрон воситаларни сотиб олиш, ўрнатиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва фойдаланиш учун рухсатномаларни ҳамда телекоммуникация воситалари ва иншоотларини фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини ва улардан фойдаланишга доир рухсатномани расмийлаштириш билан бир вақтда телекоммуникация хизматларини кўрсатиш.

## **VI. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

8. Рақамли технологиялар вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарор ижросини мониторинг қилиб бориш қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

(а) Рақамли технологиялар вазирлиги ҳар йили 15 февралга қадар қарор ижросини мониторингдан ўтказсин ҳамда мониторинг натижаларини Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига киритиб борсин;

(б) Ҳисоб палатаси Адлия вазирлиги билан биргаликда мониторинг режаси асосида қарор ижросини назорат қилсин ҳамда ҳар йили 25 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

11. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 21 октябрь,  
ПҚ–313-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**654 Касбий таълим тизимида ислоҳотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 23 октябрдаги «Касбий таълим тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–190-сон Фармони ижросини таъминлаш, касбий таълимда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, иш берувчилар билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда жамиятда касбий таълимнинг нуфузини оширишга қаратилган ислоҳотларни изчил амалга ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

**I. Мақсадли кўрсаткичлар**

1. Қуйидагилар касбий таълим тизимини 2030 йилга қадар ислоҳ қилишнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгилансин:

(а) халқаро ва қўшма таълим дастурлари жорий этилган техникумлар сонини камида 250 тага етказиш;

(б) 9-синф битирувчиларининг касбий таълим билан қамровини амалдаги 29 фоиздан 50 фоизга етказиш;

(в) касбий таълим тизимида дуал таълим улушини амалдаги 9 фоиздан 40 фоизга етказиш;

(г) касбий сертификатга эга ишлаб чиқариш таълими усталари улушини 30 фоизга етказиш;

(д) хорижда малака ошириш ва стажировка ўташ дастурларида иштирок этган педагоглар сонини 100 нафардан 2 500 нафарга етказиш.

**II. Касбий таълимни оммалаштириш**

2. Белгилансинки, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг қуйидаги тартиби жорий этилади:

(а) «Атрофимиздаги касблар» дастури асосида мактабгача таълим ташкилотларида 5 ёшдан бошлаб болаларда ўйинлар орқали турли касблар ҳақида илк тасаввурлар шакллантирилади;

(б) «Касблар алифбоси» дастури асосида умумий ўрта таълим ташкилотларининг 1 — 4-синф ўқувчиларига турли касблар аҳамияти ҳақида тушунчалар берилди ва уларнинг дастлабки касбий қизиқишлари ривожлантирилади;

(в) «Касблар олами» дастури асосида 5-6-синф ўқувчиларининг касбий фаолият ва меҳнат соҳаларига қизиқишлари ривожлантирилади ва келажакдаги касбий танловга тайёргарликнинг асоси яратилади;

(г) «Менинг келажакдаги касбим» дастури асосида мактаб маслаҳатчилари томонидан 7 — 9-синф ўқувчиларининг касбий қизиқишлари, қобилият-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 28 октябрда эълон қилинган.

лари ва иқтидорлари аниқланиб, уларни академик таълим ёки касб-хунарга йўналтириш ишлари ташкил этилади. Бунда:

(i) ўқувчиларга видеороликлар намойиши, корхоналарга экскурсияга олиб бориш ва касб эгалари билан учрашувлар ташкил этиш орқали касблар ҳақида тўлиқроқ маълумотлар берилади;

(ii) мактаб психологлари билан биргаликда 7-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг қизиқишлари, қобилиятлари, шахсий хусусиятлари ва темпераменти асосида касбга қизиқиши аниқланади;

(iii) ўқувчиларнинг касбга қизиқишига оид маълумотлар асосида ҳар бир ўқувчи учун шахсий касбга йўналтириш тавсияси ишлаб чиқилади ҳамда бу масала ўқувчиларнинг ота-онаси билан муҳокама қилинади;

(iv) 2028 йилдан бошлаб техникумга йўналтириш 9-синф якуни бўйича ўтказиладиган имтиҳон натижасига кўра амалга оширилади;

(д) мактабнинг 10-синф ўқувчиларига ўқишини техникумларга кўчиришга рухсат берилади.

3. 2026 йилдан бошлаб 5 май куни «Касб ва меҳнат куни» сифатида ҳар йили кенг нишонлансин ҳамда унинг доирасида жамоатчилик, айниқса, ёшлар орасида касблар жозибадорлигини ошириш ва касбий таълимни ом-малаштиришга қаратилган тадбирлар тизимли равишда амалга оширилсин.

### III. Касбий таълим мазмуни ва сифатини ошириш

4. Техникумлар педагоглари малакасини оширишнинг шундай тартиби ўрнатилсинки, унга кўра:

(а) умумтаълим фанлари ўқитувчиларининг малакаси А. Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институти ва ҳудудий педагогик маҳорат марказларида оширилади;

(б) махсус фан ўқитувчиларининг малакаси етакчи олий таълим ташкилотларида оширилади. Бунда малака ошириш режаси олий таълим ташкилоти имконияти ва салоҳиятидан келиб чиқиб Касбий таълим агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан тасдиқланади;

(в) ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакаси ҳудудий илғор касбий маҳорат техникумлари ва белгиланган тартибда тегишли соҳа бўйича малака ошириш фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига эга ташкилотларда оширилади;

(г) ҳар йили малака ошириш жараёнида энг яхши натижа кўрсатган 50 нафардан ишлаб чиқариш таълими устаси, умумтаълим фанлари ва махсус фан ўқитувчилари малакасини ошириш учун Касбий таълимни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан хорижга юборилади.

5. Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш самарадорлигини ошириш бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан:

(а) техникумларда бир нафар ишлаб чиқариш таълими устасига тўғри келадиган ўқувчилар сони нисбатининг чекланган нормативи 1:20 нисбатда белгиланади. Бунда ушбу тизим:

(i) 2026/2027 ўқув йилида Агентлик томонидан танланадиган 50 та техникумда;

(ii) 2027/2028 ўқув йилида қолган барча техникумларда жорий этилади;

(б) 2026 йил 1 январдан бошлаб ишлаб чиқариш таълими устаси штат бирликлари учун ажратиладиган иш ҳақи фондини ҳисоблашда ишлаб чиқариш таълими устаси базавий тариф ставкаси умумий ўрта таълим ташкилоти биринчи малака тоифали ўқитувчисининг базавий тариф ставкасига тенг миқдорларда олинади;

(в) техникум директорига ишлаб чиқариш таълими устаси штат бирликлари учун ажратилган иш ҳақи фонди доирасида:

(i) ишлаб чиқариш таълими устаси штат бирликлари сонини тасдиқлаш;

(ii) меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, умумий ўрта таълим ташкилоти биринчи малака тоифали ўқитувчисининг тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик устама ва қўшимчаларни мустақил белгилаш ҳуқуқи берилади. Бунда бир нафар ходимнинг ойлик иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 15 бараваригача белгиланишига рухсат берилади.

6. Белгилансинки:

(а) 2028 йилдан бошлаб касбий таълим дастурларининг сифати ҳар йили Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги томонидан танлов асосида қуйидаги тартибда ўрганилади:

(i) иш берувчилар, техникум ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари, шунингдек, педагог ходимлар ўртасида сўровномалар ўтказиш;

(ii) қонунчилик ҳужжатлари асосида ўтказилган давлат аккредитацияси натижаларини таҳлил қилиш;

(iii) таълим дастурларининг ички ва ташқи меҳнат бозори талабларига мослигини ўрганиш.

(б) Касбий таълимни ривожлантириш институти (кейинги ўринларда — Институт) фаолияти касбий таълим тизими ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаси асосида трансформация қилинади. Бунда:

(i) барча касбий таълим дастурлари босқичма-босқич халқаро стандартлар асосида янгидан ишлаб чиқилади;

(ii) таълим контентлари (ўқув қўлланмалар, рақамли таълим ресурслари, дидактик материаллар) янгиланган дастурлар асосида яратилади;

(iii) Институтда директорнинг таълим мазмунини таъминлаш бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилади ва унга хорижий мутахассис жалб этилади;

(в) Институтга қуйидаги йўналишларга оид вазифаларни самарали бажариш учун халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг экспертларини Касбий таълимни ривожлантириш жамғармаси ҳамда бошқа халқаро грантлар ҳисобидан тўғридан-тўғри шартномалар асосида жалб қилиш ҳуқуқи берилади:

(i) маҳаллий ва хорижий меҳнат бозорларида касбларга бўлган эҳтиёжларни таҳлил қилиш;

(ii) касб эгаллашнинг замонавий технологияларини ва халқаро илғор

тажрибаларни ҳамда уларни миллий касбий таълим тизимига татбиқ қилиш имкониятларини ўрганиш;

(iii) халқаро таълим дастурлари асосида касбий таълим дастурларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш.

#### IV. Дуал таълимни ривожлантириш

7. Белгилансинки:

(а) 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчиларга махсус платформа орқали стипендия тўлаш йўлга қўйилади. Бунда:

(i) ҳар ойлик стипендия базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида тўланади;

(ii) стипендия техникумларга дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг сонига нисбатан Агентлик томонидан ажратилади;

(iii) иш берувчи томонидан ўқувчининг касбий кўникмаларни ўзлаштириши ва интизоми қониқарсиз баҳоланган тақдирда, стипендияни тўлаш тўхта-тилади. Бунда дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчиларга стипендия тўлаш билан боғлиқ харажатлар ўқувчиларнинг амалиёт ўташ харажатлари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади;

(б) ўқувчининг дуал таълим шаклида таҳсил олган даври унинг умумий меҳнат стажини ҳисоблашда инобатга олинади.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

(а) давлат харидларида иштирокчилар таклифларини баҳолашда техникум томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларга нисбатан 15 фоиз миқдорида преференция берилади;

(б) давлат органлари ва ташкилотларига қўйидаги фаолият йўналишларини техникумларни жалб этган ҳолда аутсорсинг асосида ташкил этишга рухсат берилади:

(i) компьютер техникаларига хизмат кўрсатиш;

(ii) иситиш ва совутиш, электр энергияси тизимларига хизмат кўрсатиш;

(iii) автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш;

(iv) оммавий ахборот воситаларида тарғибот ишларини амалга ошириш;

(v) Агентлик билан келишган ҳолда буюртмачилар таклифи асосида ташкил этиладиган бошқа йўналишлар.

9. Белгилансинки, техникумлар билан дуал таълим дастурларини ташкил этган иш берувчиларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги ПҚ–61-сон қарори билан ажратилган маблағлар доирасида 2 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга 5 миллиард сўмгача йиллик Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада кредит берилади. Бунда:

(а) имтиёзли кредит ҳар бир миллиард сўм қийматгача бўлган маблағ учун камида 5 нафар ўқувчини икки ўқув йиллик дуал таълим дастури асосида жалб этиш ва камида 1 нафар битирувчини бир йил давомида иш билан таъминлаш шarti билан ажратилади;

(б) имтиёзли кредит ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги

лойиҳаларга асосий воситалар сотиб олиш ҳамда айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилади;

(в) имтиёзли кредит олиш учун асос бўлган ушбу банднинг «а» кичик бандидаги шартларга иш берувчи томонидан амал қилинмаган тақдирда, кредит фоизи тижорат ставкасига ўзгартирилади.

## **V. Худудларда илғор касбий маҳорат техникумларини ташкил этиш**

10. Агентлик тизимида 1-иловага\* мувофиқ илғор касбий маҳорат техникумлари ташкил этилсин.

11. Белгилаб қўйилсинки:

(а) илғор касбий маҳорат техникумлари худудларнинг ўрта бўғин кадрларига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, замонавий лаборатория (устахона) жиҳозлари билан таъминланади ҳамда худуддаги бошқа техникумлар учун етакчи амалиёт базаси ҳисобланади;

(б) илғор касбий маҳорат техникумларида ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакаси оширилади. Бунда ишлаб чиқариш таълими усталари малакаси илғор касбий маҳорат техникумларининг жорий фаолияти доирасида оширилади;

(в) илғор касбий маҳорат техникумларидаги малака ошириш курслари Институт томонидан ташкил этилади;

(г) ўқиш даврида амалий машғулотларни илғор касбий маҳорат техникумларида ўтайдиган бошқа техникум ўқувчилари бепул ётоқхона, озиқ-овқат ва транспорт билан таъминланади. Бунда ўқувчиларни бир кунлик озиқ-овқат билан таъминлаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдорида маблағ ажратилади, транспорт хизмати кўрсатиш аутсорсинг асосида амалга оширилади;

(д) илғор касбий маҳорат техникумлари фаолиятини молиялаштириш ҳамда ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари ва миқдорлари Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ижод мактаблари учун белгиланган шартларда амалга оширилади;

(ж) илғор касбий маҳорат техникумлари биноларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари 2-иловага\* мувофиқ 2026-2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида молиялаштирилади.

## **VI. Техникумларда таълим сифатини таъминлаш**

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

(а) техникумлар Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги томонидан юритиладиган миллий рейтинг натижалари асосида рағбатлантирилади. Бунда:

(i) миллий рейтинг 2026 йилдан бошлаб ҳар ўқув йили якуни бўйича

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

юритилади ҳамда унда битирувчилар бандлиги кўрсаткичига устуворлик берилади;

(ii) миллий рейтингда энг юқори ўринни эгаллаган 50 та техникумнинг ҳар бири базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 000 баравари миқдорида рағбатлантирилади;

(б) рағбатлантириш тўлови сифатида ажратилган маблағларни қуйидаги мақсадлар учун йўналтиришга рухсат берилади:

(i) 80 фоизи моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, зарур жиҳозларни харид қилиш, лаборатория ва устахоналар барпо этиш;

(ii) 20 фоизи техникум педагогик кенгаши қарорига мувофиқ раҳбар ва ходимларни моддий рағбатлантириш, шу жумладан, уларга устама тўловларни тайинлаш, ходимларни малака ошириш ва тажриба алмашиш учун хорижга юбориш.

13. 2026 йилдан бошлаб ҳар йили техникумлар ўқувчилари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Касбий маҳорат миллий танлови» (кейинги ўринларда — Танлов) ўтказилсин.

14. Белгилансинки:

(а) Танлов касб бўйича халқаро мусобақалар мезонлари асосида Агентлик томонидан ташкил этилади;

(б) Танловни ўтказиш ва ғолибларни рағбатлантириш 3-иловага\* мувофиқ амалга оширилади.

## **VII. Касбий таълим тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш**

15. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

(а) 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб техникумларни сақлаш харажатлари Давлат бюджети ва тўлов-контракт ҳисобидан шаклланган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Бунда:

(i) 9-синфни тамомлаган битирувчилар орасидан ўқишга қабул қилинган ўқувчилар тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан;

(ii) умумий ўрта маълумотга эга бўлган талабгорлар орасидан ўқишга қабул қилинган ўқувчилар тўлов-контракт асосида ўқитилади, бундан қонунчилик ҳужжатларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ўқитиш белгиланган касб ва мутахассисликлар мустасно;

(iii) тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган ўқувчиларни ўқитишга жалб этилган ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар тўлиқ тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан қопланади. Бунда тўлов-контракт тушумларининг ортиб қолган қисми ташкилотнинг бошқа харажатларига йўналтирилади;

(б) Агентлик Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда иқтисодиёт тармоқларининг реал эҳтиёжидан келиб чиқиб, техникумларда тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ўқитиладиган ўқувчилар қабул параметрларини тасдиқлайди;

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(в) техникумларда иш берувчи корхона ва ташкилотларнинг буюртмаларига мувофиқ қабул параметрларидан ташқари тўлов-контракт асосида ўқитишга рухсат берилади. Бунда тасдиқланган параметрдан ташқари қабул қилинган ўқувчилар тўлиқ тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан ўқитилади ва тўлов-контракт миқдорлари Агентлик томонидан белгиланади;

(г) 2026 йил 1 январдан бошлаб ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш шартларига кўра:

(i) Агентликнинг ҳудудий бошқармалари Мактабгача ва мактаб таълими вазириликнинг ҳудудий бўлинмаларига;

(ii) техникумнинг раҳбар, педагог ва бошқа ходимлари умумий ўрта таълим ташкилотининг тегишли ходимларига тенглаштирилади. Бунда умумтаълим фани ўқитувчилари учун уларнинг иш ҳақи фондига нисбатан 10 фоиз, бошқа ходимлар учун эса 20 фоиз миқдорида рағбатлантириш жамғармаси шакллантирилади;

(д) 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб техникум директори ва унинг ўринбосарларини менежерлик сертификати асосида мос равишда лавозим маошининг 50 ва 30 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама бериш орқали рағбатлантириш тизими жорий этилади. Бунда:

(i) менежерлик ўқув курси А. Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институти томонидан ташкил этилади;

(ii) менежерлик ўқув курсининг ўқув режаси ва дастурлари Агентлик билан биргаликда тасдиқланади;

(ж) Агентлик тизимидаги муассаса ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш умумий ўрта таълим ташкилотлари учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **VIII. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

16. Қуйидагилар:

(а) Касбий таълим тизимини 2026 — 2030 йилларда ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» 4-иловага\* мувофиқ;

(б) Касбий таълимни ривожлантириш институти ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шарт-шароитларига кўра олий таълим ва илмий ташкилотларнинг ходимларига тенглаштирилаётган лавозимлари рўйхати 5-иловага\* мувофиқ;

(в) Касбий таълим моддий-техника таъминоти маркази фаолиятини ташкил этиш ва техникумларнинг моддий-техника базасини такомиллаштириш чора-тадбирлари 6-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

17. Белгилансинки, техникумларни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва ободонлаштириш 7-иловага\* мувофиқ 2026 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилади.

18. 2030 йилга қадар техникумлар фаолиятини тугатиш, уларга тегишли

---

\* 4 — 7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ер участкалари, бино ва иншоотлар ҳамда бошқа кўчмас мулк объектларини хусусийлаштиришга мораторий жорий этилсин.

19. Давлат органларига техникумларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш ва уларни таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга жалб қилиш тақиқлансин.

20. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур қарор ижросини мониторинг қилиб бориш режаси 8-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин. Бунда:

(а) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги қарор ижросини мониторинг режасига асосан ҳар йили 15 сентябрга қадар мониторингдан ўтказсин ҳамда мониторинг натижаларини Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига киритиб борсин;

(б) Ҳисоб палатаси Адлия вазирлиги билан биргаликда мониторинг режаси асосида қарор ижросини назорат қилсин ҳамда ҳар йили 1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин;

(в) «Ijro.gov.uz» тизимида қарор ижросини назоратдан ечишда мониторинг режасида кўрсатилган мақсадларга эришилганлиги инобатга олинсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш учун масъул ва шахсий жавобгар этиб олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов белгилансин.

23. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг таълимни ислоҳ қилиш бўйича ўринбосари Х.У. Умарова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 23 октябрь,  
ПҚ–316-сон

---

\* 8-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### **655** Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида\*

Сўнгги йилларда республикада археология мероси объектларини муҳофаза қилиш, сақлаш ҳамда тарғиб қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, археология объектларини консервация қилиш, музейлаштириш ва археология боғларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, археология ашёларини Археология ашёлари давлат каталогида рўйхатдан ўтказиш, давлатга топшириш ҳамда уларни фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириш, фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктирилган археология ашёларидан фойдаланиш ва тадқиқ қилиш, халқаро археология тадқиқотларини ташкил этиш ҳамда археология объектларини консервациялаш жараёнлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмагани сабабли амалиётда ноаниқлик ва тушунмовчиликлар юзага келмоқда.

Археология соҳасини тартибга солиш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

Археология ашёлари давлат каталоги тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Археология ашёларини давлатга топшириш ҳамда уларни фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириш, фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктирилган археология ашёларидан фойдаланиш ҳамда тадқиқ қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Халқаро археология тадқиқотларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Археология объектларини консервациялаш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги маънафатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирайсин.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 октябрда эълон қилинган.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги директори Б.Г. Абдиқаримов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 20 октябрь,  
659-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 20 октябрдаги 659-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **Археология ашёлари давлат каталоги тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Археология ашёлари давлат каталогини юритиш, археология ашёларини ушбу Каталогда рўйхатдан ўтказиш ҳамда тасарруфдан чиқариш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Археология ашёлари давлат каталоги** (кейинги ўринларда — Каталог) — ҳар бир археология ашёси тўғрисидаги асосий маълумотлар мавжуд бўлган ҳисобга олиш ҳужжати;

**археология ашёси** — археология қидирувлари, археология қазишмалари ва археология назоратини амалга оширишда ёки хўжалик ва ўзгача фаолият жараёнида аниқланган, шунингдек, тасодифан топилган (хазина) ва идентификациялашдан ўтказилган моддий қолдиқ;

**Археология ашёларининг маълумотлар рўйхати** — археология ашёсининг паспорти, археология тадқиқотларида топилган ашёларни топшириш далолатномаси, тасодифий топиб олинган ашёларнинг давлатга топширилгани, ҳада қилингани тўғрисида далолатнома, асосий ҳисоб ҳужжатлари, қирим ва инвентарь дафтарларида қайд этилган маълумотлар;

**асосий ҳисоб ҳужжатлари** — қирим ва инвентарь дафтарлари, археология ашёларини доимий (вақтинча) сақлашга оид қабул далолатномалари, археология ашёларини таъмирлаш далолатномалари, фонд ишлари ва сотиб олиш комиссияларининг баённомалари, фонд ҳаракатига тааллуқли буйруқлар.

3. Каталог Миллий музей фондининг Давлат каталоги билан бир вақтда юритилиши мумкин.

Миллий музей фондининг Давлат каталоги рўйхатига киритилган ашёлар Каталогда рўйхатдан ўтказилмайди.

**2-боб. Каталогни юритиш тартиби**

4. Каталог Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан юритилади.

5. Каталог электрон ва босма маълумотлар базаси кўринишида шакллантирилади.

6. Каталогга киритилган археология ашёлари тўғрисидаги маълумотлар археология ашёлари бириктирилган давлат фан, маданият ва таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда — давлат муассасалари) асосий ҳисобга олиш хужжатларидан (кирим ва инвентарь дафтари, илмий ҳисоботлар) олинган маълумотлар асосида шакллантирилади.

7. Каталогга археология ашёларининг асосий ҳисоб хужжатларидан олинган маълумотлардан ташқари қуйидаги маълумотлар киритилади:

археология тадқиқотлари давомида ёки фуқаролар томонидан тасодифан топилган, археология ашёларини давлат муассасаларига топшириш, ҳада қилиш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузилган битимлар, далолатномалар;

археология ашёларининг ўғирланиши ёки йўқотилиши тўғрисидаги маълумотлар.

8. Каталогга киритилган археология ашёси тўғрисидаги маълумотлар археология ашёсини аниқлаган ва топган шахслар, намойиш этилаётган вақтда томошабинлар ҳамда ашё бириктирилган муассаса учун очиқ ҳисобланади.

Жисмоний ва юридик шахслар Каталогга киритилган археология ашёларидан илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш учун ашё бириктирилган давлат муассасасига мурожаат қилиши ва ёзма рухсатнома олиши шарт.

Мурожаатлар ва рухсатномалар археология ашёси бириктирилган давлат муассасаси томонидан қайд этиб борилади.

**3-боб. Археология ашёларини Каталогда рўйхатдан ўтказиш тартиби**

9. Каталогда рўйхатдан ўтказиш ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

10. Жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан қидирув, лойиҳалаш, қазиш, қурилиш, мелиорация, хўжалик ишлари, ўрмонлардан фойдаланиш бўйича ишлар ва бошқа ишлар натижасида топилган археология ашёлари Каталогга киритиш мақсадида топилмаларни сақлаш учун махсус фондга эга давлат муассасаларига далолатнома асосида топширилади.

11. Археология ашёсини давлат муассасаларига топшириш Археология ашёларини давлатга топшириш ҳамда уларни фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириш, фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктирилган археология ашёларидан фойдаланиш ва тадқиқ қилиш тартиби тўғрисидаги низом қоидаларига асосан амалга оширилади.

12. Давлат муассасалари ўзларининг асосий ҳисоб хужжатларида қайд

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

этилган археология ашёларининг маълумотлар рўйхатини электрон ва босма шаклларда уч нусхада тайёрлайди:

биринчи нусха — археология ашёси топширилган фан, маданият ва таълим муассасаларида сақланади;

иккинчи нусха — юкори бошқарув органида сақланади (мавжуд бўлса);

учинчи нусха — Агентликка Каталогда рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади.

13. Археология ашёларининг маълумотлар рўйхати қуйидаги ҳужжатлар асосида шакллантирилади:

археология ашёсининг паспорти;

археология тадқиқотларида топилган ашёларни топшириш далолатномаси;

тасодифий топиб олинган археологик аҳамиятга эга бўлган ашёларнинг давлатга топширилгани, ҳады қилингани тўғрисида далолатнома;

асосий ҳисоб ҳужжатлари, кирим ва инвентарь дафтарларидаги маълумотлар.

14. Археология ашёлари тўғрисидаги маълумотлар рўйхатининг босма шакли давлат муассасалари раҳбари томонидан тасдиқланади.

15. Археология ашёлари тўғрисидаги маълумотлар рўйхати Каталогда рўйхатдан ўтказилиши учун Агентликка тақдим этилади.

16. Агентлик ушбу Низомнинг 13-бандида кўрсатилган ҳужжатлар асосида археология ашёсини Каталогда рўйхатдан ўтказилади.

17. Давлат муассасалари Каталогга киритилган маълумотларга ҳар қандай ўзгартириш тўғрисида Агентликка бир ой муддатда хабар беришлари шарт.

Агентлик тақдим этилган маълумотларни давлат муассасаларининг асосий ҳисоб ҳужжатларига таққослаш, археология ашёларининг мавжудлигини аниқлаш мақсадида назорат текширувлари ўтказиш ваколатига эга.

18. Давлат муассасалари томонидан археология ашёси йўқотилиши ёки ўғирланиш ҳолатлари аниқланганда, зудлик билан Агентлик ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берилади.

19. Юридик шахсларнинг (давлат муассасаларининг) археология ашёларига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлар Каталогда рўйхатдан ўтказилганидан кейин амалга оширилади.

20. Археология ашёсининг Каталогга киритилганлиги ёки киритилмаганлиги ҳақида маълумот бериш белгиланган тартибда давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилади.

#### **4-боб. Рўйхатдан ўтказилган археология ашёларини Каталогдан чиқариш тартиби**

21. Давлат каталогда рўйхатдан ўтказилган археология ашёларини тасарруфдан чиқариш мумкин эмас, уларнинг йўқолиши ва емирилиши ҳолатлари бундан мустасно.

22. Давлат муассасаси тугатилганида ёки археология ашёсини сақлаш

шароитлари талабга жавоб бермаслиги аниқланган тақдирда, унинг тасарруфида бўлган ва асосий ҳисоб ҳужжатларида қайд этилиб, Каталогда рўйхатга олинган барча археология ашёлари фаолият йўналиши ўхшаш (ёки яқин) бўлган давлат муассасасига тўлалигича ўтказилади.

23. Агентлик Каталогда рўйхатдан ўтказилган археология ашёларини тасарруфдан чиқариш тўғрисида буйруқ қабул қилади.

24. Рўйхатдан ўтказилган археология ашёларини Каталогдан чиқариш ушбу Низомга 2-иловага\* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

25. Рўйхатдан ўтказилган археология ашёларини Каталогдан чиқариш учун археология ашёси бириктирилган давлат муассасалари Агентликка ёзма шаклда мурожаат қилади.

Мурожаатга археология ашёсини Каталогдан чиқариш сабаблари, агар улар ўғирланган ёки йўқотилган ҳолларда, уларни топиш ёки тиклаш бўйича амалга оширилган чоралар тўғрисида тўлиқ маълумот, Миллий музей фондининг Давлат каталогида рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома ҳамда археология ашёсининг фотосуратлари илова қилинади.

Агентлик, зарур ҳолларда, бошқа қўшимча маълумотларни ҳам талаб қилиши мумкин.

26. Мурожаатга кўра Агентлик томонидан давлат органлари, илмий-тадқиқот институтлари ва муассасалари, маданий мерос объектларини ўрганиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги олимлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда, ушбу Низомнинг 23-бандида қайд этилган ҳужжатлар асосида археология ашёси ўрганиб чиқилади.

Археология ашёсини ўрганиш хулосасига кўра Каталогда рўйхатдан ўтказилган археология ашёларини Каталогдан чиқариш ҳақида Агентлик томонидан буйруқ қабул қилинади. Бунга асос бўлган ҳужжатлар Каталогда қайд этилади.

27. Миллий музей фондининг Давлат каталогида рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида гувоҳномага эга бўлган археология ашёларини Каталогдан чиқариш учун қўшимча ўрганиш талаб этилмайди.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

28. Археология ашёсини тасарруф этувчи давлат муассасалари археология ашёларини Каталогда рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларда қайд этилган маълумотларнинг қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланишига масъул ҳисобланади.

29. Археология ашёларини Каталогда рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказилган археология ашёларини Каталогдан чиқариш жараёнида келиб чиқадиган низолар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 20 октябрдаги 659-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Археология ашёларини давлатга топшириш ҳамда уларни фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириш, фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктирилган археология ашёларидан фойдаланиш ва тадқиқ қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ археология ашёларини давлатга топшириш ҳамда уларни фан, маданият ва таълим муассасаларига (кейинги ўринларда — давлат муассасалари) бириктириш, давлат муассасаларига бириктирилган археология ашёларидан фойдаланиш ва тадқиқ қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**археолог** — тегишли олий маълумотга эга бўлган тадқиқотчи;

**археология ашёси** — археология қидирувлари, археология қазишмалари ва археология назоратини амалга оширишда ёки хўжалик ва ўзгача фаолият жараёнида аниқланган, шунингдек, тасодифан топилган (хазина) ва идентификациялашдан ўтказилган моддий қолдиқ;

**археология ашёларини давлатга топшириш** — археология ашёларининг далолатнома асосида давлат муассасаларига берилиши ҳамда археология тадқиқотларининг илмий ҳисоботига киритилишини ўз ичига олувчи жараён;

**археология мероси объектлари** — археология объектлари ва археология ашёлари мажмуи;

**археология объекти** — инсон фаолиятининг барча кўринишларига тааллуқли ҳамда сақланиш ҳолатидан қатъи назар археологик, антропологик, этнографик қимматга ёки ўзга тарихий, илмий, бадий, маданий қимматга эга бўлган жой, иншоот (асар), иморат, мажмуа (ансамбль), уларнинг бўлаклари, улар билан боғлиқ ҳудудлар;

**археология тадқиқоти** — археология объектлари, археология ёдгорликлари ва археология ашёларини ўрганиш орқали янги билимларни эгаллаш мақсадида амалга ошириладиган фаолият;

**археология қазишмалари** — археология тадқиқотининг археология объектида қазишма ишларини қўллаган ҳолда маданий қатламлар, меъморий ва бошқа моддий қолдиқларни ўрганиш мақсадида амалга ошириладиган тури;

**археология қидирувлари** — археология тадқиқотининг археология объекти маданий қатламининг емирилиши билан боғлиқ бўлмаган (маданий қатлам қалинлигини аниқлаш учун чекланган қазишмадан ташқари) ва археология объектини аниқлаш, хариталаштириш, унинг чегараларини

белгилаш, изоҳлаш, текшириш, шунингдек, илгари аниқланган археология объекти тўғрисида замонавий маълумотларни олиш мақсадида амалга ошириладиган тури;

**илмий ҳисобот** — очик варақ ва рухсатномага мувофиқ амалга оширилган археология қидирувлари, археология қазилмалари ва археология назоратининг натижалари тўғрисида тўлиқ маълумот берувчи ҳужжат;

**очик варақ** — археологнинг профессионал даражасини тасдиқловчи ва унга археология қидирувлари, археология қазилмалари ва археология назоратини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

**рухсатнома** — очик варақ олган археологга археология объектида археология қидирувлари, археология қазилмалари ва археология назоратини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

## **2-боб. Археология ашёларини давлатга топшириш ҳамда уларни давлат муассасаларига бириктириш тартиби**

3. Археология мероси объектларига (кейинги ўринларда — объектлар) бўлган мулк ҳуқуқи давлатга тегишлидир. Археология ашёларини давлат муассасаларига бириктириш Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан амалга оширилади.

4. Объектларда олиб борилган археология назорати, археология тадқиқоти, археология қазилмалари, археология қидирувлари (кейинги ўринларда — археология тадқиқотлари) натижасида аниқланган археология ашёлари археология тадқиқотлари ўтказилган йилдан кейинги йилнинг биринчи чораги якунига қадар ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ белгиланган тартибда давлат муассасаларига топширилиши шарт.

5. Археология ашёсини давлат муассасаларига топшириш далолатнома орқали амалга оширилади ва ушбу Низомга 2-иловага\* мувофиқ шаклда уч нусхада тузилади.

Далолатномада археология ашёси билан боғлиқ қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

археология ашёсини топширган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

археология ашёсини қабул қилган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

археология ашёси қабул қилиб олинган сана;

археология ашёсининг номи ва қисқача тавсифи;

археология ашёси сони;

археология ашёсининг қайси даврга мансублиги;

археология ашёси аниқланган жой;

археология ашёсининг оғирлиги ва ўлчамлари;

археология ашёсининг сақланиш ҳолати;

археология ашёсининг фотосурати.

Далолатноманинг бир нусхаси археология тадқиқотларининг илмий ҳи-

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сobotига киритилади, иккинчи нусхаси давлат муассасаларига ва учинчи нусхаси археология ашёларини топширган шахсга (археолог, жисмоний ёки юридик шахсга) берилади.

Далолатноманинг бир нусхаси археология тадқиқотларининг илмий ҳисоботига киритилади, иккинчи нусхаси давлат муассасаларига ва учинчи нусхаси археология ашёларини топширган шахсга (археолог, жисмоний ёки юридик шахсга) берилади.

6. Очиқ варақ ва рухсатнома олган археолог археология ашёлари давлатга топширилишига қадар уларнинг бут сақланишини таъминлаши шарт.

7. Археолог томонидан археология ашёлари қуйидаги талабларга риоя қилинган ҳолда рўйхат асосида давлатга топширилади:

археология ашёларини тозалаш;

махсус шифр билан рақамлаш (бунда қазишма олиб борилган йил, ёдгорлик, қазишма рақами, қатлам, топилма тартиб рақами кабилар акс этиши лозим);

фотосурат ҳамда чизмаларини тайёрлаш;

таснифни белгилаш;

ҳажми, материали ва ҳолати ҳақида аниқ маълумотлар бериш.

8. Давлат муассасаларида археология ашёларидан иборат фонд шакллантирилади.

9. Археология ашёлари бириктириладиган давлат муассасаларидан қуйидагилар талаб этилади:

археология ашёларини сақлаш учун етарли моддий-техник базага эга бўлиш;

археология ашёлари сақланидиган захира хоналарга эга бўлиш;

сақлаш учун зарур асбоб-ускуналар ва муҳофаза воситалари ҳамда ёнғинга қарши воситаларга эга бўлиш.

Археология ашёларининг бут сақланиши ва хавфсизлигини таъминлашга археология ашёлари бириктирилган давлат муассасалари раҳбарлари шахсан жавобгар ҳисобланади.

Кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган давлат муассасалари археология ашёларини сақлашга ҳақли эмас. Бундай ҳолларда археология ашёлари ушбу талабларга жавоб берувчи давлат муассасаларига топширилиши лозим.

10. Давлат муассасалари ушбу Низомга 3-иловага\* мувофиқ ўзларига бириктирилган археология ашёларининг паспортини тузади.

11. Археология ашёларининг паспортида қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

археология ашёсининг номи;

археология ашёси топилган манзил;

археология ашёси топилган сана;

археология ашёси топилган археология мероси объекти (ёдгорлиги) номи ва қайси даврга мансублиги;

археология мероси объектининг (ёдгорлиги) қайси жойидан олингани (қайси маданий қатламдан эканлиги);

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

археология ашёсининг сони;  
археология ашёсининг ҳажми (оғирлиги ва ўлчамлари ва бошқалар);  
археология ашёсининг материали;  
археология ашёси бириктирилган давлат муассасаси номи;  
археология ашёси ким томонидан ва қачон топширилгани;  
археология ашёсининг сақланиш жойи;  
археология ашёсининг давлат муассасалари кирим ва инвентарь дафтарида қайд этилган санаси ва тартиб рақами;  
археология ашёсининг таркиби ва сақланиш ҳолати тўғрисида тўлик маълумот;  
археология ашёсининг фотосурати;  
паспортни тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми.  
Бўлақлар ва парчалардан (фрагмент) иборат археология ашёлари умумлаштирилган ҳолда тавсифланади.

12. Археология ашёлари бириктирилган давлат муассасалари археология ашёлари билан боғлиқ ҳисобга олиш ҳужжатларининг талаб даражасида юритилишини ҳамда Агентликка Археология ашёлари давлат каталогига рўйхатдан ўтказиш учун расмий сўров юборилишини таъминлайди.

13. Археология ашёлари улар аниқланган жойда қолдирилган тақдирда, очик варақ ва рухсатнома олган археолог Агентликнинг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда мазкур ашёларни консервациялаш чора-тадбирларини кўришлари лозим. Бунда мазкур археология ашёлари тавсифланиши, суратга олиниши ва илмий ҳисоботда кўрсатиб ўтилиши керак.

### **3-боб. Фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктирилган археология ашёларидан фойдаланиш ҳамда тадқиқ қилиш тартиби**

14. Давлат муассасалари ўзларига бириктирилган археология ашёларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланиши мумкин:  
экспозициялар ва кўргазмаларда намойиш этиш;  
илмий тўпламлар, қўлланмалар, мақолалар тайёрлаш ва нашр этиш;  
илмий тадқиқ қилиш.

15. Давлат муассасаларига бириктирилган археология ашёларидан илмий-тадқиқот ишларида фойдаланишни истаган тадқиқотчи давлат муассасаси раҳбарига ариза билан мурожаат қилади.

16. Археология тадқиқотлари давлат муассасаларига бириктирилган археология ашёларидан фойдаланган ҳолда олиб борилса, тадқиқот натижалари археология ашёлари сақланаётган давлат муассасасига тақдим этилади.

17. Давлат муассасалари муаллифга (археология ашёсини топган шахс) ўзи топган археология ашёларидан илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиши учун шароит яратади.

18. Давлат муассасалари ўзларига бириктирилган археология ашёларини хорижда ўтадиган турли кўргазмалар ва экспозицияларда намойиш этиши мумкин.

Археология ашёларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан вақтинча олиб чиқиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

19. Давлат муассасалари ўзларига бириктирилган археология ашёларини бошқа давлат муассасаларига ўтказилишини Агентлик билан келишган ҳолда амалга оширади.

20. Агентлик давлат муассасаларига бириктирилган археология мероси объектларини муҳофаза қилиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

21. Давлат муассасалари ўзларига бириктирилган археология ашёларини сақлаш, улардан фойдаланиш, ҳисобга олиш, таъмирлаш қоидаларини бузган ҳолларда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

22. Давлат муассасаларига бириктирилган археология ашёларига зиён етказган юридик ва жисмоний шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ етказилган зарарни тўлиқ қоплайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 20 октябрдаги 659-сон қарорига  
З-ИЛОВА

**Халқаро археология тадқиқотларини ташкил этиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро археология тадқиқотларини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Халқаро археология тадқиқотлари (кейинги ўринларда — халқаро тадқиқот) таъсис ҳужжатларида археология қидирувлари, археология қазишмалари ва археология назоратини амалга ошириш назарда тутилган давлат муассасалари ҳамда ташкилотлари (кейинги ўринларда — давлат муассасалари) томонидан ташкил этилади.

3. Халқаро тадқиқот доирасида изланишлар олиб бориш, археология ашёларини тадқиқ қилиш, давлатга топшириш, илмий ҳисоботларни шакллантириш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**археолог** — тегишли олий маълумотга эга бўлган тадқиқотчи;

**археология ашёси** — археология қидирувлари, археология қазишмалари ва археология назоратини амалга оширишда ёки хўжалик ва ўзгача фаолият жараёнида аниқланган, шунингдек, тасодифан топилган (хазина) ва идентификациялашдан ўтказилган моддий қолдиқ;

**археология мероси объектлари** — археология объектлари ва археология ашёлари мажмуи;

**археология объекти** — инсон фаолиятининг барча кўринишларига тааллуқли ҳамда сақланиш ҳолатидан қатъи назар археологик, антропологик, этнографик қимматга ёки ўзга тарихий, илмий, бадий, маданий қимматга эга бўлган жой, иншоот (асар), иморат, мажмуа (ансамбль), уларнинг бўлаклари, улар билан боғлиқ ҳудудлар;

**археология соҳасида хорижий ҳамкорлар билан тадқиқот шартномаси** — бир ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир нечта ҳужжатдан иборат, шунингдек, номи ва тузилиш усулидан (шартнома, битим, акт, баённома, хатлар ёки ноталар алмашинуви ҳамда халқаро шартноманинг бошқа номлари) қатъи назар, халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган хорижий ҳамкорлар билан археология тадқиқотлари соҳасида ёзма шаклда тузилган келишув;

**археология тадқиқоти** — археология объектлари, археология ёдгорликлари ва археология ашёларини ўрганиш орқали янги билимларни эгаллаш мақсадида амалга ошириладиган фаолият;

**археология қазишмалари** — археология тадқиқотининг археология

объектида қазишма ишларини қўллаган ҳолда маданий қатламлар, меъморий ва бошқа моддий қолдиқларни ўрганиш мақсадида амалга ошириладиган тури;

**археология қидирувлари** — археология тадқиқотининг археология объекти маданий қатламининг емирилиши билан боғлиқ бўлмаган (маданий қатлам қалинлигини аниқлаш учун чекланган қазишмадан ташқари) ва археология объектини аниқлаш, хариталаштириш, унинг чегараларини белгилаш, изохлаш, текшириш, шунингдек, илгари аниқланган археология объекти тўғрисида замонавий маълумотларни олиш мақсадида амалга ошириладиган тури;

**илмий ҳисобот** — очик варақ ва рухсатномага мувофиқ амалга оширилган археология қидирувлари, археология қазишмалари ва археология назоратининг натижалари тўғрисида тўлиқ маълумот берувчи ҳужжат;

**очик варақ** — археологнинг профессионал даражасини тасдиқловчи ва унга археология қидирувлари, археология қазишмалари ва археология назоратини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

**рухсатнома** — очик варақ олган археологга археология объектида археология қидирувлари, археология қазишмалари ва археология назоратини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

**халқаро археология тадқиқоти** — Ўзбекистон Республикаси ёки бошқа давлат ҳудудига ўтказиладиган, археология тадқиқотини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган бир ёки бир нечта ташкилотлар иштирок этувчи ҳамкорликдаги археология тадқиқоти;

**халқаро археология тадқиқотлари шартномаси иштирокчиси** — археология соҳасига оид халқаро шартноманинг матнини тузиш ва унинг қабул қилинишида иштирок этувчи ташкилот.

## **2-боб. Халқаро археология тадқиқотларининг мақсадлари**

5. Халқаро археология тадқиқотлари қуйидаги мақсадларда ташкил этилади:

археология объектлари, археология ёдгорликлари ва археология ашёларини ўрганиш орқали янги билимларни эгаллаш;

археология тадқиқотларида замонавий технологиялардан фойдаланиш;

археология соҳаси бўйича тажриба алмашиш ва малака ошириш;

янги археология мероси объектларини қидириб топиш;

илмий-назарий ва услубий масалаларга бағишланган конференциялар, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш;

халқаро илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликдаги тадқиқотлар натижаларини тенг ҳуқуқлилиқ асосида нашр этиш;

тадқиқотлар натижалари асосида диссертациялар ҳимояларини амалга ошириш;

маданий меросни оммалаштириш ҳамда археология тадқиқотларини олиб боровчи муассасаларга кўмаклашиш.

### 3-боб. Халқаро археология тадқиқотларини ташкил этиш тартиби

6. Халқаро тадқиқотларни ташкил этиш, чет эллик мутахассисларни халқаро тадқиқот ўтказиш учун таклиф этиш Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги, Фанлар академияси ва ўз таъсис ҳужжатларида археология қидирувлари, археология қазишмалари ва археология назоратини амалга ошириш назарда тутилган давлат ташкилот ва муассасалари томонидан амалга оширилади.

Халқаро тадқиқотларни ташкил этиш ушбу Низомга иловага\* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

7. Давлат муассасалари халқаро тадқиқот ташкил қилиш мақсадида шу турдаги фаолият билан шуғулланувчи хорижий муассаса ва ташкилотлар билан Археология соҳасида хорижий ҳамкорлар билан тадқиқот шартномасини (кейинги ўринларда — халқаро тадқиқот шартномаси) тузиши мумкин.

8. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ва халқаро тадқиқот иштирокчисининг тили халқаро тадқиқот шартномасининг асосий иш юритиш тили ҳисобланади.

9. Халқаро тадқиқот шартномасини имзолаган томонларнинг келишувига кўра кўшимча равишда бошқа тиллардан ҳам фойдаланилиши мумкин.

10. Хорижий олий таълим, илмий-тадқиқот муассасалари битта халқаро тадқиқот шартномаси асосида Ўзбекистон Республикасининг фақат битта давлат муассасаси билан ҳамкорликда халқаро тадқиқот олиб бориши мумкин.

11. Халқаро тадқиқот шартномасини тузиш, уларга ўзгартиришлар кириштириш ва бекор қилиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

12. Археологларнинг халқаро тадқиқотлардаги иштироки давлат муассасалари билан шартнома тузиш орқали амалга оширилади.

13. Давлат муассасалари ҳамда археолог (кейинги ўринларда — томонлар) ўртасидаги шартнома халқаро тадқиқот бошланишидан камида икки ой олдин тузилади.

14. Шартномада қуйидагилар акс этирилади:

тадқиқотнинг мақсад, вазифалари ва унинг муассаса илмий фаолиятига боғлиқлиги;

томонларнинг манзили, ҳисобрақамлари, реквизитлари;

шартноманинг амал қилиш муддати;

томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

молиялаштириш манбалари ва молиявий мажбуриятлари;

муҳофаза ва консервация тадбирлари, алоҳида шартлар;

шартномани муддатидан олдин тугатиш шартлари ва бошқа шартлар.

15. Чет эллик мутахассислар билан тузиладиган шартномада халқаро тадқиқотлар тугатилганидан сўнг консервация ишларини яқунлаш мажбурияти қайд этилади.

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

16. Халқаро тадқиқотларни олиб боришда томонларнинг мажбуриятлари бир-биридан фарқ қилмаслиги керак.

17. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб бориладиган халқаро тадқиқотлар учун очик варақ ва рухсатнома Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган археологга берилади.

18. Археолог очик варақ ва рухсатнома мавжуд бўлганида археология қидирувлари, археология қазишмалари ва археология назоратини амалга оширади.

Махсус рухсатнома мавжуд бўлганида археология объектларида махсус асбоб-ускуналардан фойдаланишга йўл қўйилади.

Археолог археология қидирувлари, археология қазишмалари ва археология назоратига бевосита раҳбарлик қилиши шарт.

19. Очик варақ ва рухсатнома олган археолог қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

20. Халқаро тадқиқотларда аниқланган археология ашёлари Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки ҳисобланади ва сақлаш ҳамда бириктириб қўйиш учун давлат муассасаларига топширилади.

21. Халқаро тадқиқот натижалари томонларнинг келишувисиз алоҳида нашр қилиниши мумкин эмас.

Томонларнинг илмий ҳисоботга бўлган муаллифлик ҳуқуқи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ таъминланади.

Халқаро тадқиқотнинг илмий ҳисоботи ўзбек ва халқаро тадқиқот шартномаси иштирокчиси тилида тайёрланади.

Халқаро тадқиқот натижаси шартнома яқунланганидан бошлаб бир йил ичида илмий адабиётлар ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин.

22. Халқаро тадқиқотларда қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши Маданий мерос агентлиги томонидан назорат қилинади.

Халқаро тадқиқотни олиб боровчи томонлар қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишига бир хил жавобгар бўлади.

23. Халқаро тадқиқот томонлар ўртасидаги келишувга кўра исталган вақтда тўхтатиб турилиши мумкин.

Халқаро тадқиқот археология соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши натижасида тугатилиши мумкин.

#### **4-боб. Яқунловчи қоида**

24. Халқаро тадқиқотларни ташкил этиш юзасидан келиб чиқадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 20 октябрдаги 659-сон қарорига  
4-ИЛОВА

## Археология объектларини консервациялаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом археология объектларини консервациялаш тартибини белгилайди.

2. Авария ҳолатида бўлган, археология тадқиқотлари ўтказилган ёки музейлаштириш орқали сайёҳларни жалб қилиш имкониятлари юқори бўлган археология объектларида консервациялаш амалга оширилади.

3. Археология объектларини консервациялашдан асосий мақсад археология объектини мавжуд кўринишида асраш, моддий йўқотиш ва шикастланишдан ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг аҳамиятини сақлаб қолишдан иборат.

4. Археология объектларини асраш чора-тадбирлари консервациялаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва улар билан боғлиқ илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, лойиҳалаштириш ҳамда ишлаб чиқариш ишларини ўз ичига олади.

5. Археология объектларини консервациялаш реставрация, таъмирлаш ва тиклаш, илмий-техник тадқиқотларини олиб бориш тажрибасига эга бўлган давлат муассасалари, археолог ва реставраторлар иштирокида амалга оширилади.

6. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**археолог** — тегишли олий маълумотга эга бўлган тадқиқотчи;

**археология объекти** — инсон фаолиятининг барча кўринишларига тааллуқли ҳамда сақланиш ҳолатидан қатъи назар археологик, антропологик, этнографик қимматга ёки ўзга тарихий, илмий, бадий, маданий қимматга эга бўлган жой, иншоот (асар), иморат, мажмуа (ансамбль), уларнинг бўлаклари, улар билан боғлиқ ҳудудлар;

**археология объектларини бирламчи консервациялаш** — авария ҳолатида бўлган, археология тадқиқоти яқунланган археология объектларининг бут сақланишини таъминлаш мақсадида очиқ варақ ва рухсатнома олган археолог томонидан мажбурий тартибда амалга ошириладиган илмий, илмий-техник тадқиқотлар, таъмирлаш-тиклаш ишлари ҳамда чора-тадбирлар мажмуи;

**археология объектларини консервациялаш** — археология объектларини мавжуд кўринишида асраш ва унинг ҳолати ёмонлашувининг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган илмий ва илмий-техник тадқиқотлар ҳамда чора-тадбирлар мажмуи;

**археология тадқиқоти** — археология объектлари, археология ёдгорликлари ва археология ашёларини ўрганиш орқали янги билимларни эгаллаш мақсадида амалга ошириладиган фаолият;

**музейлаштириш** — илмий-тадқиқот ишлари асосида археология

объектлари ёки улардан топилган археология ашёларини музейларда намойиш этиш, сақлаш шарт-шароитларини яратиш орқали туризм объектига айлантириш;

**музейлаштириш аҳамиятидаги консервациялаш** — археология объектларини музейлаштириш, археология боғларини яратиш ва туризм объектига айлантириш мақсадида амалга ошириладиган илмий, илмий-техник тадқиқотлар, таъмирлаш-тиклаш ишлари ҳамда чора-тадбирлар мажмуи;

**консервациялаш** — тарихий ва маданий ёдгорликларни (меъморий иншоотлар, археология ашёлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, китоб, қўлёзма ва бошқалар) дастлабки ёки консервацияга тушган вақтдаги қиёфаси, чидамлилигини узоқ муддатга сақлашни таъминловчи чора-тадбирлар мажмуи.

## **2-боб. Археология объектларини консервациялаш тартиби**

7. Археология объектларини консервациялаш археология тадқиқотлари жараёни ва натижаларига кўра бир нечта босқич ҳамда усулларда амалга оширилиши мумкин.

8. Археология объектларини консервациялаш жараёни объектнинг жойлашуви ва табиий шароитнинг таъсирига қараб қуйидаги босқичларда амалга оширилиши мумкин:

объектнинг ҳолати ва зарар кўрган қисмларини ўрганиш;

объектни тупроқ, намлик ёки бошқа таъсирлардан тозалаш;

махсус материаллар билан химоялаш;

қўшимча таянчлар билан мустаҳкамлаш;

объектнинг бузилган ёки зарар кўрган қисмларини аслига яқин тарзда тиклаш;

объектни табиий шароит ва инсоний таъсирлардан химоялаш.

9. Археология объектнинг ҳолати ва зарар кўрган қисмларини ўрганиш босқичида объектнинг техник, кимёвий, биологик ҳолати ўрганилади ҳамда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

объект ҳолатини тўлиқ қайд этиш, фотосуратлар, чизмалар тайёрлаш;

объектнинг моддий таркиби, эскириш даражасини аниқлаш;

табиий, технологик ёки инсоний таъсирларни аниқлаш ва ушбу таъсирларни камайтириш чораларини белгилаш.

10. Археология объектларини тупроқ, намлик ёки бошқалар таъсиридан тозалаш босқичи қуйидагиларни ўз ичига олади:

объектни қоплаган тупроқ қатламини қўл асбоблари ёрдамида эҳтиёткорлик билан олиб ташлаш;

намликнинг объектга салбий таъсири олдини олиш учун ҳароратни мўътадиллаштириш ва шамоллатиш шароитини яратиш;

заруратга кўра органик ва кимёвий бирикмаларни олиб ташлаш учун кимёвий эритмалар ёки бошқа махсус воситалардан фойдаланиш.

11. Археология объектларини консервациялашда махсус материаллар билан химоялаш, қўшимча таянчлар билан мустаҳкамлаш босқичи қуйидагиларни ўз ичига олади:

объект юзасини зарар етказмайдиган махсус материаллар (парафин, эпоксид қатронлар, оҳак асосли қопламалар ва бошқалар) билан қоплаш;

зарар кўрган қисмларни мустаҳкамлаш учун асосан ёғоч, металл ёки пластмассадан таянчлар ўрнатиш.

12. Археология объектнинг бузилган ёки зарар кўрган қисмларини аслига яқин тарзда тиклаш босқичида консервация ва реставрация усулларига асосланган ҳолда қуйидагилар амалга оширилади:

объектнинг асл кўриниши ва тарихий аҳамиятини тиклаш учун илмий-тадқиқ қилиш;

аслига яқин материаллар ва техникаларни аниқлаш;

асл структура ва деталларни қайта тиклаш ҳамда объектнинг тарихий кўринишини сақлаб қолиш.

13. Археология объектларини табиий шароит ва инсоний таъсирлардан ҳимоялаш босқичи қуйидаги чораларга асосланади:

объект атрофига тўсиқлар ўрнатиш, ҳудудни назорат қилиш;

табиий шароитни ҳисобга олиб консервация чораларини кўриш;

заруратга кўра махсус кимёвий моддалар ёки материаллар ёрдамида объектни зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш;

объект ҳолатини мунтазам кузатиш, эҳтиёжга кўра қўшимча ҳимоя чораларини амалга ошириш.

14. Археология объектларини консервациялаш тадқиқотларда аниқланган ашёлар ва меъморчилик қолдиқлари, уларнинг материали ва сақланиш ҳолати, аҳамияти, қандай мақсад ва даражада амалга оширилишига қараб бирламчи ва музейлаштириш аҳамиятидаги консервациялаш усулларида олиб борилади.

15. Археология объектларини бирламчи консервациялаш (кейинги ўринларда — бирламчи консервациялаш) авария ҳолатида бўлган, археология тадқиқоти олиб борилган объектларнинг бут сақланишини таъминлаш мақсадида очик варақ ва рухсатнома олган археолог томонидан амалга оширилади.

16. Бирламчи консервациялаш очик варақ ва рухсатнома олган археолог томонидан қуйидаги чора-тадбирларни қўллаш асосида олиб борилиши мумкин:

археология тадқиқоти олиб борилган ҳудудларни очик ҳолатда устини ёпиш орқали консервациялаш;

объектларнинг қисмларини тиклаш орқали консервациялаш;

археология тадқиқоти олиб борилган ҳудудларни кўмиш орқали консервациялаш;

кимёвий усулда қотириб қўйиш орқали консервациялаш;

асл ҳолича, қандай сақланган бўлса, шундайлигича, айрим зарар келтирадиган ҳолатларнинг олдини олиш орқали консервациялаш.

17. Археология объектларининг археология тадқиқоти давомида очилган қисмларини намлик кўтарилиши ва қуёш нури тушиши натижасида деформация, эрозия ва бошқа омиллардан ҳимоя қилиш мақсадида устини ёпиш орқали консервациялаш усулидан фойдаланилади.

18. Археология ёдгорликларининг археология тадқиқоти давомида очилган қисмини табиий шароит, вақт ва инсон омилидан асраш мақсадида ёдгорликнинг асл қисмларидан фойдаланиб, илмий ва тарихий аҳамиятини сақлаган ҳолда тиклаш орқали консервациялаш усулидан фойдаланилади.

19. Археология тадқиқотлари яқунланганидан сўнг объектларни сақлаш, унга табиий муҳит таъсирини камайтириш мақсадида тупроқ ёки бошқа ҳимоя қатламлари билан ёдгорлик устини кўмиш орқали консервациялаш усули қўлланади. Мазкур усул доимий сақлаш ва музейлаштиришга тайёр бўлмаган, кейинчалик археология тадқиқотлари давом эттириладиган ёдгорликлар учун қўлланади.

20. Кимёвий усулда қотириб қўйиш орқали консервациялаш объектларини сақлаб қолиш мақсадида махсус кимёвий моддалар билан қотириб, мустаҳкамлаб қўйилади. Бу усулда объектлар зарарли таъсирлардан, намлик, микроорганизмлар ва тупроқдаги кимёвий ўзгаришлардан ҳимояланади.

21. Археология объектларини консервациялашда заруратга қараб қуйидаги кимёвий моддалар қўлланиши мумкин:

тош ва керамикани мустаҳкамлашда силикат бирикмалар;  
реставрация ва таъмирлаш жараёнида маҳкамловчи сифатида эпоксид қатронлар;

моғор ва микроорганизмларни йўқ қилиш учун биоцидлар;  
юзаларни мустаҳкамлаш ва тўкилишнинг олдини олиш учун полимерлар ёки консолидентлар.

22. Археология объектини асл ҳолича, қандай сақланган бўлса шундайлигича, айрим зарар келтирадиган ҳолатларнинг олдини олиш орқали консервациялаш усулидан ёдгорликнинг табиий ёки топилган ҳолатида сақлашни таъминлаш учун фойдаланилади. Ушбу жараёнда тадқиқотдан сўнг топилган объектларнинг шакли, материали, жойлашуви ва таркибини ўзгартирмасдан сақлаш чоралари кўрилади.

23. Археология объектларини консервациялашда кимёвий моддалардан фойдаланиш жараёни малакали реставраторлар иштироки ва хулосаси асосида олиб борилади.

24. Археология объектларини музейлаштириш аҳамиятидаги консервациялаш (кейинги ўринларда — музейлаштириш) археология объектлари негизида музейлар ташкил қилиш, археология боғларини яратиш ва туризм объектига айлантириш мақсадида амалга оширилади. Бу усулда археология объектини қисман тиклаш мақсадида ушбу Низомнинг 17 — 22-бандларида белгиланган усуллардан фойдаланилиши мумкин.

25. Музейлаштириш жараёнида археология объектларини сақлаш учун махсус шароитлар яратилади. Хусусан, ҳарорат ва намлик назорат қилиниши, объект устини ёпиш, махсус бинолар қуриш ишлари амалга оширилади.

26. Археология ашёлари махсус ойнаванд витриналар ёки намойиш воситаларига жойлаштирилади.

27. Музейлаштириш устуворлик асосида қуйидаги аҳамиятдаги археология объектларида олиб борилади:

шаҳар марказларида жойлашган археология объектларида;

ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган археология объектларида;

туризм йўналишида (маршрутида), катта йўллар, шу жумладан, магистраль йўллар бўйида жойлашган археология объектларида;

музейлаштириш учун етарли миқдордаги грантлар, инвестициялар жалб қилинган археология объектларида.

28. Музейлаштириш режалаштирилган тақдирда, зарур материаллар ва усуллар, шунингдек, бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда лойиҳа ишлаб чиқилади.

29. Археология объектларини музейлаштиришнинг лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатлари, уларда режалаштирилган асрашга доир ишларни объектнинг тарихий-маданий аҳамияти ҳамда ноёблигига зиён етказмаган ҳолда технология ва материалларнинг қўлланиши бўйича тегишли хулоса Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигининг Илмий-эксперт кенгаши томонидан берилади.

30. Музейлаштириш Моддий маданий мероснинг қўчмас мулк объектларини асрашга доир фаолиятни лицензия ҳамда Маданий мерос объектларида тадқиқотлар, қидирувлар ўтказиш, илмий-консервация ва реставрация ишларини амалга ошириш учун рухсатномага эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади.

31. Музейлаштирилиши режалаштирилган археология объектларида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш учун маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан тегишли халқ депутатлари кенгашларига таклиф киритиш орқали маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилади.

32. Археология объектларини музейлаштириш ҳамда туризм объектига айлантириш билан боғлиқ сарф-харажатлар маданий мерос соҳасига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, маҳаллий бюджет маблағлари, грантлар ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

33. Музейлаштириш олиб борилган археология ёдгорликларига штат бирликларини ажратиш ҳамда ходимларга иш ҳақини тўлаш Маданий мерос агентлиги тизимидаги музейлар учун белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

34. Музейлаштирилган археология ёдгорликлари тегишли вилоят тарих, маданият давлат музейлари ва музей-қўриқхоналарнинг филиалларига айлантирилади.

### **3-боб. Очiq варақ ва рухсатнома олган археологнинг археология объектларини консервациялаш бўйича мажбуриятлари**

35. Очiq варақ ва рухсатнома олган археолог археология тадқиқоти режаси ҳамда ажратилган маблағлар доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

археология объектнинг бирламчи консервацияси ва бут сақланишини таъминлайди;

консервациялашни ҳар бир археология объектнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда соҳа мутахассислари ва реставраторларни жалб қилган ҳолда олиб боради;

археология тадқиқоти кейинги йилларда ҳам давом этадиган объектларда аниқланган меъморий иншоот қолдиқларининг (деворлар) сомонли лой билан мустаҳкамланишини таъминлайди;

археология объектларида аниқланган меъморий иншоот қолдиқларининг қадимги ҳолатини сақлаган ҳолда, аввал ишлатилган гишт ёки пахса ўлчамларидаги материаллар билан қадимги архитектуруни сақлаш чораларини кўради;

археология тадқиқоти бир йилда ёки бир неча йиллик тадқиқотлардан сўнг яқунланса, археология объектларининг устини ёпиш ёки тўлиқ тупроқ билан кўмиб, консервация қилиш ишларини ташкил қилади;

археология объекти ҳисобланган қабристонларда (мозорқўрғон) тадқиқотлар яқунлангач, қабрлар ўрни тўлиқ тупроқ билан кўмилишини таъминлайди;

археология тадқиқотлари илмий ҳисоботида бажарилган ишлар, фойдаланилган усуллар ва материаллар, шунингдек, объектнинг ҳолатини кузатиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни қайд этади;

реставраторлар ёрдамида археология тадқиқоти давомида топилган археология ашёларининг физик-механик яхлитлигини таъминлаш, бирламчи таъмирлаш ва тиклаш ишларини олиб боради;

археология ашёлари улар аниқланган жойда қолдирилган тақдирда, Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда мазкур ашёларни консервациялаш чора-тадбирларини кўради. Бунда мазкур археология ашёларини тавсифлайди, суратга олади ва илмий ҳисоботда кўрсатиб ўтади.

36. Археология ашёси давлат фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктирилганидан сўнг консервациялаш, реставрация ва реконструкция қилиш ишлари мазкур археология ашёси бириктирилган давлат муассасаси томонидан амалга оширилади.

#### **4-боб. Археология объектларини консервациялашни назорат қилиш**

37. Археология объектларини консервациялашда қуйидагилардан фойдаланиш ёки амалга ошириш мумкин эмас:

асл ҳолатни ўзгартириш ёки сақланиб қолган қисмларни нотўғри тиклаш; объектнинг тарихий ўринлари, тузилиши, йиллар давомида етказилган шикастланишлари ёки табиий эскиришини сунъий таъмирлаш асосида янгилаш;

археология объекти ёки унинг қисмларини, аниқланган археология ашёларини тўлиқ тиклаш;

объектнинг қисмларини тиклашда асл материалларига кимёвий ёки физик жихатдан мос келмайдиган замонавий материаллардан фойдаланиш;

синовдан ўтмаган кимёвий моддалар, кислоталар ёки ювувчи моддалардан фойдаланиш;

зарар етказадиган ёки асл тарихий ва илмий қийматини ўзгартирадиган ўзгаришлар киритиш;

археология объектларининг маданий қатламларининг тўлиқ ўрганилмаган қисмига устун ёки қурилмаларни жойлаштириш;

нутўғри сақлаш шароитларини (ҳарорат ва намлик) яратиш.

38. Археология объектларини консервациялаш юқори малакали археолог, реставратор ва мутахассислар иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари назорати остида амалга оширилади.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

39. Давлат муассасалари ва археологлар археология объектларини консервациялаш қоидаларини бузган ҳолларда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

40. Археология объектларини консервациялаш қоидаларини бузиб, объектларга зиён етказган давлат муассасалари ва археологлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ етказилган зарарни қоплайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**656** Рақобатни таъминлашга кўмаклашиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Мамлакатни ҳар томонлама ва жадал ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг фуқароларнинг истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга доир ишларини фаоллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

## 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маъмурий ислохотлар доирасида рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 6 июлдаги ПФ–108-сон Фармонида рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаларида ташаббусларни рағбатлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига кўмаклашиш, уларни услубий қўллаб-қувватлаш, техник кўмак, ходимлар малакасини ҳамда ҳуқуқий билимларини ошириш орқали жамоатчилик назоратини қўллаб-қувватлаш тизими жорий қилиниши белгилангани;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 6 октябрдаги ПҚ–296-сон қарорига мувофиқ тажриба тарикасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан «сирли мижоз» ва назорат хариди тадбирлари ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

## 2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаларидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига кўмаклашиш, уларни услубий қўллаб-қувватлаш, техник кўмак (грант ва молиявий маблағлар) тақдим этиш, ходимлар малакасини ҳамда ҳуқуқий билимларини оширишга қуйидагилар масъул органлар ҳисобланади:

рақобатни ривожлантириш соҳасида — Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (кейинги ўринларда — Рақобат қўмитаси), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 24 октябрда эълон қилинган.

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида — Рақобат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги;

б) масъул органлар:

хар йили камида бир маротаба нодавлат нотижорат ташкилотларига ўзларига бириктирилган соҳаларда таҳлиллар ўтказиш, муаммоларни ўрганиш ва ўз ваколатлари доирасида бошқа тадбирларни ташкил этиш юзасидан бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан давлат ижтимоий буюртмалари бериб боради;

нодавлат нотижорат ташкилотларини услубий қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларнинг ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий кўмаклашади;

в) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Савдо-саноат палатаси рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотларига:

турдош хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишда, соҳага тажриба алмашиш учун уларнинг малакали мутахассисларини жалб этишда;

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларини амалга ошириш учун халқаро молия ташкилотларининг грантларини жалб этишда кўмаклашади.

3. 2027 йил 1 январга қадар тажриба тариқасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан дори воситалари ва тиббиёт хизматларини «сирли мижоз» ва чакана савдода назорат хариди тадбирлари ўтказилсин. Бунда мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишда ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари рўйхати Рақобат қўмитасининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади.

Рақобат қўмитаси 2026 йил 31 декабрга қадар мазкур тажриба натижалари бўйича ушбу функцияларни нодавлат нотижорат ташкилотларига ўтказиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклиф киритсин.

4. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайинлаш, реализация қилиш ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини назорат қилишда «сирли мижоз» тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий тадбирларни, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлиги ҳақида мунтазам ёритиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси

Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 22 октябрь,  
667-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 22 октябрдаги 667-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайинлаш,  
реализация қилиш ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини  
назорат қилишда «сирли мижоз» тадбирларини ўтказиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида дори воситаларини ва тиббий буюмларни дорихоналар томонидан чакана реализация қилиш тартибига амал қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш (тиббий диагностика, муолажа, дори буюриш) фаолиятини назорат қилишда «сирли мижоз» тадбирини ўтказиш тартибини белгилайди.

2. «Сирли мижоз» тадбири мазкур Низомга мувофиқ мулкчилик шаклидан қатъи назар, дорихона ва тиббиёт ташкилотларига ташриф буюрган ҳолда ўтказилади.

«Сирли мижоз» тадбирини ўтказиш тадбиркорлик фаолиятини текшириш ҳисобланмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ваколатли орган** — Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (кейинги ўринларда — Рақобат қўмитаси) ҳамда унинг ҳудудий органлари;

**сирли мижоз** — «сирли мижоз» тадбирида истеъмолчи сифатида иштирок этадиган шахс;

**«сирли мижоз» тадбири** — дори воситаларини ва тиббий буюмларни дорихоналар томонидан чакана реализация қилиш тартибига амал қилиниши, тиббиёт (тиббий диагностика, дори буюриш, муолажа) ташкилотларида инсон ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида қонунчилик талабларига риоя этилишини ўрганиш бўйича тадбирлар мажмуи;

**тиббиёт ташкилоти** — мулкчилик шаклидан қатъи назар, тиббий фао-

лият билан шуғулланадиган ва мижозларга даволаш-диагностика, муолажа ва инсон саломатлиги бўйича маслаҳат ёрдами кўрсатадиган ташкилот.

4. «Сирли мижоз» тадбири қўйидаги ҳолларда ўтказилади:

Рақобат қўмитаси томонидан келишилган ва тасдиқланган йиллик режа асосида;

дори воситаларини ва тиббий буюмларни дорихоналар томонидан чакана реализация қилиш тартибига амал қилиниши, тиббиёт (тиббий диагностика, дори буюриш, муолажа) ташкилотларида инсон ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига зарар етказмаслик бўйича (яқуни ўлим билан тугаган ҳолатлар бундан мустасно) қонунчилик талаблари бузилиши ҳақида оммавий ахборот воситаларидан маълумотлар келиб тушганда;

жисмоний ва юридик шахсларнинг дори воситалари ва тиббий буюмларни дорихоналар томонидан чакана реализация қилиш тартибига амал қилинмагани, тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятдан норозилиги ҳақидаги мурожаатлари келиб тушганда ҳамда ушбу соҳада ҳуқуқбузарликлар содир этилаётгани ҳақидаги маълумотларга аниқлик киритиш зарурати туғилганда;

жамоатчилик фикрини ўрганиш натижасида тиббиёт ташкилотида белгиланган талаблар бузилиши аломатлари мавжуд бўлганда.

«Сирли мижоз» тадбири юқоридаги асослар келиб тушган ва мавжудлиги аниқланган санадан бошлаб бир ой муддат ичида ўтказилади.

5. «Сирли мижоз» тадбирини ўтказиш режаси ҳар йили шакллантирилади ва Рақобат қўмитаси томонидан тасдиқланади. Бунда, нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан «сирли мижоз» тадбирлари Рақобат қўмитаси билан келишилган ва тасдиқланган режага мувофиқ ўтказилиши шарт. Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан «сирли мижоз» тадбирлари фақатгина тажриба даврида ўтказилади.

«Сирли мижоз» тадбирини ўтказиш режаси қўйидаги маълумотларни ўзида акс эттиради:

тадбирни ўтказиш даври;

тадбирни ўтказиш жойи (вилоят, шаҳар, туман);

тадбир йўналиши (дорихона ёки тиббиёт ташкилоти).

6. «Сирли мижоз» тадбирининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

дори воситаларини ва тиббий буюмларни дорихоналар томонидан чакана реализация қилиш тартибига амал қилиш, тиббиёт ташкилотлари (тиббий диагностика, муолажа, дори буюриш) фаолиятида истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар, тиббиёт ташкилотлари (тиббий диагностика, муолажа, дори буюриш) фаолиятида белгиланган тартибларга риоя қилинишини ўрганиш ва амалдаги талаблар бузилишининг олдини олиш;

истеъмолчиларнинг номуайян доираси ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва соҳадаги тизимли муаммоларни ўрганиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, оммавий ахборот воситаларида чоп этилган танқидий материалларда баён этилган ҳолатларга ҳамда жамоатчилик фикрини ўрганиш натижасида юзага келган масалаларга аниқлик киритиш;

ўтказилган «сирли мижоз» тадбири натижалари асосида амалдаги талабларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ўтказилган «сирли мижоз» тадбири натижасида қонунчилик ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини назорат қилувчи давлат органи ва ташкилотларига маълумот киритиш;

аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича тегишли чоралар кўриш.

7. «Сирли мижоз» тадбири қўйидаги принципларга амал қилган ҳолда ўтказилади:

қонунийлик;

тадбир ўтказилаётганлигининг сир сақланиши;

тиббий ташкилотининг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаслик;

асосланганлик;

аниқлик ва ишончлилик;

беғаразлик ва холислик;

коррупцияга ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

## **2-боб. «Сирли мижоз» тадбирини ўтказиш тартиби**

8. «Сирли мижоз» тадбири ваколатли органнинг масъул ходими ёки нодавлат нотижорат ташкилотининг Рақобат қўмитаси ҳузуридаги Рақобат сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқлари тадқиқотлари маркази томонидан ташкил қилинган махсус курсларда ўқиб, ўқишни муваффақиятли тамомлаганлик тўғрисидаги махсус сертификатга эга бўлган ходими томонидан ўтказилади.

9. «Сирли мижоз» тадбирини ўтказиш тўғрисида ваколатли орган томонидан буйруқ чиқарилади.

10. Буйруқ қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

ваколатли орган «сирли мижоз» тадбирини ўтказишга масъул ходими ёки ходимларининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими;

тадбир ўтказилаётган юридик шахс номи ва жойлашган манзили;

тадбирни ўтказишда баҳоланадиган мажбурий талаблар;

тадбирни ўтказиш учун асос;

тадбирни ўтказиш муддатлари.

«Сирли мижоз» тадбирини ўтказиш учун бир иш куни, давомли ҳаракатлар учун ушбу ҳаракатнинг охириг қунига қадар муддат белгиланади.

11. «Сирли мижоз» тадбирини дорихонада ўтказишда «сирли мижоз» истеъмолчи (харидор) сифатида дори воситалари ва тиббий буюмларни сотиб олиш учун дорихонага ташриф буюради.

Бу ҳолатда «сирли мижоз»нинг вазифаси дорихона ходимига мурожаат қилиш, маълум бир дори воситалари ва (ёки) тиббий буюмни мавжудлигини сўраб мурожаат қилиш, тегишли хизмат кўрсатилишидан олдин дорихона фаолиятини кузатиш ҳисобланади.

Бунда «сирли мижоз» тадбирини ўтказиш давомида:

дори воситасининг рецепт асосида берилиши;

дори воситаларининг белгиланган тартибда жойлаштирилиши ва сақланиши;

халқаро патентланмаган номланиши бўйича расмийлаштирилган рецептда кўрсатилган дори воситаларини уларни савдо номи бўйича танлаш имконияти яратилиши;

дорихона ходимининг мижозга дори воситаси ва тиббий буюмни қўллаш тартиби, хусусан, қўллаш даврийлиги, бир марталик ва суткалик дозалари, қўллаш усули, сақлаш тартиби, яроқлилик муддати ҳақида маълумот бериши;

дорихона ходимининг мижоз эътиборини дори воситаси ва тиббий буюмнинг қўллаш йўриқномаси билан диққат қилиб танишиб чиқишга қаратиши;

дорихона ходимининг мижозлар билан бўлган муносабатда этика қоидаларига риоя этиши, профессионаллик ва саводхонлик хислатларини намоён этиши;

зарур ҳолларда, мижознинг талабига биноан дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифатини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатиши;

маҳсулотларда нархноманинг мавжудлиги;

мижозга у томонидан сўралмаган ёки рецептда кўрсатилмаган дори воситалари ва (ёки) тиббий буюмларни таклиф қилиш, сотиб олишга ундаш ҳолатлари ўрганилади.

12. «Сирли мижоз» тадбирини тиббиёт ташкилотларида ўтказишда «сирли мижоз» истеъмолчи (бемор) сифатида дори воситаларини тайинлаш, халқаро патентланмаган номланиши бўйича рецептларни расмийлаштириш ҳолати тўғрисида маълумот олиш учун тиббиёт ташкилотига ташриф буюради.

Бу ҳолатда «сирли мижоз»нинг вазифаси тиббиёт ташкилотининг маълум бир шифокорига мурожаат қилиш, ўз касаллиги бўйича шифокордан тушунтириш, маслаҳат ва тавсиялар сўраш, тегишли хизмат кўрсатилишидан олдин тиббиёт ташкилоти фаолиятини кузатиш ҳисобланади.

Бунда «сирли мижоз» ўзини муайян касалликка чалинган бемор сифатида намоён этади ва қуйидаги ҳолатларни ўрганади:

ўз касаллиги бўйича зарур тушунтириш, маслаҳат ва тавсиялар берилиши;

дори воситаларини тайинлаш ва халқаро патентланмаган номланиши бўйича рецептларни расмийлаштириш тартибига риоя этилиши;

савдо номи бўйича айнан бир фармацевтика корхонасига мансуб бўлган дори воситаларини тайинлаш;

ортиқча ва зарур бўлмаган диагностика ва лаборатория таҳлилларини топширишга ундаш;

диагностика ва лаборатория таҳлилларини айнан бир тиббиёт ташкилотида ўтказишга ундаш;

шифокорнинг мижозлар билан бўлган муносабатда этика қоидаларига риоя этиши, профессионаллик ва саводхонлик хислатларини намоён этиши;

тиббиёт ташкилотига юридик шахснинг номи, хизмат турлари ва нархлари тўғрисида маълумотлар мавжудлиги.

13. Хизматнинг нуқсони тўпланган маълумотлар тадбир ўтказилган тиббиёт ташкилотининг ҳудудидан ташқарида касалликларнинг диагностикаси ва даволаш бўйича клиник протокол ва алгоритмлари бўйича солиштириш орқали амалдаги талаблар асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан

ажратилган мутахассислар билан ҳамкорликда аниқланади. Бунда кўрсатилган хизматнинг клиник протокол ва алгоритмларга мослиги бўйича хулоса Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан уч иш кунда ваколатли органга тақдим этилади.

14. «Сирли мижоз» тадбири фақатгина аудио ёки видеокузатув мосламаларидан яширин фойдаланилган ҳолда ўтказилганда, амалга оширилган ҳисобланади.

Ушбу мосламалар ёрдамида ёзиб олинган маълумотлар ваколатли орган томонидан тўлиқ қабул қилиб олинади ва улардан мазкур Низомда кўрсатилган ҳоллардан ташқари бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

15. «Сирли мижоз» тадбирини ўтказиш жараёнида дорихона ходимини ёки шифокорни ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундаш, шу жумладан, низоли, баҳсли ҳолатларни ва камчиликларни сунъий равишда келтириб чиқариш тақиқланади.

16. «Сирли мижоз» тадбирини ўтказишда дорихона ёки тиббиёт ташкилотининг фаолиятига, шу жумладан, молиявий-хўжалик фаолиятига аралашиш, ундан истемолчи сифатида танишиш мумкин бўлганидан ортиқча ҳужжатларни сўраш ва талаб қилишга, унинг тадбир ўтказилиши ҳақида олдиндан хабардор қилинишига йўл қўйилмайди.

17. «Сирли мижоз» тадбири яқунлари бўйича маълумотнома тузилади.

Маълумотномада тадбир давомида аниқланган ҳолатлар қайд этилади. Бунда аудио ёки видеокузатув мосламаларидаги ёзувлар аниқ кўриладиган ёки эшитиладиган даражада бўлгандагина асос сифатида олинади.

Маълумотнома «сирли мижоз» ва тадбирга жалб қилинган шахс ҳамда бириктирилган ходимлар томонидан имзоланади.

Маълумотномага дори воситаси ва (ёки) тиббий буюм сотиб олингани, тиббиёт ташкилоти хизматларидан фойдаланилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (касса ва/ёки товар чеклари), рецепт ва бошқа ҳужжатлар нусхалари илова қилинади ҳамда ваколатли органга юборилади.

Маълумотнома қоғоз шаклида ва сканер қилинган pdf форматида, аудио/видео ёзувлар электрон форматда ваколатли органда бир йил муддат давомида сақланади. Ушбу муддат маъмурий ишлар яқунлангунга қадар қўшимча узайтирилиши мумкин.

18. «Сирли мижоз» тадбирида қонунчилик талабларини биринчи марта бузган тиббиёт ташкилотлари ва дорихоналар, шунингдек, уларнинг раҳбарлари ва (ёки) ходимларига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чораларини қўллагандан (жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда), тушунтириш ишлари олиб борилади ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади.

Бироқ, такрорий равишда «сирли мижоз» тадбири натижасида норматив ҳужжатлар ва қонунчилик талаблари бузилиши аломатлари мавжуд бўлганда, қайд этилган ҳолат бўйича ҳуқуқбузарликни аниқлаш учун текшириш белгиланган тартибда ўтказилади.

### **3-боб. Яқунловчи қоидалар**

19. «Сирли мижоз» тадбири билан боғлиқ ишлар ваколатли орган то-

монидан ўтказилганда Рақобат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари, нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ўтказилганда ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

20. «Сирли мижоз» тадбири натижалари, уни ўтказиш давомида тўпланган фото ва видео материаллар истеъмолчиларнинг хабардорлигини ошириш учун ваколатли орган томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин.

21. «Сирли мижоз» тадбирини ўтказиш натижалари бўйича дорихона ёки тиббиёт ташкилоти белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

22. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 22 октябрдаги 667-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сон қарорининг 2-банди бешинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги бешинчи — ўн биринчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Белгилансинки, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ижро этувчи аппарати, туман, шаҳар жамиятлари, шунингдек уларнинг ҳудудий бирлашмалари ижро этувчи аппаратларининг таъминоти:

аъзолик бадаллари;

мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш учун грантлар ва ижтимоий буюртмалар;

халқаро молия ва бошқа институтлар, чет эл ташкилотлари грантлари;

ҳомийлик хайриялари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу йўналишда давлат органлари ҳамда ташкилотлари ҳамкорлигини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 8 февралдаги 59-сон қарорида:

а) 2-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари (кейинги ўринларда — Қўмита)»;

б) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва миллий аккредитация тизимида аккредитация қилинган синов лабораториялари Қўмитага назорат хариди доирасида олинadиган халқ истеъмоли товарларини тезкор равишда экспертизадан (тестдан) ўтказишда амалий ёрдам кўрсатсинлар»;

в) 4-банднинг биринчи хатбошисидаги «Агентлик» сўзи «Қўмита» сўзи билан алмаштирилсин;

г) иловада:

5-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита) раиси томонидан тасдиқландиган ёки Қўмита билан келишилган ва расмий веб-сайтда жойлаштирилadиган назорат хариди тадбирини ўтказиш режаси»;

бешинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси ёки Монополияга қарши курашиш қўмитасининг» сўзлари «ёки Вазирлар Маҳкамасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-бандда:

биринчи хатбошидаги «Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган ҳолда Агентлик директори» сўзлари «Қўмита раиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ўтказилadиган назорат хариди тадбирлари режаси Қўмита билан келишилган ҳолда тасдиқланади»;

иккинчи — олтинчи хатбошилар тегишлича учинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошидаги «Агентликнинг» сўзи «Қўмитанинг» сўзи билан алмаштирилсин;

8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Назорат хариди тадбирлари Қўмита ёки унинг ҳудудий органлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланган бошқа ваколатли органлар (кейинги ўринларда — ваколатли органлар) билан биргаликда қонунийлик, ошкоралик, холислик, адолатлилик, тенглик ва шаффофлик принципларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ўтказилadиган назорат хариди тадбирлари Қўмита билан келишилган ва тасдиқланган режага мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Бунда:

нодавлат нотижорат ташкилотининг ходими назорат хариди тадбирини амалга ошириши учун Қўмита ҳузуридаги Рақобат сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқлари тадқиқотлари маркази томонидан ташкил қилинган махсус

курсларни муваффақиятли тамомлаганлик тўғрисидаги махсус сертификатга эга бўлиши лозим;

нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан назорат хариди тадбирларини фақатгина тажриба даврида ўтказилади»;

9-банддаги «Агентлик директори» сўзлари «Қўмита ёки ҳудудий органлари ёхуд нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Буйруқ қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

Қўмита ёки унинг ҳудудий органи ёхуд нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда ваколатли органлар назорат хариди тадбирини ўтказишга масъул ходими ёки ходимларининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими;

назорат хариди тадбири бевосита ўтказилаётган жой;

назорат хариди тадбирини ўтказишда баҳоланадиган мажбурий талаблар;

назорат харидини амалга ошириш учун асос;

назорат хариди давомида олинadиган товарларнинг савдо номи, уларнинг сони, сотиб олиш ва тўловни амалга ошириш тўғрисидаги маълумот;

назорат харидини амалга ошириш муддатлари;

назорат хариди давомида фото ва видеотасвирларнинг зарурлиги тўғрисида маълумот;

маълум товар бўйича назорат харидини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

Назорат хариди бундай тадбирлар ўтказилган муайян товар (савдо номи) бўйича юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорда (савдо объекти жойлашуви бўйича) кейинги бир йил давомида такроран амалга оширилишига йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган тартибда келиб тушадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг шикоятлари асосида ўтказиладиган назорат хариди тадбирлари бундан мустасно»;

20-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Танлаб олиш далолатномаси уч нусхада тўлдирилади ва Қўмита ёки унинг ҳудудий органлари ёхуд нодавлат нотижорат ташкилоти, ваколатли орган ҳамда синов лабораторияси ходимларига бир нусхадан берилади. Танлаб олиш далолатномаси уни тўлдирган мутахассис ҳамда Қўмита ёки унинг ҳудудий органи ёхуд нодавлат нотижорат ташкилоти ходими томонидан имзоланади»;

24 ва 25-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Тест натижалари бўйича товар сифати ва хавфсизлик талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолатлар аниқланганда, қонунчилик ҳужжатларига кўра тегишли ҳаракатларни амалга ошириш учун тест натижалари Қўмита ёки унинг ҳудудий органлари ёхуд нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ваколатли органларга юборилади ва текшириш умумий тартибда амалга оширилади.

25. Назорат хариди билан боғлиқ ишларни молиялаштириш Қўмита томонидан ўтказиладиган назорат харидлари Қўмита ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағла-

ри, нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ўтказиладиган назорат харидлари ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади»;

26-банддаги «Агентлик» сўзи «Қўмита ёки унинг ҳудудий органлари ёхуд нодавлат нотижорат ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

27-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Назорат хариди мақсадли корпоратив банк картаси ёрдамида Қўмита ёки унинг ҳудудий органлари ёхуд нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан амалга оширилади. Шунингдек, назорат харидини ўтказиш тўғрисидаги буйруқда Қўмита ёки унинг ҳудудий органлари ёхуд нодавлат нотижорат ташкилотининг моддий жавобгар ходимига бериладиган пул миқдорини қайд этган ҳолда, нақд пул шаклида ҳам тўланиши мумкин»;

28-банддаги «Агентлик ҳамда унинг ҳудудий тузилмалари» сўзлари «Қўмита ва унинг ҳудудий органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

29-банддаги «Агентлик ҳамда унинг ҳудудий тузилмалари» сўзлари «Қўмита ва унинг ҳудудий органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

30-банддаги «Агентлик» сўзи «Қўмита» сўзи билан алмаштирилсин;

31-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Назорат хариди тадбирларини ўтказиш текшириш ҳисобланмайди»;

1-иловининг матни\* қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

2-иловадаги «Агентлик ёки унинг ҳудудий тузилмаси» сўзлари «Қўмита ёки унинг ҳудудий органи ёхуд нодавлат нотижорат ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин.

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**657** **Транспорт воситаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда аҳолининг даромад манбаларини ошириш, ёшлар ва ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш учун қўшимча имкониятлар яратиш, халқаро стандартлар асосида миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари тоифалари ва уларни бериш асосларини кенгайтириш, шунингдек, одам ўлимига сабаб бўлаётган қўпол қоидабузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Стратегик ислохотлар агентлиги ҳамда кенг жамоатчиликнинг 2026 йил 1 январдан бошлаб мопед ва скутерларни, шунингдек, энг юқори конструктив тезлиги соатига 25 километрдан ошмайдиган, иш ҳажми 25 см<sup>3</sup> гача бўлган ички ёнув двигателига эга бўлган ёки номинал (белгиланган) қуввати 0,25 киловаттгача бўлган кичик ҳажмдаги мототранспорт воситаларини (индивидуал ҳаракатланиш воситалари бундан мустасно) бошқариш учун миллий ҳайдовчилик гувоҳномасида «А1» кичик тоифани жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб:

а) «А1» кичик тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берадиган миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун талабгорларга ҳайдовчиларни тайёрлаш мажбурий ўқув дастурини ўтамасдан туриб, тўғридан-тўғри назарий ва амалий имтиҳонларни топшириш ҳуқуқи берилди. Бунда:

талабгорлар ўзларининг ихтиёрига кўра ўқув курсларида (онлайн ёки офлайн шаклда) ўқиши ёхуд мустақил тайёрланиши мумкин бўлади;

миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун талабгорлардан ҳайдовчиларни тайёрлаш ўқув дастури бўйича ўқишни тугатгани ҳақида гувоҳнома талаб этилмайди;

б) «А», «В», «С», «D» тоифадаги автотототранспорт воситаларидан бири-ни бошқариш ҳуқуқини берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган шахслар «А1» кичик тоифадаги транспорт воситаларини тўғридан-тўғри бошқариш ҳуқуқига эга бўлади;

в) «А1» кичик тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берадиган миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий имтиҳонда 20 та электрон (анимацион) тест саволларидан камида 16 тасига тўғри жавоб берган ҳайдовчиликка номзодлар «назарий имтиҳонни топширган» деб ҳисобланади ва амалий имтиҳонга қўйилади;

г) имтиҳонларни муваффақиятли топширган шахсларга «А1» кичик тоифага кирадиган транспорт воситаларини бошқаришга рухсат берил-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 27 октябрда эълон қилинган.

ганлиги тўғрисида маълумот акс этган миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2026 йил 1 февралдан бошлаб «А» ва «В» тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини олиш учун талабгорлар ҳайдовчиларни тайёрлаш бўйича мажбурий ўқув дастурининг назарий қисмини мустақил ўзлаштириши мумкин бўлади. Бунда:

талабгорлар ўз ихтиёрига кўра назарий билимларни олиш учун ўқув курсларида (онлайн ёки офлайн шаклда) ўқийди ёхуд мустақил тайёрланади;

талабгорлар мажбурий ўқув дастурида белгиланган амалий машғулотларда автотототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича давлат ва нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларда тўлиқ қатнашади;

талабгорлар мажбурий ўқув дастурида белгиланган амалий машғулотларда тўлиқ қатнашгандан сўнг транспорт воситаларини бошқариш кўникмаларини баҳолашнинг ижобий натижаларига асосан ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни топширади;

талабгорларнинг ҳайдовчиларни тайёрлаш ўқув дастурининг амалий машғулотлардаги ўқишни тугатгани ҳақидаги маълумотнома электрон тарзда шакллантирилади;

«А» ва «В» тоифадаги транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув гуруҳларини Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида рўйхатга олиш тартиби бекор қилинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

икки ой муддатда «А1» кичик тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини олиш учун амалий имтиҳонларни ўтказиш, шунингдек, транспорт воситасига қўйиладиган талабларни ҳамда ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини олиш учун ўқитиш ва имтиҳонларни топшириш бўйича алоҳида тартибни белгиловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин;

уч ой муддатда Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Стратегик ислохотлар агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Йўл ҳаракати қоидалари, транспортни бошқариш хавфсизлиги ва бошқа йўналишлар бўйича зарур билим ва кўникмаларни шакллантиришга кўмаклашувчи электрон ўқув материалларини ишлаб чиқсин ва улардан барча хоҳловчилар учун очиқ фойдаланиш имкониятини яратсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2026 йил 1 апрелдан бошлаб:

махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимлари орқали қайд этилган тегишли йўл ҳаракати қоидабузарликлари учун ҳам жарима баллари ҳисобланади;

жарима балларини транспорт воситасининг мулкдори ва мазкур транспорт воситасидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар асосида белгиланган тартибда (ишончнома, суғурта полиси, йўл варақаси) фойдаланувчи бошқа ҳайдовчиларга тақсимлаш тартиби жорий этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

а) икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

б) 2026 йил 1 мартга қадар Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда ҳайдовчилар томонидан содир этилган йўл ҳаракати қоидабузарликлари учун уларга жарима балларини ҳисоблашнинг «E-jarimaball» модулида ушбу қарор талаблари асосида махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимлари орқали қайд этилган тегишли йўл ҳаракати қоидабузарликлари учун ҳам жарима балларини қўшиб ҳисоблаш имкониятини яратсин;

в) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мақсади ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл ҳаракати қоидабузарликларини жарима баллари асосида баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида» 2025 йил 6 майдаги 296-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Мазкур банддаги ўзгартириш ва қўшимчалар 2026 йил 1 апрелдан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.А. Ташпулатов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 25 октябрь,  
676-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 25 октябрдаги 676-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл ҳаракати қоидабузарликларини  
жарима баллари асосида баҳолаш тизимини жорий этиш  
тўғрисида» 2025 йил 6 майдаги 296-сон қарорига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — олтинчи хатбошилар тегишлича учинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Иловада:

3-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда Кодекснинг тегишли моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилгани учун асосий жазо билан бирга ушбу Низомда белгиланган тартибда жарима баллари ҳисобланади»;

5-банддан «фақат Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан расмийлаштирилган маъмурий баённомалар бўйича қабул қилинган қарорлар асосида» сўзлари чиқариб ташлансин.

қуйидаги мазмундаги 5<sup>1</sup> ва 5<sup>2</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«5<sup>1</sup>. Жарима баллари, Йўл ҳаракати қоидалари бузилгани ҳолати:

а) Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан расмийлаштирилган маъмурий баённомалар бўйича қабул қилинган қарорлар асосида транспорт воситаларини бевосита бошқарган ҳайдовчиларга нисбатан;

б) махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимлари орқали қайд этилган Кодексда назарда тутилган тегишли қоидабузарликлар учун расмийлаштирилган жарима солиш тўғрисидаги қарорлар асосида транспорт воситасининг мулкдори ёки мазкур транспорт воситасидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар асосида белгиланган тартибда фойдаланган шахсга нисбатан ҳисобланади.

5<sup>2</sup>. Йўл ҳаракати қоидалари бузилгани ҳолати махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилганда жарима баллари ҳисобланадиган ҳайдовчининг шахси қуйидаги тартибда аниқланади:

а) транспорт воситасининг мулкдори (жисмоний ва юридик шахс) томонидан:

жисмоний шахс ўзига тегишли бўлган транспорт воситасидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар асосида белгиланган тартибда фойдаланувчи бошқа ҳайдовчига ёки юридик шахснинг транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул бўлган шахсига топширилгани тўғрисидаги маълумотларни кiritиб бориш учун тегишли ахборот тизимларида шахсий электрон кабинет очилади;

бошқа ҳайдовчи тўғрисидаги маълумотлар ушбу ҳайдовчига транспорт

воситаси бошқариш учун топширилишидан олдин шахсий электрон кабинетига киритилади;

транспорт воситасини амалда бошқариш учун қабул қилган ҳайдовчи томонидан мазкур маълумотлар тасдиқланади;

б) махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими орқали қайд этилган қоидабузарлик учун жарима баллари ҳисобланадиган (қоидабузарлик содир этган) ҳайдовчи тўғрисидаги аниқ маълумот мавжуд бўлмаган (шахсий электрон кабинет орқали тасдиқланмаган) ҳолатларда жарима баллари мазкур қоидабузарлик содир этилган транспорт воситасининг мулкдорига нисбатан (унда ҳайдовчилик гувоҳномаси мавжуд бўлса) қўлланилади;

в) махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими орқали қайд этилган қоидабузарлик учун жарима баллари ҳисобланадиган (қоидабузарлик содир этган) ҳайдовчининг шахси тўғрисидаги аниқ маълумот мавжуд бўлмаган (шахсий электрон кабинет орқали тасдиқланмаган), шунингдек, мулкдорига нисбатан жарима балларини қўллаш имконсиз (ҳайдовчилик гувоҳномаси мавжуд бўлмаса) бўлган транспорт воситаларида содир этилган қоидабузарликлар учун ҳисобланадиган жарима баллари йиғиндиси 12 баллдан ошганда, мазкур транспорт воситаси жарима майдончасига жойлаштириш орқали вақтинча ушлаб турилади»;

1-илованинг 2-босқич «Тадбирлар» устунисидаги «ДЙҲХХ ходими томонидан расмийлаштирилган маъмурий баённомалар бўйича» сўзлари чиқариб ташлансин.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING  
BUYRUG‘I****658 O‘zbekiston Respublikasi byudjet tizimi byudjetlarining  
g‘azna ijrosi qoidalariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar  
kiritish haqida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
22-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2850-3*

O‘zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi, “Litsenziyalash, ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillari to‘g‘risida”gi va 2022-yil 11-martdagi O‘RQ–758-son “Soliq ma‘muriyatchiligi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qonunlari, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrda PF–269-son “Yangi O‘zbekiston ma‘muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2024-yil 10-iyuldagi PF–100-son “Byudjet mablag‘laridan foydalanish ustidan moliyaviy nazoratni kuchaytirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi farmonlari, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 25-iyundagi 522-son “O‘zaro hisob-kitoblar tizimida elektron shakldagi hisobvaraqa-fakturalardan foydalanishni takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi, 2022-yil 21-apreldagi 206-son “Ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish dasturlarini shakllantirish va davlat investitsiyalarini boshqarish tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi hamda 2022-yil 20-maydagi 276-son “Davlat xaridlarini amalga oshirish bilan bog‘liq tartib-taomillarni tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2016-yil 22-noyabrda 88-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2850, 2016-yil 22-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 51-son, 593-modda) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi byudjet tizimi byudjetlarining g‘azna ijrosi qoidalariga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki bilan kelishilgan.

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 23-oktabrda e‘lon qilingan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**J. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 8-sentabr,  
285-son

*Kelishildi:*

**Markaziy bank raisi**

**T. ISHMETOV**

*2025-yil 11-avgust*

O'zbekiston Respublikasi  
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil  
8-sentabrdagi 285-son buyrug'iga  
ILOVA

### **O'zbekiston Respublikasi byudjet tizimi byudjetlarining g'azna ijrosi qoidalariga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar Yagona g'azna hisobvarag'ini (bundan buyon matnda YG'H deb yuritiladi) qo'llash orqali O'zbekiston Respublikasining byudjet tizimi byudjetlari (bundan buyon matnda byudjet tizimi byudjetlari deb yuritiladi), shuningdek boshqa maqsadli jamg'armalar (bundan buyon matnda BMJ deb yuritiladi) byudjetlarining maxfiy xususiyatga ega bo'lmagan daromad va xarajatlarining g'azna ijrosini amalga oshirish tartibini belgilaydi.”.

2. 1-banda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“**BMJ** — mablag'lari qonunchilikda nazarda tutilgan manbalar hisobidan shakllantiriladigan, muayyan sohalarni moliyalashtirish uchun qonunchilik hujjatlari bilan tashkil etiladigan, davlat maqsadli jamg'armalari va byudjet tashkilotlarining byudjetdan tashqari jamg'armalariga kirmaydigan jamg'armalar;”;

beshinchi xatboshidagi “g'aznachilik bo'linmasining” degan so'zlar “g'aznachilik xizmati bo'linmasining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

o'n uchinchi xatboshidagi “O'RMV” AT” degan so'zlar “O'RIMV” AT” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi o'n beshinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“**g'aznachilik xizmati bo'linmasi (bo'linmalari)** — O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi (bundan buyon matnda Iqtisodiyot va moliya vazirligi deb yuritiladi) huzuridagi G'aznachilik xizmati qo'mitasi (bundan buyon matnda G'aznachilik xizmati qo'mitasi deb yuritiladi), Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahar G'aznachilik xizmati boshqarmalari hamda tuman (shahar) G'aznachilik xizmati bo'limlari;”;

o'n beshinchi xatboshi o'n oltinchi xatboshi deb hisoblansin;  
o'n oltinchi xatboshidagi "dasturiy majmua." degan so'zlar "dasturiy majmua;" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to'ldirilsin:

**"UzASBO-Faktura" elektron tizimi** — buyurtmachilarning elektron hisob-fakturalar hisobini yuritish uchun mo'ljallangan elektron tizim."

3. 2 va 3-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"2. Mazkur Qoidalarning amal qilishi byudjet tizimi byudjetlari va BMJ budjetlarining g'azna ijrosi jarayonida ishtirok etuvchi Iqtisodiyot va moliya vazirligi va hududiy iqtisodiyot va moliya organlari, g'aznachilik xizmati bo'linmalari va buyurtmachilarga tatbiq etiladi.

3. G'aznachilik xizmati bo'linmalarida ro'yxatdan o'tkazilishi lozim bo'lgan yuridik majburiyatlar, shuningdek ularga o'zgartirish va qo'shimchalar ular g'aznachilik xizmati bo'linmalarida ro'yxatdan o'tkazilganidan so'ng kuchga kiradi. Bunda yuridik majburiyatlar yuzaga kelganligini tasdiqlovchi hujjatlar g'aznachilik xizmati bo'linmalarida ro'yxatdan o'tkazish uchun joriy moliya yilining 25-dekabridan kechiktirmay taqdim qilinadi, mazkur Qoidalarning 85-bandida nazarda tutilgan yuridik majburiyatlar bundan mustasno."

4. 7-bandda:

birinchi xatboshidagi "G'aznachilik bo'linmalari" degan so'zlar "G'aznachilik xizmati bo'linmalari" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi "g'aznachilik bo'linmalariga" degan so'zlar "g'aznachilik xizmati bo'linmalariga" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

5. 8-bandda:

birinchi xatboshidagi "g'aznachilik bo'linmalariga" degan so'zlar "g'aznachilik xizmati bo'linmalariga" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi "g'aznachilik bo'linmalariga" va "o'n" degan so'zlar tegishli ravishda "g'aznachilik xizmati bo'linmalariga" va "o'ttiz" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

6. 9-bandning birinchi xatboshisidagi "g'aznachilik bo'linmalaridan" degan so'zlar "g'aznachilik xizmati bo'linmalaridan" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

7. 10-banddagi "g'aznachilik bo'linmalari" va "Moliya vazirligining" degan so'zlar tegishli ravishda "g'aznachilik xizmati bo'linmalari" hamda "Iqtisodiyot va moliya vazirligining" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

8. 11-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“185. Bir shaxsiy g'azna hisobvarag'idan boshqa shaxsiy g'azna hisobvarag'iga mablag'lar o'tkazish uchun buyurtmachilar tomonidan g'aznachilik xizmati bo'linmalariga uch nusxada g'aznachilik memorial orderlari taqdim qilinadi. Buyurtmachilarning tegishli vakolatli shaxslari tomonidan imzolangan va muhr izi bilan tasdiqlangan g'aznachilik memorial orderlarining birinchi nusxasi, g'aznachilik xizmati bo'linmalariga buyurtmachilarning g'aznachilik xizmati bo'linmalariga shaxsiy g'azna hisobvarag'i bo'yicha kassa xarajatlarini amalga oshirish uchun topshirig'i bo'lib xizmat qiladi. G'aznachilik memorial orderlarining ikkinchi nusxasi g'aznachilik xizmati bo'linmalarining vakolatli va mas'ul shaxslari tomonidan imzolanadi, g'aznachilik xizmati bo'linmalarining muhr izi bilan tasdiqlanadi va buyurtmachilarning shaxsiy g'azna hisobvaraqlaridan mablag'larni o'tkazish uchun asos bo'ladi. G'aznachilik xizmati bo'linmalarining "TO'LANDI" belgisi bilan va to'langan sana qo'yilgan g'aznachilik memorial orderlarining uchinchi nusxasi shaxsiy g'azna hisobvaraqlardan ko'chirma bilan birgalikda buyurtmachilarning mas'ul xodimlariga qaytariladi.”.

122. 186-banddagi “g'aznachilik bo'linmalarining” degan so'zlar “g'aznachilik xizmati bo'linmalarining” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

123. 190-bandda:

birinchi xatboshidagi “G'aznachilik bo'linmalarining” degan so'zlar “G'aznachilik xizmati bo'linmalarining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “g'aznachilik bo'linmalarida” degan so'zlar “g'aznachilik xizmati bo'linmalarida” degan so'zlar almashtirilsin.

124. Quyidagi tahrirdagi 8<sup>1</sup>-bob bilan to'ldirilsin:

**“8<sup>1</sup>-bob. Davlat xaridlari sohasida qonunbuzilishi holatlari  
aniqlanganda, to'lovlarni vaqtincha to'xtatish, shartnomani  
ro'yxatdan o'tkazmasdan qaytarish va uni bekor qilish to'g'risida  
xabarnoma yuborish**

190<sup>1</sup>. Buyurtmachilar tomonidan G'aznachilik xizmati qo'mitasi va uning hududiy bo'linmalariga yuborilgan shartnomalar, Yuridik majburiyatlarni ro'yxatdan o'tkazishga (hisobga olishga) buyurtmalar, to'lov topshiriqnomalar va g'azna memorial orderlarni tekshirish jarayonida davlat xaridlari sohasida qonunbuzilishi holatlari aniqlangan taqdirda, ular G'aznachilik xizmati qo'mitasi va uning hududiy bo'linmalari tomonidan ro'yxatdan o'tkazilmasdan yoki hisobga olinmasdan qaytariladi.

Davlat xaridlari sohasida qonunbuzilishi holatlari aniqlangan taqdirda G‘aznachilik xizmati qo‘mitasi va uning hududiy bo‘linmalari “O‘RIMV” ATda uch ish kuni mobaynida shartnoma(lar)ni bekor qilish to‘g‘risida buyurtmachi(lar)ga hamda qonunbuzilish holatlari mavjudligi to‘g‘risida davlat moliyaviy nazorat organlariga xabarnoma yuboradi.

190<sup>2</sup>. G‘aznachilik xizmati qo‘mitasi va uning hududiy bo‘linmalari moliyaviy operatsiyalarning barcha jarayonlari bo‘yicha shubhali holatlar to‘g‘risida davlat moliyaviy nazorat organlarini uch ish kuni mobaynida xabardor qiladi.

190<sup>3</sup>. Jamoatchilik nazorati subyektlari yoki boshqa vakolatli organlardan qonunbuzilish holatlari to‘g‘risida ma‘lumotlar kelib tushganda yoki mustaqil ravishda xavf(risk)lar aniqlanganda, vaziyatga aniqlik kiritilgunga qadar G‘aznachilik xizmati qo‘mitasi va uning hududiy bo‘linmalari to‘lovlarni vaqtincha to‘xtatib turadi (qonunchilikda belgilangan kechiktirib bo‘lmaydigan xarajatlar bundan mustasno).”.

125. 191-bandda:

birinchi xatboshidagi “(ro‘yxat raqami 2465, 2013-yil 3-iyun)” va “g‘aznachilik bo‘linmasiga” degan so‘zlar tegishli ravishda “(ro‘yxat raqami 3229, 2020-yil 13-aprel)” hamda “g‘aznachilik xizmati bo‘linmasiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “Moliya vazirligi G‘aznachiligi” degan so‘zlar “Iqtisodiyot va moliya vazirligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

126. 192-bandda:

birinchi xatboshidagi “g‘aznachilik bo‘linmalariga” degan so‘zlar “g‘aznachilik xizmati bo‘linmalariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “g‘aznachilik bo‘linmasiga” va “g‘aznachilik bo‘linmasining” degan so‘zlar tegishli ravishda “g‘aznachilik xizmati bo‘linmasiga” hamda “g‘aznachilik xizmati bo‘linmasining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

uchinchi va to‘rtinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“bir hudud ichida hisob-kitoblarni amalga oshirishda (g‘aznachilik xizmati bo‘linmasi to‘lovchiga xizmat ko‘rsatuvchi bank bilan bitta hududda (shahar yoki tumanda) joylashgan bo‘lsa) to‘rt nusxada. Bunda buyurtmachining tegishli vakolatli shaxslari tomonidan imzolangan va muhr izi bilan tasdiqlangan inkasso topshiriqnomasining birinchi nusxasi buyurtmachining g‘aznachilik xizmati bo‘linmasiga inkasso topshiriqnomasini qo‘yish uchun topshirig‘i bo‘lib xizmat qiladi. Inkasso topshiriqnomasining ikkinchi, uchinchi va to‘rtinchi nusxalari g‘aznachilik xizmati bo‘linmasining vakolatli va mas‘ul xodimi tomonidan imzolanadi, g‘aznachilik xizmati bo‘linmasining muhr izi bilan tasdiqlanadi hamda bevosita to‘lovchiga xizmat ko‘rsatuvchi bankka taqdim etiladi. Inkasso topshiriqnomasining to‘rtinchi nusxasi qabul qilingan sana ko‘rsatilib, to‘lovchiga xizmat ko‘rsatuvchi bank buxgalteri imzosi va mazkur buxgalterga birlashtirilgan muhr bilan tasdiqlangan holda g‘aznachilik xizmati bo‘linmasiga qaytariladi;

hududlararo hisob-kitoblarni amalga oshirishda (g‘aznachilik xizmati bo‘linmasi to‘lovchiga xizmat ko‘rsatuvchi bank bilan turli hududda (shahar yoki tumanda) joylashgan bo‘lsa) to‘rt nusxada. Bunda buyurtmachining tegishli vakolatli shaxslari tomonidan imzolangan va muhr izi bilan tasdiqlangan inkasso

topshiriqnomasining birinchi nusxasi buyurtmachining g'aznachilik xizmati bo'linmasiga inkasso topshiriqnomasini qo'yish uchun topshirig'i bo'lib xizmat qiladi. Inkasso topshiriqnomasining ikkinchi, uchinchi va to'rtinchi nusxalari g'aznachilik xizmati bo'linmasining vakolatli va mas'ul xodimi tomonidan imzolanadi, g'aznachilik xizmati bo'linmasining muhr izi bilan tasdiqlanadi hamda bevosita to'lovchiga xizmat ko'rsatuvchi bankka taqdim etiladi. Inkasso topshiriqnomasining to'rtinchi nusxasi qabul qilingan sana ko'rsatilib, to'lovchiga xizmat ko'rsatuvchi bank buxgalteri imzosi va mazkur buxgalterga birlashtirilgan muhr bilan tasdiqlangan holda g'aznachilik xizmati bo'linmasiga qaytariladi.”.

127. 193-bandda:

birinchi xatboshidagi “g'aznachilik bo'linmalariga” degan so'zlar “g'aznachilik xizmati bo'linmalariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi va uchinchi xatboshidagi “g'aznachilik bo'linmasiga” va “g'aznachilik bo'linmasining” degan so'zlar tegishli ravishda “g'aznachilik xizmati bo'linmasiga” hamda “g'aznachilik xizmati bo'linmasining” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

128. 194-bandda:

birinchi xatboshidagi “G'aznachilik bo'linmasi” degan so'zlar “G'aznachilik xizmati bo'linmasi” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “g'aznachilik bo'linmasiga” degan so'zlar “g'aznachilik xizmati bo'linmasiga” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

129. 195-banddagi “moliya organlariga murojaatini moliya organlari” degan so'zlar “iqtisodiyot va moliya organlariga murojaatini iqtisodiyot va moliya organlari” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

130. 196-bandda:

birinchi xatboshidagi “Moliya organlari” degan so'zlar “Iqtisodiyot va moliya organlari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “O'RMV” ATda” degan so'zlar “O'RIMV” ATda” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

to'rtinchi xatboshidagi “g'aznachilik bo'linmalariga” degan so'zlar “g'aznachilik xizmati bo'linmalariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

131. 197-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“197. G'aznachilik xizmati bo'linmalarining mas'ul xodimlari iqtisodiyot va moliya organlari tomonidan ijro hujjatining asli taqdim etilganidan so'ng ikki ish kuni muddatida iqtisodiyot va moliya organlari tomonidan “O'RIMV” ATda ma'qullangan to'lov hujjatini tasdiqlash va to'lovni amalga oshirish yo'li bilan ijro hujjati ijrosini ta'minlaydi va ijro hujjatining aslini tegishli iqtisodiyot va moliya organiga qaytaradi.”;

ikkinchi xatboshidagi “moliya organida” degan so'zlar “iqtisodiyot va moliya organida” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

132. 200-banddagi “g'aznachilik bo'linmalari” va “moliya organini” degan so'zlar tegishli ravishda “g'aznachilik xizmati bo'linmalari” hamda “iqtisodiyot va moliya organini” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

133. 202-banddagi “g'aznachilik bo'linmalari” degan so'zlar “g'aznachilik xizmati bo'linmalari” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

134. 204-banddagi “G‘aznachilik bo‘linmalari” va “O‘RMV” ATda” degan so‘zlar tegishli ravishda “G‘aznachilik xizmati bo‘linmalari” hamda “O‘RIMV” ATda” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

135. 205-bandning birinchi xatboshisidagi “G‘aznachilik bo‘linmalari” degan so‘zlar “G‘aznachilik xizmati bo‘linmalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

136. 206-bandda:

birinchi xatboshidagi “g‘aznachilik bo‘linmasining” va “g‘aznachilik bo‘linmalariga” degan so‘zlar tegishli ravishda “g‘aznachilik xizmati bo‘linmasining” hamda “g‘aznachilik xizmati bo‘linmalariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “G‘aznachilik bo‘linmasining” va “O‘RMV” ATda” degan so‘zlar tegishli ravishda “G‘aznachilik xizmati bo‘linmasining” hamda “O‘RIMV” ATda” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

137. 206<sup>1</sup>-bandda:

birinchi xatboshidagi “G‘aznachilik bo‘linmasida” va “g‘aznachilik bo‘linmalariga” degan so‘zlar tegishli ravishda “G‘aznachilik xizmati bo‘linmasida” hamda “g‘aznachilik xizmati bo‘linmalariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “G‘aznachilik bo‘linmasining” va “O‘RMV” ATda” degan so‘zlar tegishli ravishda “G‘aznachilik xizmati bo‘linmasining” hamda “O‘RIMV” ATda” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

138. 207-banddagi “g‘aznachilik bo‘linmalari” degan so‘zlar “g‘aznachilik xizmati bo‘linmalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

139. 209-banddagi “g‘aznachilik bo‘linmasi” degan so‘zlar “g‘aznachilik xizmati bo‘linmasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

140. 210-banddagi “moliya organiga” degan so‘zlar “iqtisodiyot va moliya organiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

141. 217-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“217. Mahalliy byudjetdan o‘z muddatida qaytarilmagan byudjet ssudalari va o‘zaro hisob-kitoblar bo‘yicha yuqori byudjet oldidagi qarzdorliklarni so‘zsiz undirish uchun mablag‘larni Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahri, shuningdek DMJ byudjetlaridan O‘zbekiston Respublikasi respublika byudjetiga undirishda Iqtisodiyot va moliya vazirligining tegishli boshqarmalari tomonidan Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi G‘aznachilik xizmati qo‘mitasi, Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahri byudjetlariga tuman va shahar byudjetlaridan undirishda Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahri iqtisodiyot va moliya boshqarmalari tomonidan Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahar g‘aznachilik xizmati boshqarmalariga tegishli mazmundagi xat bilan birgalikda ikki nusxada Byudjet mablag‘larini o‘tkazish (so‘zsiz undirish) uchun so‘rovnoma taqdim etadi.”

142. 218-banddagi “G‘aznachilik bo‘linmalarining” va “moliya organiga” degan so‘zlar tegishli ravishda “G‘aznachilik xizmati bo‘linmalarining” hamda “iqtisodiyot va moliya organiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

143. 219-banddagi “G‘aznachilik bo‘linmalari moliya organlarining” va “O‘RMV” ATda” degan so‘zlar tegishli ravishda “G‘aznachilik xizmati bo‘linmalari iqtisodiyot va moliya organlarining” hamda “O‘RIMV” ATda” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

144. 220-banddagi “Moliya vazirligi” degan soʻzlar “Iqtisodiyot va moliya vazirligi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

145. 221-bandning birinchi xatboshisidagi “moliya organlari, gʻaznachilik boʻlinmalari” degan soʻzlar “iqtisodiyot va moliya organlari, gʻaznachilik xizmati boʻlinmalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

146. 223-bandning birinchi xatboshisidagi va 223<sup>1</sup>-banddagi “gʻaznachilik boʻlinmalariga” degan soʻzlar “gʻaznachilik xizmati boʻlinmalariga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

147. 223<sup>2</sup>-banddagi “Gʻaznachilik boʻlinmasining” va “OʻRMV” ATda” degan soʻzlar tegishli ravishda “Gʻaznachilik xizmati boʻlinmasining” hamda OʻRIMV” ATda” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

148. 223<sup>3</sup>-bandda:

birinchi xatboshidagi “Gʻaznachilik boʻlinmasida” va “gʻaznachilik boʻlinmalariga” degan soʻzlar tegishli ravishda “Gʻaznachilik xizmati boʻlinmasida” hamda “gʻaznachilik xizmati boʻlinmalariga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “Gʻaznachilik boʻlinmasining” va “OʻRMV” ATda” degan soʻzlar tegishli ravishda “Gʻaznachilik xizmati boʻlinmasining” hamda “OʻRIMV” ATda” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

149. 225-bandda:

birinchi xatboshidagi “OʻRMV” ATga” degan soʻzlar “OʻRIMV” ATga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Iqtisod qilingan mablagʻlarni Byudjet tashkilotlarining rivojlantirish jamgʻarmasi va Tibbiyot tashkilotlarining moddiy ragʻbatlantirish va rivojlantirish jamgʻarmasiga oʻtkazish toʻlov hujjati iqtisodiyot va moliya organlari tomonidan “OʻRIMV” ATda maʼqullanganidan soʻng gʻaznachilik xizmati boʻlinmalari tomonidan amalga oshiriladi.”.

150. 226-banddagi “gʻaznachilik boʻlinmalariga” degan soʻzlar “gʻaznachilik xizmati boʻlinmalariga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

151. 232-bandning birinchi xatboshisidagi “moliya organlari” degan soʻzlar “iqtisodiyot va moliya organlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

152. 233-bandning birinchi xatboshisidagi va 233<sup>1</sup>-banddagi “gʻaznachilik boʻlinmalariga” degan soʻzlar “gʻaznachilik xizmati boʻlinmalariga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

153. 233<sup>2</sup>-banddagi “Gʻaznachilik boʻlinmasining” va “OʻRMV” ATda” degan soʻzlar tegishli ravishda “Gʻaznachilik xizmati boʻlinmasining” hamda OʻRIMV” ATda” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

154. 233<sup>3</sup>-bandda:

birinchi xatboshidagi “Gʻaznachilik boʻlinmasida” va “gʻaznachilik boʻlinmalariga” degan soʻzlar tegishli ravishda “Gʻaznachilik xizmati boʻlinmasida” hamda “gʻaznachilik xizmati boʻlinmalariga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “Gʻaznachilik boʻlinmasining” va “OʻRMV” ATda” degan soʻzlar tegishli ravishda “Gʻaznachilik xizmati boʻlinmasining” hamda “OʻRIMV” ATda” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

155. 234-banddagi “g‘aznachilik bo‘linmalarida” degan so‘zlar “g‘aznachilik xizmati bo‘linmalarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

156. 235-bandda:

birinchi xatboshidagi “moliya organlari va g‘aznachilik bo‘linmalariga” degan so‘zlar “iqtisodiyot va moliya organlari va g‘aznachilik xizmati bo‘linmalariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “g‘aznachilik bo‘linmalariga” degan so‘zlar “g‘aznachilik xizmati bo‘linmalariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

157. 236-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“236. G‘aznachilik xizmati bo‘linmalari yuridik va moliyaviy majburiyatlarni o‘z muddatida va to‘g‘ri ro‘yxatdan o‘tkazilishi va hisobga olinishiga, to‘lovlarning amalga oshirilishi hamda talab qilinadigan hujjatlarning to‘liqliligiga, shuningdek o‘z zimmasiga yuklatilgan boshqa vazifalarni mazkur Qoidalarga muvofiq bajarishga javobgardir.

G‘aznachilik xizmati bo‘linmalari ro‘yxatdan o‘tkazilgan shartnomalar bo‘yicha muddati o‘tgan debitor va kreditor qarzdorliklar hisobini yuritadi hamda har chorak yakuni bo‘yicha chorakdan keyingi oyning 10-sanasiga qadar O‘zbekiston Respublikasining Hisob palatasi va O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentiga taqdim etib boradi.”.

158. 1 va 2-ilovalarning matnidagi “G‘aznachilik bo‘linmasi rahbari yoki vakolatli shaxsi” degan so‘zlar “G‘aznachilik xizmati bo‘linmasi rahbari yoki vakolatli shaxsi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

159. 3-ilovaning matnidagi “G‘aznachilik bo‘linmasining mas‘ul xodimi” degan so‘zlar “G‘aznachilik xizmati bo‘linmasining mas‘ul xodimi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

160. 5-ilovaning matnidagi “G‘aznachilik bo‘linmasi nomi” degan so‘zlar “G‘aznachilik xizmati bo‘linmasi nomi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

161. 6-ilova 2-pozitsiyasining “To‘lov turlari” ustunidagi “G‘aznachilik bo‘linmalari” degan so‘zlar “G‘aznachilik xizmati bo‘linmalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

162. 7-ilovaning matnidagi “G‘aznachilik bo‘linmasi” va “G‘aznachilik bo‘linmasining” degan so‘zlar tegishli ravishda “G‘aznachilik xizmati bo‘linmasi” va “G‘aznachilik xizmati bo‘linmasining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

163. 8-ilovaning matnidagi “g‘aznachilik bo‘linmasiga” va “G‘aznachilik bo‘linmasining” degan so‘zlar tegishli ravishda “g‘aznachilik xizmati bo‘linmasiga” hamda “G‘aznachilik xizmati bo‘linmasining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

164. 10-ilovaning matnidagi “G‘aznachilik bo‘linmasining” degan so‘zlar “G‘aznachilik xizmati bo‘linmasining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

165. 13-ilovaning matnidagi “G‘aznachilik bo‘linmasining mas‘ul xodimi” degan so‘zlar “G‘aznachilik xizmati bo‘linmasining mas‘ul xodimi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

166. 14-ilovaning matnidagi “G‘aznachilik bo‘linmasi nomi” va “g‘aznachilik bo‘linmasiga” degan so‘zlar tegishli ravishda “G‘aznachilik xizmati bo‘linmasi nomi” hamda “g‘aznachilik xizmati bo‘linmasiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI  
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOLIQ QO‘MITASI  
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING  
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGINING  
QARORI

**659** “Kasaba uyushmalari organlarining xodimlar va ularning oila a‘zolarini sog‘lomlashtirish uchun yo‘naltirilgan mablag‘larni sarflash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
23-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1690-2*

O‘zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi, O‘zbekiston Respublikasining “Kasaba uyushmalari to‘g‘risida”gi Qonuni va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 18-noyabrdagi PQ–427-son “Bolalarning dam olishlarini tizimli tashkil etish va sog‘lomlashtirish ishlarini yanada takomillashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, Soliq qo‘mitasi va Markaziy bank boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va Markaziy bank boshqaruvining 2007-yil 15-maydagi 56, M-23, 2007-14 va 287-V-son “Kasaba uyushmalari organlarining xodimlar va ularning oila a‘zolarini sog‘lomlashtirish uchun yo‘naltirilgan mablag‘larni sarflash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga (ro‘yxat raqami 1690, 2007-yil 14-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2007-y., 24-son, 257-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

**J. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 19-sentabr,  
287-son

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-oktabrda e‘lon qilingan.

**Soliq qo‘mitasi raisi**

**Sh. KUDBIYEV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 4-sentabr,  
2025-12-son

**Markaziy bank raisi**

**T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 12-sentabr,  
287-V-2-son

**Kambag‘allikni qisqartirish  
va bandlik vaziri**

**B. ZAXIDOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 8-sentabr,  
08/427-son

*Kelishildi:*

***O‘zbekiston kasaba uyushmalari  
Federatsiyasi raisi***

***K. RAFIKOV***

*2025-yil 27-avgust*

O‘zbekiston Respublikasi  
Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil  
19-sentabrdagi 287-son, Kambag‘allikni  
qisqartirish va bandlik vazirligining 2025-yil  
8-sentabrdagi 08/427-son, Soliq qo‘mitasining  
2025-yil 4-sentabrdagi 2025-12-son, Markaziy  
bank boshqaruvining 2025-yil 12-sentabrdagi  
287-V-2-son qaroriga  
ILOVA

**“Kasaba uyushmalari organlarining xodimlar va ularning oila  
a‘zolarini sog‘lomlashtirish uchun yo‘naltirilgan mablag‘larni  
sarflash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga  
kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar**

1. Qaror muqaddimasidagi “O‘zbekiston Respublikasi “Kasaba uyushmalari, ularning huquqlari va faoliyatining kafolatlari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasining “Kasaba uyushmalari to‘g‘risida”gi Qonuni” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Nizomda:

1) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom kasaba uyushmalari organlarining xodimlar va ularning oila a‘zolarini sog‘lomlashtirish uchun yo‘naltirilgan mablag‘larini sarflash tartibini belgilaydi.”;

2) 1-bobning nomidagi “Federatsiyasi Kengashining” degan so‘zlar “Federatsiyasining” degan so‘z bilan almashtirilsin;

3) 1-bandda:

birinchi xatboshidagi “Federatsiyasi Kengashining” degan so‘zlar “Federatsiyasining” degan so‘z bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “Federatsiyasi Kengashiga” va “yagona ijtimoiy to‘lovdan” degan so‘zlar tegishli ravishda “Federatsiyasiga” va “ijtimoiy soliqdan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

4) 2-bobning nomidagi “bank muassasalaridagi” degan so‘zlar “banklardagi” degan so‘z bilan almashtirilsin;

5) 2-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Banklarda depozit va tranzit hisobvaraqlarini ochish Bank hisobvaraqlarini ochish, yuritish va yopish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga (ro‘yxat raqami 3420, 2023-yil 8-fevral) muvofiq amalga oshiriladi.”;

6) 3-bandda:

birinchi va ikkinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Kasaba uyushmalari organlari Qoraqalpog‘iston, viloyatlar, Toshkent shahar kengashlariga (keyingi o‘rinlarda — hududiy kengashlar deb yuritiladi) banklarda quyidagi bank hisobvaraqlari ochiladi:

202112 “Nodavlat notijorat tashkilotlarining talab qilib olinguncha saqlanadigan depozitlari” balans hisobvarag‘ida ijtimoiy sug‘urta mablag‘larini, shu jumladan ijtimoiy sug‘urta mablag‘lari hisobiga olingan yo‘llanmalarni

sotib olishdan tushgan mablag'larni hisobga olish uchun ijtimoiy sug'urta bo'yicha tranzit hisobvaraqlar ochiladi, ularning 30 foizi belgilangan tartibda taqsimlangunga qadar — O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasiga, 70 foizi hududiy kengashlarga yo'naltiriladi;"

uchinchi xatboshidagi "hududiy birlashmalar" degan so'zlar "hududiy kengashlar" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

to'rtinchi va beshinchi xatboshilar chiqarib tashlansin;

7) 5-bandda:

birinchi xatboshidagi "Federatsiyasi Kengashining" degan so'zlar "Federatsiyasining" degan so'z bilan almashtirilsin;

to'rtinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"tashkiliy-huquqiy shaklidan qat'i nazar O'zbekiston Respublikasi hududida faoliyat yuritayotgan bolalar sog'lomlashtirish oromgohlari yo'llanmalari narxining bir qismini qoplash uchun ijtimoiy soliq tushumidan ajratmani hisobga olgan holda oromgohlarga yoki kasaba uyushmalari tashkilotlari orqali uning a'zolariga bazaviy hisoblash miqdorining kamida 50 foizi miqdorida kompensatsiya berishga;"

beshinchi xatboshidagi "va moliyaviy imkoniyatlari darajasida sport anjomlarini" va "qisman mablag' ajratishga" degan so'zlar tegishli ravishda "sport anjomlarini" va "mablag' ajratishga" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

oltinchi xatboshidagi "hududiy birlashmalar" degan so'zlar "hududiy kengashlar" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

sakkizinchi xatboshidagi "Federatsiyasi Kengashining" degan so'zlar "Federatsiyasining" degan so'z bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi to'qqizinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

"O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi tizimidagi sport majmualari abonementlarini sotib olishga;"

to'qqizinchi xatboshi o'ninchi xatboshi deb hisoblansin;

o'ninchi xatboshidagi "Federatsiyasi Kengashi rayosati" degan so'zlar "Federatsiyasi Ijroiya qo'mitasi" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

8) 6-bandda:

"v" kichik banddagi "oromgohlarida bolalarni ta'minotida hissali ishtirok etishga yo'naltiriladigan mablag'lar" degan so'zlar "oromgohlariga yoki kasaba uyushmalari tashkilotlari orqali uning a'zolariga bazaviy hisoblash miqdorining kamida 50 foizi miqdorida kompensatsiya mablag'lari" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

"g" kichik band o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin;

"e" kichik banddagi "hududiy birlashmalarning" va "sarflanadi." degan so'zlar tegishli ravishda "hududiy kengashlarning" va "sarflanadi;" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi "j" kichik band bilan to'ldirilsin:

"j) sport majmualari abonementlarini sotib olish uchun mablag'lar, tasdiqlangan smetaga muvofiq O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi tizimidagi sport majmualarining joriy hisobvaraqlariga o'tkaziladi.";

9) 8-band o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin;

10) 9-banddagi “Federatsiyasi Kengashi” degan soʻzlar “Federatsiyasi” degan soʻz bilan almashtirilsin;

11) 10-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10. Hududiy kengashlar tegishli hududiy soliq organlaridan ijtimoiy soliqning hisoblanishi va toʻlanishi haqidagi maʼlumotlarni elektron tarzda olgandan soʻng, tegishli davr uchun ijtimoiy sugʻurta byudjetining ijrosi haqidagi yigʻma moliyaviy hisobotni Oʻzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasiga taqdim etadilar.”;

12) 11-banddagi “Federatsiyasi Kengashi” degan soʻzlar “Federatsiyasi” degan soʻz bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**660** O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining  
axborot tizimida shaxsiy g‘azna hisobvaraqlarini yuritish  
qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
23-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2772-3*

O‘zbekiston Respublikasining 2025-yil 7-fevraldagi O‘RQ–1025-son “Korporativ munosabatlarning huquqiy asoslari yanada takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrda PF–269-son “Yangi O‘zbekiston ma‘muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2016-yil 24-martdagi 21-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2772, 2016-yil 30-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 13-son, 125-modda) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining axborot tizimida shaxsiy g‘azna hisobvaraqlarini yuritish qoidalariga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki va Soliq qo‘mitasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**J. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 6-oktabr,  
295-son

*Kelishildi:*

**Markaziy bank raisi**

**T. ISHMETOV**

*2025-yil 18-sentabr*

**Soliq qo‘mitasi raisi**

**Sh. KUDBIYEV**

*2025-yil 19-sentabr*

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-oktabrda e‘lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi  
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil  
6-oktabrdagi 295-son buyrug‘iga  
ILOVA

**O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining  
axborot tizimida shaxsiy g‘azna hisobvaraqlarini yuritish  
qoidalariga kiritilayotgan o‘zgartirishlar**

1. Muqaddimadagi “O‘RMV” AT” degan so‘zlar “O‘RIMV” AT” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 1-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1. Byudjet tizimi byudjetlarining hamda boshqa maqsadli jamg‘armalar byudjetlarining daromadlari va xarajatlari hisobi bo‘yicha operatsiyalarni yuritish maqsadida byudjet tizimi byudjetlarining tegishli darajalari, byudjet tashkilotlari, budjet mablag‘lari oluvchilar, boshqa maqsadli jamg‘armalar byudjetlaridan mablag‘ oluvchilar uchun iqtisodiyot va moliya organlari hamda davlat maqsadli jamg‘armalari (bundan buyon matnda DMJ deb yuritiladi) va boshqa maqsadli jamg‘armalarni taqsimlovchi organlar tomonidan, shuningdek, byudjet tashkilotlari va DMJning chet el valyutasidagi mablag‘lari uchun Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi G‘aznachilik xizmati qo‘mitasi (bundan buyon matnda G‘aznachilik xizmati qo‘mitasi deb yuritiladi) va uning hududiy boshqarmalari tomonidan “O‘RIMV” ATda O‘zbekiston Respublikasining Davlat byudjeti byudjet tasnifining tegishli kodlari bo‘yicha shaxsiy g‘azna hisobvaraqlari ochiladi.”.

3. 2-bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“boshqa maqsadli jamg‘armalar (bundan buyon matnda BMJ deb yuritiladi) — mablag‘lari qonunchilikda nazarda tutilgan manbalar hisobidan shakllantiriladigan, muayyan sohalarini moliyalashtirish uchun qonunchilik hujjatlari bilan tashkil etiladigan, davlat maqsadli jamg‘armalari va byudjet tashkilotlarining byudjetdan tashqari jamg‘armalariga kirmaydigan jamg‘armalar;”;

to‘rtinchi xatboshidagi “O‘RMV” AT” degan so‘zlar “O‘RIMV” AT” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

4. 3-bandning to‘rtinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“byudjet tashkilotlari, byudjet mablag‘lari oluvchilar, BMJ byudjetidan mablag‘ oluvchilarning shaxsiy g‘azna hisobvaraqlari (bundan buyon matnda xarajatlar bo‘yicha shaxsiy g‘azna hisobvaraqlari deb yuritiladi).”.

5. 5-bandning beshinchi xatboshisi, 10-bandning yettinchi xatboshisi, 14-bandning birinchi xatboshisi, 18, 19, 26 va 39-bandlardagi “O‘RMV” ATda” degan so‘zlar “O‘RIMV” ATda” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

6. 13-bandning yettinchi xatboshisi chiqarib tashlansin.

7. 27-bandning yettinchi xatboshisidan “, shuningdek unitar korxonalar” degan so‘zlar chiqarib tashlansin.

8. 3-ilovadan 20-pozitsiya chiqarib tashlansin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MAKTABGACHA VA MAKTAB TA‘LIMI VAZIRLIGI  
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGINING  
QARORI

**661** “Kambag‘al oilalar reyestri”ga kiritilgan oilalarning farzandlarini qabul qilgan oilaviy nodavlat maktabgacha ta‘lim tashkilotlariga ushbu bolalar ta‘minoti uchun ota-onalar to‘lovining bir qismini Davlat byudjetidan qoplab berish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
23-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3693*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-maydagi PF–84-son “Kambag‘al oilalarni davlat tomonidan ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash tizimini yanada takomillashtirish to‘g‘risida”gi Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 14-iyuldagi 439-son “Ilk rivojlanish markazlari faoliyatini bosqichma-bosqich yo‘lga qo‘yish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta‘limi vazirligi hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi **qaror qiladi:**

1. “Kambag‘al oilalar reyestri”ga kiritilgan oilalarning farzandlarini qabul qilgan oilaviy nodavlat maktabgacha ta‘lim tashkilotlariga ushbu bolalar ta‘minoti uchun ota-onalar to‘lovining bir qismini Davlat byudjetidan qoplab berish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi bilan kelishilgan.

3. Ushbu qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Maktabgacha va maktab  
ta‘limi vaziri**

**E. KARIMOVA**

Toshkent sh.,  
2025-yil 3-oktabr,  
10-mh-son

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

**J. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 22-oktabr,  
293-son

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-oktabrda e‘lon qilingan.

*Kelishildi:*

*Ijtimoiy himoya milliy  
agentligi direktori*

*M. OLLOYOROV*

*2025-yil 3-sentabr*

O‘zbekiston Respublikasi  
Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligining  
2025-yil 3-oktabrdagi 10-mh-son hamda  
Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil  
2-oktabrdagi 293-son qaroriga  
ILOVA

**“Kambag‘al oilalar reyestri”ga kiritilgan oilalarning farzandlarini  
qabul qilgan oilaviy nodavlat maktabgacha ta’lim tashkilotlariga  
ushbu bolalar ta’minoti uchun ota-onalar to‘lovining bir qismini  
Davlat byudjetidan qoplab berish tartibi to‘g‘risidagi  
NIZOM**

Ushbu Nizom oilaviy nodavlat maktabgacha ta’lim tashkilotlarida (bundan buyon matnda oilaviy MTT deb yuritiladi) tarbiyalanayotgan “Kambag‘al oilalar reyestri”ga kiritilgan oilalarning (bundan buyon matnda ayrim toifadagi oilalar deb yuritiladi) farzandlari uchun ota-onalar to‘lovining bir qismini Davlat byudjetidan qoplab berish tartibini belgilaydi.

**1-bob. Ayrim toifadagi oilalarning farzandlari uchun  
kompensatsiya belgilash**

1. Ayrim toifadagi oilalarning farzandlari to‘g‘risidagi ma’lumotlar “Bolalar bog‘chasi” maktabgacha ta’limni boshqarish axborot tizimida “Raqamli hukumat” tizimining idoralararo integratsiyalashuv platformasi orqali shakllantiriladi hamda “Nodavlat maktabgacha ta’lim tashkilotlarini boshqarish” axborot tizimiga (bundan buyon matnda axborot tizimi deb yuritiladi) uzatiladi.

2. Ota-onalar to‘lovining bir qismi (bundan buyon matnda kompensatsiya deb yuritiladi) Davlat byudjetidan qoplab beriladigan ayrim toifadagi oilalarning farzandlari ro‘yxati (bundan buyon matnda ro‘yxat deb yuritiladi) axborot tizimi orqali avtomatik ravishda shakllantiriladi.

Oilaviy MTTga qabul qilingan ayrim toifadagi oilalar farzandlarining soni mazkur Nizomning 6-bandi ikkinchi xatboshisida belgilangan miqdordan ko‘p bo‘lganda, ro‘yxat ayrim toifadagi oilalarning quyidagi ustuvor ketma-ketligi asosida aniqlanadi:

“qizil” toifa;

“sariq” toifa;

“yashil” toifa (kambag‘al oilalar reyestriga kiritilish ehtimoli yuqori bo‘lganligi asosi bilan “yashil” toifaga kiritilgan oilalar bundan mustasno).

Oilaviy MTTga qabul qilingan bir xil toifadagi oilalarning farzandlari soni mazkur Nizomning 6-bandi ikkinchi xatboshisida belgilangan miqdordan ko'p bo'lganda, ro'yxatga kiritish ularning oilaviy MTTga qabul qilingan sanasiga muvofiq ketma-ketlikda amalga oshiriladi.

3. Ayrim toifadagi oilalarning farzandlari boshqa maktabgacha ta'lim tashkilotiga o'tkazilganligi, mazkur Nizomning 8-bandida nazarda tutilgan imtiyozlardan to'liq foydalanib bo'lganligi sababli ro'yxatdan chiqarilganidan so'ng, ularning o'rniga mazkur Nizomning 2-bandida nazarda tutilgan ketma-ketlik asosida boshqa ayrim toifadagi oilalarning farzandlari uchun kompensatsiya belgilanadi.

Ayrim toifadagi oilalarning farzandlari boshqa oilaviy MTTga o'tkazilganda, ular mazkur oilaviy MTTdagi kompensatsiya belgilanishi mumkin bo'lgan bo'sh o'rinlarga mazkur Nizomning 2-bandida belgilangan tartibda joylashtirilgan sanadan kompensatsiya to'lash davom ettiriladi.

4. Kompensatsiya belgilangan ayrim toifadagi oilalar farzandlari to'g'risidagi ma'lumotlar axborot tizimida ularning ota-onalari shaxsiy kabinetida aks etadi.

5. Ayrim toifadagi oilalar farzandlari uchun kompensatsiya belgilanganligi yoki to'xtatilganligi haqida ularning ota-onalari mobil ilova hamda telefon raqamiga SMS xabarnoma yuborish orqali xabardor qilinadi.

Xabarnomada bolaning ismi, familiyasi va otasining ismi, kompensatsiya belgilangan yoki to'xtatilgan sana hamda kompensatsiya miqdori ko'rsatiladi.

## **2-bob. To'lovlarni amalga oshirish**

6. Ayrim toifadagi oilalarning ota-onalar to'lovini qoplash uchun oilaviy MTTga kompensatsiya tegishli hududda 9 soatlik ish rejimidagi umumiy tipdagi davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari uchun belgilangan ota-onalar to'lovining 40 foizi miqdorida ajratiladi.

Kompensatsiya oilaviy MTTga haqiqatda qatnayotgan ayrim toifadagi oilalar farzandlari sonidan kelib chiqib, biroq O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi bilan oilaviy MTT o'rtasida tuzilgan bitimda belgilangan o'rinlarning 15 foizidan ko'p bo'lmagan qismiga ajratiladi. Bunda, o'rinlar soni qoldiqqa ega bo'lgan taqdirda, qoldig'i 0,5 dan kichik bo'lgan sonlar 0 ga, 0,5 va undan yuqori bo'lgan sonlar esa 1 ga yaxlitlanadi.

Kompensatsiya oilaviy MTTning hisobvarag'iga ularga ajratiladigan boshqa subsidiyalar bilan birga to'lab boriladi.

7. Kompensatsiyaning oylik to'lovi summasi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 2-avgustdagi 426-son "Maktabgacha ta'lim sohasida davlat-xususiy sheriklik munosabatlarini zamonaviy raqamli texnologiyalar yordamida soddalashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga asosan tarbiyalanuvchining haqiqiy davomatidan kelib chiqqan holda axborot tizimida hisoblanadi.

8. Ayrim toifadagi oila "Kambag'al oilalar reyestri" axborot modulida "qizil" yoki "sariq" toifadan "yashil" toifaga o'tkazilganda, kompensatsiya keyingi o'n ikki oy mobaynida to'lab boriladi.

9. O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi bilan

oilaviy MTT o'rtasida tuzilgan bitimga o'zgartirishlar kiritilishi natijasida o'rinlar soni kamaygan taqdirda, kompensatsiya to'lanishi belgilangan ayrim toifadagi oilalar uchun kompensatsiya to'lash bo'yicha imtiyozlar saqlab qolinadi. Bunda, mazkur Nizomning 8-bandi talablari hisobga olinadi.

10. O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi tomonidan oilaviy MTTga o'tgan davr uchun to'lanmagan yoki ortiqcha to'langan kompensatsiya keyingi oy uchun kompensatsiyalar tegishli summalari qo'shilgan yoki kamaytirilgan holda qayta hisob-kitob qilinadi.

Bunda, mazkur Nizomning 8-bandida nazarda tutilgan muddat tugagan hollarda, ortiqcha to'langan kompensatsiya oilaviy MTTga ajratiladigan boshqa subsidiyalar hisobidan chegirib qolinadi.

O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi bilan oilaviy MTT o'rtasida tuzilgan bitim muddati tugaganda yoki bekor qilinganda ortiqcha to'langan kompensatsiya oilaviy MTT tomonidan Davlat byudjetiga qaytariladi.

### **3-bob. Yakuniy qoidalar**

11. Ayrim toifadagi oilalar farzandlarining oilaviy MTTga jalb etilishiga to'sqinlik qilishga yoki boshqa ko'rinishda kamsitishga yo'l qo'yilmaydi.

12. Ushbu Nizom talblarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo'ladilar.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. О‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 8-sentabrdagi 285-son “O‘zbekiston Respublikasi budjet tizimi budjetlarining g‘azna ijrosi qoidalariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i.  
***2025-yil 22-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2850-3.***

2. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 19-sentabrdagi 287-son, Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2025-yil 8-sentabrdagi 08/427-son, Soliq qo‘mitasining 2025-yil 4-sentabrdagi 2025-12-son, Markaziy bank boshqaruvining 2025-yil 12-sentabrdagi 287-V-2-son “Kasaba uyushmalari organlarining xodimlar va ularning oila a‘zolarini sog‘lomlashtirish uchun yo‘naltirilgan mablag‘larni sarflash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qarori.

***2025-yil 23-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1690-2.***

3. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 6-oktabrdagi 295-son “O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining axborot tizimida shaxsiy g‘azna hisobvaraqlarini yuritish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

***2025-yil 23-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2772-3.***

4. O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta‘limi vazirligining 2025-yil 3-oktabrdagi 10-mh-son hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 2-oktabrdagi 293-son “Kambag‘al oilalar reyestri”ga kiritilgan oilalarning farzandlarini qabul qilgan oilaviy nodavlat maktabgacha ta‘lim tashkilotlariga ushbu bolalar ta‘minoti uchun ota-onalar to‘lovining bir qismini Davlat budjetidan qoplab berish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori.

***2025-yil 23-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3693.***